

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Дилфуза Джуракулова

ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИНИНГ ИБТИДОИЙ ДАВР ТАРИХИ

САМАРҚАНД – 2015

Д.М.Джуракулова. Зарафшон ҳавзасининг ибтидоий давр тарихи.
Ўқув қўлланма. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2015, 173 бет.

Масъул муҳаррир: М.Д.Джуракулов,
т.ф.д., профессор.

Такризчилар: Ш.С.ҒАффоров,
т.ф.д., профессор.

И.М.Саидов
т.ф.д., профессор.

Ушбу монографияда Зарафшон ҳавзасида кечган ибтидоий жамоалар тарихи, маданияти янги ёндашув, мустақиллик руҳияти билан бой археологик ва этнографик манбалар асосида ёритилган, буюк бобокалонларимиз ақл-заковати билан бунёд этилган илк цивилизация асослари тарихи атрофлича илмий жиҳатдан талқин қилинган бўлиб, китоб олий ва ўрта махсус таълим даргоҳлари ўқитувчилари, университет тарихчи, археолог талабалари, магистрлари, музейшунослар ва юртимиз маданияти тарихи билан қизиқувчи кенг доирадаги ўқувчилар учун ҳам мўлжалланган.

КИРИШ СЎЗИ ЎРНИДА

Инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида бири иккинчиси билан алмашган бир неча ижтимоий-иқтисодий формацияларни бошдан кечирган бўлиб, улар ибтидоий жамоа, кулдорлик, феодаллик, капиталистик ва ҳозирги замон даври формацияларидир.

Мустақиллик берган имконият туфайли ўзбек халқи ҳам ўзининг ўтмиши – қадимги тарихини, бобокалонларимиз ақл-заковати билан яратилган бой моддий, маданий ва маънавий меросни одилона, ҳаққоний ўрганиш имкониятига эга бўлди. Зарафшон ҳавзаси ибтидоий давр тарихи ҳам халқимиз тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, уни илмий асосда ўрганишга зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ибтидоий жамоалар даври кишилик тарихининг энг узоқ ўтмишини ўз ичига олиб, биринчи синфий жамият ва давлатчиликнинг пайдо бўлгунга қадар давом этган тарихий жараёндир. Ибтидоий жамият тарихи одамнинг пайдо бўлиши, унинг дастлабки даврда юритган ҳўжалиги, турмуш-тарзи, шунингдек, моддий маданиятининг вужудга келишидаги илк қадами каби масалаларни ўрганади. Ҳозирги замон прогрессив руҳиятдаги олимларнинг дунёқараши бўйича бу фан ибтидоий жамият тарихининг асосий хусусиятларини, унинг вужудга келиши ва емирилиши қонуниятлари билан боғлиқ масалаларни, дастлабки синфий жамиятнинг пайдо бўлиш шарт-шароитлари билан боғлиқ қонуниятлари ва шакллари ҳамда синфий жамиятга айланиш тараққиёт динамикасини ўрганади.

Ибтидоий жамият тузуми даврининг энг муҳим характерли томони – унинг дастлабки босқичларида ишлаб чиқариш кучларининг ниҳоятда заиф, паст даражада ривожланганлиги ва бу даврнинг, айниқса, металлнинг кашф қилинганлигига қадар ўта қийинчилик билан яратилган оддий тош қуроллардан фойдаланганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, одамларда ҳали ишлаб чиқариш тажрибаларининг, хусусан, меҳнат билан боғлиқ тажрибаларининг ниҳоятда такомиллашмаганлиги туфайли улар табиат олдида ожиз эди. Бу ҳолат уларнинг биргалашиб яшаши ва меҳнат қилишини тақозо қиларди. Коллектив бўлиб яшаш ва коллектив бўлиб истеъмол мулкига ҳам эгалик қилиш талаб қилинарди. Ибтидоий жамият даврида инсон ҳаёти меҳнат маҳсулотига коллектив эгалик қилиш, коллектив бўлиб яшашдан иборат бўлиб, бу ҳаётда мажбурий меҳнат бўлмаганидек, зўравон ҳокимият – синфий жамиятнинг ҳам ўзи йўқ эди. Шунинг учун ҳам ибтидоий жамият тарихини ўрганишнинг асосий хусусият ва вазифаларидан бири, аввало, нафақат билиш, шунингдек, дунёқараш аҳамиятига ҳам эгадир.

Жаҳоннинг барча қитъалари ёки ҳудудларида ибтидоий жамият тарихи бир ҳолатда ёки бир маромда кечмаган. Бу жараён кўпинча табиий муҳит, жўғрофик жойлашиш, табиий ресурсларнинг мавжудлиги ҳамда экологик иқлим шароитлар билан ҳам боғлиқ бўлган. Демак, ибтидоий жамият формацияси бошқаларига қараганда жуда узоқ замонларни ўз ичига олиб, унинг пастки ёки қуйи чегараси - 1,5-2 миллион йилларни ўз ичига олади. Ҳозирги даврда фан янги-янги ютуқларни қўлга киритаётганлиги ҳисобга

олинадиган бўлса, бу айтилган чегара ҳам аксиома эмас. Ибтидоий жамият тарихининг юқори чегараси, кўпчилик олимларнинг фикрига қараганда, бундан аввалги 5 мингинчи йиллар билан чегараланади. Бу жараён ҳам турли минтакаларда турлича кечган. Масалан, Осиё ва Африкада биринчи цивилизация мил. авв. 4-3 минг йилликлар чегарасида вужудга келган бўлса, Овропада мил. авв. 1 минг йиллик, Америкада мил. авв. 1 минг йиллик охирида ва бошқа ойкуменларда (одамзоднинг ер юзининг айрим қисмларига тарқалиши) мил. авв. 1 минг йилликда содир бўлган.

Ибтидоий жамият тарихини тараққиёт босқич даврларга бўлиш мураккаб масалалардан биридир. Бу ҳақда фанда турли қарашлар ва таълимотлар мавжуд. Биз ушбу ишимизда ҳозирги замон фанида кўпчилик олимлар томонидан маъқулланган даврлашдан фойдаланишни афзал билдик. Бу тарихан даврлаш Зарафшон водийси учун ҳам бирдек қўлланилиши мумкин. Бинобарин, Зарафшон водийси ҳам одамзоднинг илк палеолит давридан буён энг қадимги маконларидан бири эканлиги фанда исботланган. Бу тарихий тараққиёт босқичларни археологик даврланиш билан ҳам қиёсий таққослаб, қуйидагича бўлиш мумкин:

1. Ибтидоий тўда даври. Археологик нуқтаи назардан бу босқич илк ва ўрта палеолит тараққиёт босқичларидан иборат бўлиб, архантроплар яшаган давр ҳисобланиб, у бундан авв. 1,5-2 миллион йилларни ўз ичига олади.

2. Ибтидоий илк уруғчилик жамоалар даври. Бу даврда палеонтроп туридаги одамлар яшаган ва мил. авв. 150-80 минг йилликларни ўз ичига оладиган ҳолда, археологик нуқтаи назардан ўрта палеолитнинг охири босқичидан сўнгги палеолит ва мезолит даврининг бошланғич тараққиёт босқичини ўз ичига олади.

3. Уруғчилик жамоаларининг ривожланган даври. Бу замонда ҳозирги замон одамлари ва неантроп одамнинг сўнгги авлоди яшаган бўлиб, археологик жиҳатдан мил. авв. 80-12 мингинчи йилларни ўз ичига олади.

4. Уруғ-жамоа тузумининг охири босқичи ёки гуллаган даври бўлиб, археологик жиҳатдан мезолит ва неолит даврларини ўз ичига олади. Бу давр мил. авв. 12-4 минг йилликлар билан саналанади.

5. Ибтидоий қўни-қўшничилик жамоалари даври. Археологик нуқтаи назардан сўнгги неолит, энеолит ва илк металл даврини ўз ичига олиб, мил. авв. 4 минг йилликдан милодий 1 минг йиллик бошларига қадарги даврни ўз ичига олади. Қўни-қўшничилик жамоаси (кўп ҳолатларда илк деҳқонлар жамоаси ҳам деб аталади) даврида барча ҳудудларда ҳам бир текисда металлдан фойдаланишга ўтилмаган. Бу даврда, айниқса, жездан фойдаланишга ўтилиши натижасида кишилиқ хўжалиқ ҳаётида кескин ўзгаришлар юз беради. Истеъмолдан ташқари зиёд маҳсулотлар пайдо бўлади, бойлик тўплаш мақсадида талончилик урушлари авж олади. Хуллас, жамоа мулки ҳаётдан сиқиб чиқарилиб, хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлишига олиб келади ва қўнлар, саркардалар ҳукмронлиги ташкил топади. Оқибатда синфий жамият юзага келиб, дастлабки давлатчилик тизими пайдо бўла бошлайди.

Ибтидоий тўда даврида тошдан, суяк ва ёғочдан меҳнат қуролларини ясаш ташкил топади. Шу билан одамзод меҳнат фаолиятига киришилиб, бу ҳодиса одамзод маданият тарихининг бошланиши билан ифодаланган. Шунинг билан энг қадимги одамзод – архантроплар шаклланиб, уларнинг ҳаёт тирикчиликлари меҳнат билан боғлиқ кечган. Демак, ҳали жуда оддий ва ожиз бўлса-да, дастлабки меҳнат коллективи гуруҳларининг вужудга келиши инсоният тарихининг бошланиши эди.

Бу тараққиёт босқичининг муҳим жиҳатларидан бири одамзод эндиликда меҳнат туфайли маданият сари дастлабки қадамини қўйиб, ҳайвонот дунёсига хос бўлган хусусиятлардан муайян даражада узоқлашди ва ўзи ҳам биологик жиҳатдан тараққий этиб, узил-кесил одамзодга айланди.

Кўп йиллик тадқиқот натижаларининг гувоҳлик беришича, Зарафшон ҳавзасида кетма-кет тараққиётни ифодаловчи бой археологик ҳамда бошқа манбалар тўпланган. Уларнинг илмий таҳлили Зарафшон ҳавзасида одамзод илк палеолитдан эътиборан узлуксиз, ўз даврининг ҳар бир тараққиёт босқичидан гувоҳлик берувчи моддий маданият яратганлиги исботланган. Зарафшон ҳавзасининг ибтидоий давр тарихи нафақат Ўзбекистоннинг, шунингдек, жаҳон халқлари тарихининг ажралмас бир қисми эканлигини эътироф этиш тўғри бўлади, деб фикр билдирилса, хато бўлмаса керак. Дарҳақиқат, эски ва янги қитъанинг турли вилоятларида кечган ибтидоийлик тарихи Зарафшон ҳавзаси ҳудудларида ҳам содир бўлган умумий тарихий жараёндир. Ана шу жараён тараққиёт таълимотидан келиб чиқиб, биз ушбу китобимизни тайёрлашда тарихий тараққиёт жараёнининг узлуксизлиги, оддийликдан мураккабликка қараб ривожланиш эволюцияси жаҳоннинг асосий қитъаларида кечгани каби Зарафшон ҳавзаси аҳолисининг энг қадимги ўтмишдошларининг ҳам бошдан кечирганликлари, яъни ибтидоий жамоачилик тарихини ўтаганликларини манбалар асосида ўқувчиларга янги ёндашув таъминлади билан етказишни мақсад қилиб қўйдик. Бунинг учун жаҳон миқёсида содир бўлган ибтидоий даврга оид археологик, этнографик ва антропологик манбалардан, жаҳон ибтидоий давр тарихини ёзган мутахассис олимларнинг асарларидан, дарслик ва ўқув қўлланмаларидан қиёсий равишда кенг фойдаланилди. А.И.Першиц, А.Л.Монгайт, В.П.Алексеевларнинг ибтидоий жамият тарихи ҳақида, Я.Ғ.Ғуломов, Ў.И.Исломов, А.А.Асқаровларнинг Зарафшон водийси ибтидоий давр маданиятига бағишланган асарларидан, М.Ж.Жўрақулов, Н.А.Аванесова, Б.А.Амиркуловларнинг Зарафшон воҳасининг ибтидоий давр маданиятига бағишланган ўқув қўлланмасидан, В.П.Алексеев, А.М.Золотарев, П.П.Ефименко, П.И.Борисковский, М.О.Косвенларнинг ибтидоий маданият тарихи ҳақида ёзган асарларидан фойдаланилди.

Хуллас, ибтидоий тузумнинг барча тараққиёт босқичларига оид бўлган кўп сонли ёдгорликларга эга бўлган Зарафшон дарёсининг ҳавзаси кенг, катта табиий ва тарихий жиҳатдан ягона, бир бутун воҳадир. Ўрта Осиёнинг тоғ ва текислик минтақалари чегарасида жойлашган бу ҳавзада ибтидоий одамларнинг яшаши ва маданий ҳаётга эришиш учун жуда қулай табиий

экологик шароит мавжуд бўлганлиги туфайли бир неча ўн минг йиллар давомида маданий анъаналарнинг фаол айрабошланиши ва қадимги аҳолининг бир-бирига аралашиб кетишини кузатиш мумкин.

Китобда биринчи маротаба тош ва бронза даврларига оид бўлган ёдгорликларнинг материаллари асосида, янги давр талаби ва ёндашуви билан Зарафшон ҳавзаси ибтидоий кишилари жамоалари тарихи, унинг мунтазам узлуксиз ривожланиб бориш жараёни ифодаланган. Ушбу асар Самарқанд давлат университети тарих факультети тарихчи ва археолог бакалавр талабаларига ўқиладиган ушбу номдаги махсус курс дастури асосида тайёрланган. Шунингдек, мустақил илмий тадқиқотчилар, магистр археологлар ва ватанимиз халқи маданият тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган. Мазкур асар бу соҳада қилинаётган дастлабки иш бўлганлиги туфайли, эҳтимол, баъзи камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Китоб юзасидан билдириладиган мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қилади.

I БОБ

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИНГ ҚИСҚАЧА ПАЛЕОЭКОЛОГИЯСИ ВА ҚАДИМГИ ЖЎҒРОФИЯСИ

Зарафшон дарёсининг ҳавзаси 41.860 км майдонни қамраб олган бўлиб, агар ҳозирги пайтда саҳрога айланган Қадимги Зарафшон дельтасининг майдонини ҳам қўшиб ҳисобласак, бу рақамни тахминан икки баравар оширишга тўғри келади. Зарафшон дарёси ҳавзаси (гипсометрик жиҳатдан) турли хил жойларни ўз ичига олган бўлиб, унинг денгиз сатҳидан баландлиги 200 метрдан то 5301 метргачани ташкил қилади ва тоғли Зарафшон (мутлақ баландлиги – 5301-1000 м) ҳамда қуйи Зарафшон (мутлақ баландлиги – 280-200 м), Зарафшон ёки Самарқанд (мутлақ баландлиги 1000-250 м) каби қисмларга бўлинади. Бу ерда Турон табиий-жўғрофик музофотининг саҳродан глянуиал-нивалгача (муз-қорларнинг таъсирида дарё воҳаларининг ҳосил бўлиши) бўлган бешта жўғрофик баландлик минтақалари мавжуд. Зарафшон водийсининг юқори қисми ғоят тор, жарликлари кўп, баланд дарё терассаларидан иборат водий бўлса, унинг ўрта қисмида водий бирдан кенгаяди, кенг текис аллювиал-пролювиал ётқизиклардан (оқар сув ва муваққат оқимлар томонидан дарё воҳаларида вужудга келтирилган лой, кум, шағал ҳамда жинс қатламлари ётқизиклари) иборат ер юзасини ташкил қилади. Ҳавзанинг қуйи қисми жанубий-ғарбий Қизилқумга ёндашган қадимги ва ҳозирги давр дельта, узанларидан иборат мураккаб тузилган комплексни ташкил қилади. Бу водийнинг табиий-жўғрофик хусусиятлари сўнгги плейстоцен (тўртламчи даврнинг асосий қисми бўлиб, 600 минг йилга чўзилган. Энг совуқ геологик давр бўлиб, миндель, рисс, вюрем музлик даврлари шу вақтда бўлган) давридан бу ерда пайдо бўлган қазилма одамнинг ҳаёт кечириши учун жуда ҳам қулай шарт-шароитларни яратиб, шу билан бирга инсоннинг хўжалик фаолиятини аниқ бир йўналишда – ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка йўналтириб борди.

Ибтидоий даврдаги жамоаларда махсус ижтимоий хўжалик турлари шаклланишида жўғрофий минтақалар алоҳида ўрин тутган, бу эса маълум даражада моддий ва маънавий маданият махсус белгиларининг ҳар бир жамоа ёки жамоалар гуруҳи учун ўзига хос бўлишини тақозо этади. Лекин тарихий ривожланишнинг маълум бир босқичларида тоғ, тоғолди ва текислик минтақалари ўртасидаги жўғрофий чегаралар турли хил гуруҳларнинг бир-бирига фаол таъсир ўтказилган дастлабки сарҳади бўлиб қолади. Мана шундай чегара ҳудудлардаги археологик ёдгорликлар одатда янги маданий бирлашмаларнинг шаклланишини ўрганиш ва турли археологик ёдгорликларнинг мавжуд бўлган вақтларини бир-бирига қиёсий солиштириш масалаларини ҳал қилишга ёрдам берадиган маълумотларни бошқа ердаги ёдгорликларга қараганда ўзида кўпроқ сақлайди. Буларнинг ҳаммаси, умуман олганда, тарихан ривожланиш қонунларининг инъикосидир. Маълум жойлардаги хўжалик ва этносоциал бирлашмаларнинг шакли ҳамда тузилишини қанча чуқур билсак, бу қонунларни шунча тўлиқ тушуниш ва амалиётда қўллаш мумкин бўлади.

Тадқиқотлар натижасида олинган янги маълумотлар шундан далolat берадики, Зарафшон дарёсининг ҳавзасида маҳаллий археологик маданиятларнинг ривожланиши кузатилиб, водийда маҳаллий археологик маданиятларнинг қўшни ерлардан келган маданият ҳамда бу маданиятларнинг алоҳида белгилари билан ўзаро муносабатларини акс эттирувчи муҳим тарихий жараёнлар вужудга келган ва кечганлиги ойдинлашди. Ўрганиш натижалари шу манзарани кўрсатдики, олинган илмий маълумотларнинг барчаси бу ерда қўшни музофотлардан фарқ қилувчи, ўзига хос маданий хўжалик анъаналари шаклланганлигидан далolat беради.

Ўрганилаётган ҳавзанинг ибтидоий давр маданияти бўйича ёдгорликларни тадқиқ қилиш ишлари XIX асрнинг охири – XX аср бошларидаги қадимги даврни ўрганиш ҳаваскорлари, ўлкашуносларининг унча мукамал бўлмаган текширувларидан то ҳозирги кундаги мунтазам, режали тадқиқотларигача бўлган йўлни босиб ўтди ва катта илмий ютуқларга эришилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Зарафшон дарёси ҳавзасидаги ибтидоий ёдгорликлар ҳақидаги асосий билим ва илмий қарашларимиз ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб кенг авж олган режали, мунтазам текширишлар натижасида қўлга киритилган замонамиз фани ютуқлари самарасидир.

Зарафшон водийси ҳудуди Марказий Осиёнинг қадимги тарихий вилоятларидан бири бўлиб, бу ерда одамзод илк палеолит давридан эътиборан қўним топганлиги ва кейинги тарихий тараққиётнинг барча босқичларини бошдан кечирганлиги, инсон ҳаёти ва маданият пешма-пеш узлуксиз цивилизация сари ривожланишда бўлганлиги хилма-хил ва бой моддий маданият манбалари асосида исботланган. Бу узок ўтмиш тарихи билан боғлиқ тараққиёт жараёни водийда ўзига хос туб жойли цивилизациянинг ташкил топишига олиб келган.

Ушбу асарнинг мақсади билан боғлиқ масалаларни янги ёндашув асосида таҳлил қилиб чиқишда, аввало, Зарафшон водийсининг жўғрофик жойлашиши, геологик ётқизиклари, палеоэкологияси, ҳуллас, табиати ва иқлим шароитлари ҳақида қисман бўлса-да, тушунчалар бериб ўтиш лозим бўлади. Дарҳақиқат, Зарафшон водийси бошқа водийлардан фарқли ўлароқ, Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, Туркистон – Оқтоғ билан Зарафшон тизмалари орасида жойлашган кўндаланг водийдир. Унинг шарқий тоғли қисми Тожикистон, ғарбий тоғ этаги ва текислик қисми Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Водийнинг қадимчилиги ҳам шундаки, у қадимдан тектоник ҳаракат йўли билан вужудга келган. Унинг ҳозирги ер устки рельефининг шаклланишида Зарафшон дарёсининг доимий ва вақтинчалик – мавсумий ирмоқлари ҳамда даврий равишда эсадиган шамол муҳим роль ўйнаган. Зарафшон дарёси қадимдан водийнинг асосий сув манбаи бўлиб келган бўлиб, қадимги вақтларда турли номлар билан ва нихоят, XVIII асрдан бошлаб «Зарафшон» деб атала бошланган. Дарёнинг узунлиги 877 км, ҳавзасининг умумий майдони 11710 км², шундан тоғли қисми 17710 км², қолган жойлари тоғолди ирмоқлари ва текисликлардан иборат.

Зарафшон водийси баланд тоғли Зарафшон музлигидан бошланади ва унинг энг юқори нуқтаси 2775 метр бўлиб, Сандикли қумигача – 781 км масофагача чўзилган. Бу ернинг баландлиги 185 метрдан иборат. Водий ана шу масофада ғарбий ва жанубий-ғарбий йўналиш бўйлаб давом этади ва аста-секин пасайиб ҳамда кенгайиб боради.

Водийнинг устки қисми турли давр, асосан, тўртламчи давр аллювиал жинслари қоплаган учламчи давр чўкинди жинсларидан таркиб топган. Водий ўрнида неоген давригача денгиз бўлган ва Алп орогенезида водий қуруқликка айланган. Зарафшон дарёси қадимги даврларда ҳозиргига қараганда анча серсув бўлган. Сув оқимининг кучайиши ва сусайишига қараб дарё ўз ўзанини доимий равишда ўзгартириб ва чуқурлаштириб борган, натижада турли даврларда ҳар хил қайирлар (терассалар) ҳосил қилган. Масалан, шарқий тоғли қисмида 6 та қайир ҳосил бўлган бўлса, водийнинг бошқа жойларида ундан камроқ қайирлар ташкил топган. Зарафшон водийсининг юқори қисми бирмунча тор ва чуқур, қуйи қисмида эса водий анча кенгайиб боради. Ўзбекистон ҳудудига ўтгач, унинг кенглиги айрим жойларда 60-70 км гача бориб етади. Хусусан, Бухоро воҳаси ана шундай кенгликда жойлашган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Зарафшон водийсининг узунлиги 430 кмни ташкил қилиб, унинг бу қисмида Самарқанд, Бухоро, Қорақўл воҳалари жойлашган.¹

Зарафшон водийси қадимги деҳқончилик ривож топган масканлардан бўлиб келган. Водийда ўтроқ деҳқончиликнинг кўҳна илдизлари неолит даврига (мил. авв. VI-IV минг йиллик) бориб тақалади. Зироатчиликнинг излари Сазагон маданияти ёдгорликларида намоён бўлиб, бу ҳодиса узлуксиз тараққиётда бўлган ва мил. авв. 2-минг йилликка келиб анча ривож топиб,

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3-жилд. –Тошкент, 2002. –Б. 675.

суғорма деҳқончиликка ўтилган. Бундай жараёни Саразм ва Замонбобо энеолит ва жез даври моддий маданиятида кузатиш мумкин. Бу жараён узлуксиз давом этган. Дарҳақиқат, Зарафшон водийсида мил. авв. 2-минг йиллик ва 1-минг йиллик бошларида яшаган ўтроқ аҳоли бу дарёдан тўғонлар орқали канал – ариқлар чиқариб деҳқончилик қилганлар. Бундай ирригация ишлари асрлар оша қизғин давом этган.

Аслида Зарафшон дарёси Туркистон, Зарафшон ва Олой тоғ тизмалари қўшилган жой – Мастчоҳ (Кўксув) тоғ тугунидаги Зарафшон музлигидан бошланади. Бошланиш жойидан қарийб 189 км қуйида, чапдан Фандарё қўшилади ва Зарафшон номини олади. Зарафшон дарёси Рабодхўжа тўғони яқинида Тожикистон худудидан чиқиб, Ўзбекистон чегарасига киради ва Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари бўйлаб ўтади ҳамда воҳаларни оқар сув билан таъминлаб келади. Самарқанд шаҳридан 6-8 км шарқроқда, Чўпонота тепалиги ёнида дарё икки тармоққа – Окдарё (ўнг), Қорадарё (чап)га ажралиб, бу ажралиш Хатирчи туман маркази Янгиобод шаҳарчаси яқинида бирлашади ва яна Зарафшон номи билан оқади. Дарёнинг бу тармоғи оралиғи эса тарихан Миёнқол ороли номи билан юритилинади. Зарафшон дарёси милoddан олдинги даврларда Амударёга қуйилган.

Зарафшон дарёсининг энг юқори қисмини умумий майдони 557 км² музлик қоплаб ётади ва водийни сув билан таъминлашда муҳим ва бирдан бир заҳира ҳисобланади. Зарафшоннинг бошланғич сув тўпланиш майдони анча баландликда жойлашган. Масалан, Дупули кўпригидан юқоридаги қисмининг ўртача баландлиги 3100 метр. Шу боисдан унинг юқори ҳавзасида доимий қор ва музликлар сероб учрайди. Зарафшон дарёси абадий музлик, доимий ва мавсумий қор қоплами ва чашма сувларидан тўйинади. Шунингдек, ҳавзанинг юқори қисмида 80 га яқин ҳар хил ҳажмдаги қўллар бор. Қиш вақтларида дарё асосан ерости булоқ сувлари ҳисобига тўйинади.²

Зарафшон водийсининг палеоэкологиясини ўрганишда археологик манбалар муҳим ўрин тутаяди. Бинобарин, одамзод ҳаёти қадимги экологияга боғлиқ бўлган. Палеоэкология палеонтология фанининг муҳим бўлими ҳисобланиб, кўҳна геологик даврларда яшаган ҳайвонот ва ўсимликларнинг ўша вақт муҳити билан ўзаро муносабатини, қирилиб кетган жонзотларнинг ҳаёти ва яшаш шароитларини ўрганади. Палеоэкология чўкинди ётқизиқларини фацнал таҳлил қилишда муҳим ҳисобланиб, уларнинг литологик таркиби билан узвий боғлиқдир. Палеоэкология қадимги организмлар яшаш шароитини ўрганишда, асосан, уларнинг скелет қолдиқларини ўрганиш (морфофункционал таҳлил) усули қўлланилади. Қадимги ҳайвонлар яшаган шароитларини ўрганиб, палеоэкология палеонтология ҳамда геология учун баъзи фойдали қазилмалар пайдо бўлиши шароитларини аниқлаш ва ўхшаш шароитларда ҳосил бўлган турли фойдали қазилмалар конини башорат этишда ҳам кенг қўлланилади.

² Расулов А.Р., Ҳақимов Ф.Ҳ. Ўзбекистоннинг сув ресурслари. –Т., 1989.

Зарафшон водийси асосан 3 та йирик, яъни Самарқанд, Бухоро, Қорақўл воҳаларидан иборат. Самарқанд воҳаси Самарқанд ботиғида жойлашган. Воҳа шимолдан Ғубдинтоғ – Оқтоғ – Қоратоғ, жанубдан Қоратепа – Зирабулоқ – Зиёвуддин каби ўртача баландликка эга тоғлар билан ўралган. Воҳа кенглиги 50 кмгача боради, Навоий шаҳридан ўтгандан кейин водий яна торая боради. Масалан, Қизилтепа ва Офтобачи қирлари бири-бирига анча яқинлашиб, Ҳазор йўлагини ҳосил қилиб, унинг кенглиги 8 км ни ташкил қилади. Воҳанинг ер сатҳи асосан текис ва уни Зарафшон дарёси ҳамда вақтинча, мавсумий оқар сувли сойлар кесиб, парчалаган, баъзи жойларда чуқур жарликлар, сойлар ҳосил қилган. Масалан, Самарқанд шаҳри худуди жуда кўп сойлар ва чуқур жарликлардан иборат бўлган. Ҳозирги Динамо ўйингоҳи қурилган жой қадимий чуқур сойлардан бири бўлиб, у тарихан жуда эски. Ўйингоҳнинг юқорида маҳаллий сув хавзаси қурилган. 1939 йилда шу қурилиш вақтида сойнинг чап қирғоғида сўнгги палеолит даврига оид манзилгоҳ топилиб ўрганилган. Ўйингоҳнинг пастки оқими қирғоғидан яна бир шу даврга оид манзилгоҳ топиб ўрганилган. Шунингдек, ҳозирги ҳаракатдаги Кашшофлар биносининг атрофидан, собиқ Иваново парки худудларидан, ҳозирги Кошғарий кўчаларидан ўрта палеолитга доир тош қуроллар топилган. Шунингдек, Омонқўтон маконидан жайрон, морал, айиқ, бўри, тоғ эчкиси, муфлон, тошбақа каби жониворларнинг, Қўтирбулоқ маконидан топилган бука, бухоро буғуси, фил каби, шунингдек, сўнгги палеолитга оид Самарқанд маконидан топилган бухоро буғуси, ёввойи от, бука, плейстоцен эшаги каби жониворларнинг суяк қолдиқларининг топилиши плейстоцен даврида Зарафшон водийси турли ҳайвонот ва баргли ўсимликлар дунёсига бой бўлганлигидан гувоҳлик беради. Булардан ташқари, Осиё қўйининг, кулон (эшак), жайрон, дашт тошбақаси, кўрсичқон ва бошқа хашақхўр жониворлар қолдиқларининг тақдим қилиниши водийнинг адир ва текислик худудлари ўтлоқларга сероб бўлганлигидан далолат беради. Шунини эслатиш лозимки, Қўтирбулоқ фауна комплекси Омонқўтон ва Такалисой маконлариникига жуда яқин ўхшашлиги аниқланган. Бу топилма ашёлар бундан 100-40 минг йиллар аввал яшаган ибтидоий одамларга тегишли бўлиб, геологик ётқизик жиҳатдан Сирдарё О₃ терассасига тўғри келади. Палеолит даврида Самарқанд воҳаси бой тўқайзор, чакалакзор ва ўрмонлардан иборат бўлиб, турли ёввойи жониворларга сероб бўлган. Масалан, Самарқанд манзилгоҳини қазиб тадқиқ қилиш вақтида йирик ёввойи отлар, буқалар, бухоро буғулари каби жониворларнинг оловда тобланган суяк қолдиқлари кўплаб топилган.

Ҳазор йўлагидан ўтилгандан сўнг водий яна кенгаяди ва жанубий-ғарбга бурилиб, Бухоро воҳасини ҳосил қилади. Унинг бу қисмида водийнинг кенглиги 70 км гача етади ва аста-секин текисликка айланади.

Бухоро воҳаси шимолдан Қизилкум билан, Шарқдан Қўштепа платаси – супа тоғи билан ўралган. Воҳа жанубий ғарбга, ғарб ва шимолий ғарбга томон бироз нишаб бўлиб, унинг мутлақ баландлиги 200-280 метрни ташкил қилади. Воҳанинг кўпгина жойларидан турли асрларда қурилган каналлар ва

йирик ариқлар кесиб ўтган. Мавсумий оқар сувлар туфайли сойлар, айрим жойларда жарликлар ҳам ҳосил бўлган. Воҳанинг кўпгина жойларидан ибтидоий давр, хусусан, мезо-неолит даврлари макону манзилгоҳлари кўплаб топилган. Бронза даврига келиб, воҳа ибтидоий одамзод томонидан кенг ўзлаштирилган ва айрим жойларда суғорма деҳқончилик ташкил топган. Зарафшон водийси Бухоро воҳасида жанубий-ғарбга қараб торайиб борган, айниқса, Қоракўл платаси яқинида анча торайиб Қоракўл йўлагини ҳосил қилган ва водий яна кенгайиб, сўнгра Қоракўл воҳаси бошланади. Бу воҳани жанубий-ғарбдан Сандикли кўли, шимолий шарқдан Қоракўл платаси ва жанубдан Эшакчи қумлиги ўраб туради. Бу ерда водийнинг кенглиги 48-50 км, мутлақ баландлиги 185-200 метрни ташкил қилади. Воҳа худудида Кичик шўр кўл ва пастликлар мавжуд.

Зарафшон водийсининг табиий шароити, хусусан, унинг ўрта оқими ҳавзаси тўртламчи даврда ибтидоий одамлар яшаши учун анча қулай экологик шароит бўлганлигидан палеолит даври археологик ёдгорликлари гувоҳлик беради.

Зарафшон водийси ер усти рельефи текисликлардан, тоғолди баландликлардан ҳамда баланд тоғлардан иборат бўлиб, бу эса табиий иқлим ва экологик шароитларнинг ҳам турлича бўлишини тақозо қилган ҳолда шунга нисбатан ер қоплами, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини белгилайди. Зарафшон водийси тоғли туманлари геологик тузилмаси ҳамда тоғ массивлари ботиқлари палеозой даври жинсларидан иборат. Палеоген жинслари таркибида ибтидоий одамларнинг қуроллар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган чакмоқтош қатламлари мавжуд. Бундан ташқари, қумтош, қуртқали тош жинслари ҳам кенг тарқалган бўлиб, водий ҳосилдор тупроқ қатламларига ҳам бой.

Зарафшон ботиғи майдони 29,2 минг м² дан иборат бўлиб, тўртламчи даврда Зарафшон дарёсининг ўнг ва чап тоғли қирғоқлари келиб чиқиш жиҳатидан делювиал, проливиал ва аллювиал қатламлардан иборат. Зарафшон дарёсининг Зирабулоқ тоғли ётиғи бошқа жойларга қараганда пролювиал жинс ётқизиғига бойроқ.³

Зарафшон водийсининг тўртламчи давр ётқизиқларини ўрганишдаги айрим камчиликларга қарамасдан Ю.А.Скворцов, Н.Т.Васильковский, Н.Т.Костенколарнинг Ўрта Осиё тўртламчи давр ётқизиқларини ишлаб чиққан схемасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Зарафшон ҳавзаси тўртламчи давр ётқизиқлари схемасининг қиёсий стратиграфияси комплекси геолог Г.Ф.Тетюхин томонидан ишлаб чиқилган.⁴ Зарафшон водийси тўртламчи давр ётқизиқлар қайирларининг (терассалар) ташкил бўлиши ва ривожланишини ўрганишда олинган бу маълумотлар ўз навбатида, палеолит даври манзилгоҳларининг геологияси билан стратиграфик жиҳатдан анализ – таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Зарафшон водийсидаги палеолит

³ Богачев Г.В. Район Зирабулакский гор. Геология УзССР. Т. II. –Тошкент, 1937. –Б. 278.

⁴ Тетюхин Г.Ф. Четвертичные отложения УзССР. Сб. Основные проблемы по изучению четвертичного периода. –М., 1965.

ёдгорликлари асосан Тошкент (Карнаб) ва Мирзачўл (Сукай) қайирлари мажмуаси шароити таркибида жойлашган.⁵

Тошкент комплекси (О₃) турли геологик қатламларга эга бўлиб, ўрта палеолит ёдгорликларидан Омонқўтон, Такалिसой, Зирабулоқ, Қўтирбулоқ каби манзилгоҳлар ётади ва юқори Мирзачўл (О₃) ётқизик комплекси турли юпқа геологик қатламлардан иборат бўлиб, унинг таркибида Зарафшон водийси сўнгги палеолит маконлари бўлган Самарқанд, Сиёбча, Хўжамазгил каби ва бошқа манзилгоҳлар киради.⁶

Зарафшон водийсининг энг қадимги палеоэкологияси ва палеогеографиясини реконструкция ва тасаввур қилишда водий бўйича ўрганилган палеолит ёдгорликларидан топилган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси (фауна ва флора) муҳим манба ҳисобланади. Ўрганилган палеолит даври ғор типигаги маконлар орасида Омонқўтон макони берган фауна илк ва ўрта палеолит даври учун Самарқанд сўнгги палеолит маконидан топилган палеонтологик материаллар водийда сўнгги палеолит даврида водийнинг табиати, иқлим ва экологик шароити, ҳуллас, ўша қадимги даврларда бу ерда инсон яшаши учун бўлган экологик муҳитни аниқлашда муҳим манбадир.

Шу масалани эслатиб ўтиш лозимки, плейстоцен Ўрта Осиёда ҳозирги пайтгача муфассал ўрганилмаган. Кўплаб илмий ишлар эълон қилинганига қарамасдан, палеонтология, стратиграфия ва геохронология асосида бу давр тўлақонлигича ёритилмаган. Бу эса, ўз навбатида, санани белгиловчи қазилма топилмаларининг ҳамон камлиги, мутлақ санани белгиловчи ишларнинг етарли эмаслиги, континентал арид даври ичида ҳосил бўлган тоғ жинсларининг йиғиндисига хос бўлган, ётқизикларда ўз аксини топган чўкиндилярнинг турли-туманлиги, бунинг натижасида плейстоценга оид қатламлар стратиграфиясининг тўлиқ эмаслиги билан изоҳланади.

Плейстоценнинг алоҳида бўлимлари (қатламлари) саналарини белгиланган, стратиграфияни ўрганишда замонавий усуллардан фойдаланган баъзи геологларнинг тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиё соз тупроқ (лесс) формацияларининг (маълум бир давр ичида ҳосил бўлган ётқизик жинсларнинг йиғиндиси) қатламлари тузилиши ҳақида муфассал стратиграфия кесма чизмаларини олишга муваффақ бўлинди.

Зарафшон воҳаси учун ишлаб чиқилган барча чизмаларнинг заиф томони шундаки, уларда стратиграфик чизмаларни тузишда асосий эътибор ер юзаси тузилишига берилган. Чизмалар геоморфологик белгиларга (ер юзи тузилишига, терасса ва уларга боғлиқ бўлган плейстоцен ётқизикларига) асосланиб тузилган.

Ҳозирги вақтда Зарафшоннинг биринчи ва учинчи терассаларигина ўз саналарига эга. Улардан бирининг санаси радиокарбон усули билан (Зарафшоннинг қуйи оқимидаги Учаши 130), иккинчиси ётқизикларда

⁵ Ранов А.В., Несмянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. – Душанбе, 1973.

⁶ Юрьев А.А. О возрасте терасс р. Зарафшана в связи с геолого-морфологическим изучением окрестностей пещеры Аманкутан. Изв. всесоюз. геогр. общ-ва. Т. 8. 1964. –Б. 129.

топилган бир даврга оид жониворлар суяклари қолдиқлари (фауна комплекси) ҳамда палеомагнит маълумотлари асосида белгиланган.

Ўрта Осиёнинг турли жойларида амалга оширилган археологик материаллар ва терасса комплексларини бирма-бир солиштириб боғлаш тажрибаси, айрим хатолар билан биргаликда, бу усулда анча муваффақиятли илмий хулосага эришилди. Қолган терассаларга археологик маълумотлар асосида саналар белгиланган. Ўрта Зарафшон тоғли массивлари археологик ёдгорликлар геологияси ҳам М.Джўракулов, Э.Д.Мамедовлар томонидан ишлаб чиқилган.⁷ Зарафшоннинг қадимги қуриб қолган ўзанлари Нурота тоғларидан то Амударёгача чўзилиб ётган ерларни эгаллаган кўп сонли, турли ёшдаги оқинди ётқизиклари конусларидан иборатдир. Унинг ҳудудлари ичида бир неча усти текис бўлган баландликлар – супа тоғлар – платолар (улар атрофидаги шу сингари жойлардан жарликлар билан ажралган), ён бағирларида қадимги ётқизиклар қолдиқлари чиқиб, кўриниб қолган тепалик тизмалари мавжуд. Булар – жарликларда юқори плиоцен қум тошлари (Ақчагил) ва бирикмалари очилиб қолган Обтобачи супа тоғи; илк Зарафшоннинг қадимги ўзани текисликлари қолдиқлари (микрофауна) асосида санаси қуйи плейстоцен деб топилган Учбош, Қорақир ва бошқа ясси тепаликлардир. Газли шаҳри яқинидаги воҳалар аллювиал – ўзан чўкмаларидан иборат бўлиб, Чорбақти ва Жусантепа тизма тепаликлари ўрта плейстоценга оид бўлиши мумкин. Ляхча ўзани уларнинг энг қадимгиси деб таҳлил қилинади. Бу ўзан ва эски дарёлар орасида шаклланиши жиҳатидан энг илк қадимгиси Эчкиликсой – Дарёсой шахобчаси, энг сўнггилари эса Бухоро ҳамда Қорақўл ўзанлари (дельталари) ҳисобланади. Ўзанларнинг шаклланишида юқори қисмига шамол кучли таъсир қилган қум, алмашиб кетма-кет келувчи майда қум ва қумтош, йирик шағал қатламлари иштирок этган. Дарёсой воҳасида тўшалган ётқизиклар кесмалари ва улар билан боғлиқ археологик ёдгорликлар янги технологик тадқиқот усулида ўрганиб чиқилди ва уларнинг санаси 6630-100 ва 6590+130 йилга тенг эканлиги аниқланди. Шулардан қизиқарлиси, Учаши 131 илк неолит даври ётқизикларига эга эканлиги аниқланди. Эчкиликсой – Дарёсой шахобчасининг ётқизиклари комплекси стратиграфик жиҳатдан қадимги, илк ва ўрта голоценни қамраб олган. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Оёқагитма чўкмасида янада қадимийроқ, асосан, мустъе даврига оид археологик топилмалар ҳам бор.

Эски ўзан кўл ва дельталарнинг Моҳандарё шахобчаси Зарафшон томонидан ўрта голоцен даври давомида шакллантирилган бўлиб, шахобчада сўнгги голоцен даврида ҳам вақти-вақти билан сув оқими такрорланиб турган. Я.Ғ.Ғуломов, Ў.Исломов, А.Асқаров бу ўзан ва кўл қирғоқларидан 45 та неолит ва 30 дан ортиқ бронза даври манзилгоҳларини топиб ўрганишди. Қорақўл ва Бухоро дельталарига келсак, уни шакллантираётган қумли гил ва қум қатламлари келиб чиқиши жиҳатидан

⁷ Джўракулов М.Д., Мамедов Э.Д. Геология археологических памятников Зарафшанской долины. – Самарканд, 1986. –Б. 15-17.

ирригация – суғоришга боғлиқ бўлиб, унда кўмир, жонивор суяклари, сопол, ўрта аср ва янги давр ғишт парчалари учрайди.⁸

Голоцен (сўнгги 10-12 минг йилликни ўз ичига олган, “буюк музликдан” сўнгги давр) чўкмалари Зарафшон ҳавзасида муфассал равишда дарёнинг ўзан қисмида, шунингдек, қисман ўрта қисмида – Самарқанд чўкмасида ўрганилган. Дарёнинг қуйи оқимида голоценга Шарқий ва Ғарбий Оёкагитма ўзанлари билан биргаликда Эчкиликсой – Дарёсой шаҳобчаси, Моҳандарё – Гўжайли, Бухоро ва ҳозирги пайтда шаклланаётган Қорақўл ўзанлари киради.

Зарафшон ҳавзасининг пастки этакларини қоплаб ётган Қизилқум ҳудудлари одамзод томонидан илк плейстоценнинг биринчи ярмидан бошлаб ўзлаштирила борилиб, илк ва ўрта голоцен даврида ҳудуднинг барча жойлари ибтидоий жамоалар билан ўзлаштирилган. Жанубий-ғарбий Қизилқумнинг айрим жойларидан сўнгги плейстоценнинг охирларига доир илк мустъер даври ёдгорликлари топилиб ўрганилган. Бу даврда табиий иқлим шароит ҳали анча совуқ ва қуруқликдан иборат эди. Қизилқумда ёғингарчилик йилига 100 мм ни ташкил қилиб, ҳудуднинг қумлоқлашиши ва саҳрога айланишида шамол тезлиги катта роль ўйнаган. Шамол тезлиги бу ерда секундига 5-6 метрни ташкил қилади. Шунга қарамадан, Қизилқум турли ўсимлик дунёсига бой. Бу ердан ҳозирги вақтда ўсимлик тури 1000 тадан ошади. Жанубий-ғарбий Қизилқумда 556 та ўсимлик тури мавжуд.⁹ Қизилқум ер юзи ландшафтининг шаклланишида сув ва шамол муҳим роль ўйнаган. Мил. авв. 10-12 минг йилликларда голоцен даври бошланади. Мил. авв. 10-9 минг йиллар аввал иссиқ ва қуруқ иқлим бошланади. Бу даврда мезолит жамоалари кенг ҳудудларни ўзлаштиради.

Зарафшоннинг эски ва Амударёнинг ўзанлари қирғоқлари бўйлаб неолит даври ёдгорликлари кенг тарқалган. Неолит даври ёдгорликлари ҳозирги саҳрога айланган чўллардан ҳам кўплаб топилган. Карақат, Лавлякан, Бешбулоқ, Мингбулоқ, Қўшбулоқ ботиқлари чўллардан иборат бўлиб, одамзод жамоалари бу ерларни мезолит давридаёқ ўзлаштирганлар.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, Ўрта Осиёнинг дашт чўл минтақаларида неолит даврида яшаган жамоалар (жанубий-ғарбий Туркманистондан ташқари) ўзлаштирувчи хўжалик соҳиблари бўлиб, овчилик, балиқчилик ва термачилик билан ҳаёт кечирганлар. Бироқ манбаларнинг гувоҳлик беришича, мезолитнинг охирлари ва илк неолит даврининг охирларига келиб айрим жойларда ишлаб чиқаришнинг айрим куртаклари пайдо бўлади. Масалан, Зарафшон водийсининг ўрта ҳавзаси билан боғлиқ Қоратепа – Сазағон тоғи шимолий-шарқий қияларида яшаган неолит жамоалари зироатчилик ва уй чорвачилиги билан таниш бўлган.

Неолит даврида Қизилқум даштлик ва чўл минтақалари турли ҳайвонот дунёсига, жумладан, ўтхўр ҳайвонлар, паррандалар ва дарё, унинг ирмоқлари, кўллар балиқларга бой бўлган. Жонбос 4, Жонбос 32, Қават 7,

⁸ Гулямов А.Г., Исламов У.И., Аскарлов А.А. Превосбытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент, 1965.

⁹ Виноградов А.В. Древние охотники и рыбаловы Среднеазиатского междуречья. –М., 1981. –Б. 17.

Толстов макони, Тумен – Кичиджик, Учаши 131, Дарбозақир 1, Учтут каби 9 та археологик ёдгорликлардан турли хил ҳайвонот ва парранда дунёси қолдиқлари топилган. Масалан, Учаши 131 маконида буқа, қулон, тўнғиз, жайрон, қарсақ, Дарбозақир 1 дан жайрон, тулки, балиқ; Кичик Тузкон 2 дан от, жайрон; Учтутдан буқа, буғу, қулон, жайрон, дашт қўйи, майда кемирувчилар; Замонбободан буғу, жайрон, тўнғиз, тулки; уй ҳайвонларидан эчки, қўй, қорамол, эшак каби ҳайвонлар ва турли паррандалар суяк қолдиқлари топилганлиги бундан гувоҳлик беради. Бу ҳайвонот дунёсининг кўпгина вакиллари ҳозирги вақтда ҳам бор.¹⁰

Жанубий-ғарбий Қизилқум ва Қорақотин ботиғининг шарқий қисмида бир гуруҳ Лавлякон қўллари жойлашган бўлиб, бу атрофда 400 дан кўпроқ муқим ва вақтинчалик неолит даври маконлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарият кўпчилиги археологик топилмаларга бой. Маконлар одатда қўллар ёқаларида жойлашган бўлиб, паррандаларга овчилик ва балиқчилик учун жуда қулай жойлар бўлган. Лавлякон қўллари мажмуаси ҳудудларидан мустьер даврига доир қуроллар ҳам топилган. Бу ҳудудлар, қўллар атрофлари мил. авв. VII минг йиллик охири ва VI минг йилликларда одамзод жамоалари томонидан фаол ўзлаштирилган ва бу ерда ҳаёт мил. авв. III мингинчи йилларга қадар ҳукм сурган.

Қизилқум минтақалари голоцен даврида тўқайзор, жангалзорлар ва турли баргли ўсимликларга сероб бўлиб, бундай жойларда тўнғиз, буғу, қоплон каби ҳайвонлар яшаган. Қизилқумнинг даштлик ва тоғолди минтақаларида – дарё соҳилларида буқа, туя, қулон, жайрон, дашт қўйи каби ҳайвонлар яшаган бўлиб, уларнинг сўнгги вакиллари ҳам ҳозир тугаган.

Қизилқумда илк ва ўрта голоцен даврида ёввойи буқалар, қулонлар кенг тарқалган бўлиб, бу каби жониворлар одатда қурғоқчил минтақаларда яшаган. Қизилқум неолитида қўлга ўргатилган ит суяк қолдиқлари кўп учрайди. Қизилқумнинг қўллар ва дарё ирмоқлари билан боғлиқ жойларида балиқчилик анча яхши ривожланган. Археологик манбаларга қараганда, балиқ овчилигида қармоқ сўнгги палеолит даврида кашф қилинган.

Зарафшон водийси Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашганлигидан иқлими континентал. Водий ғарбдан шарққа анча чўзилганлиги ва рельефининг баландлашиб бориши туфайли температура режими ва ёғингарчиликлари ҳар жойда турлича. Унинг текислик қисмида ўртача ҳарорат 12-15 °C, тоғли қисмида 12-0,7 °C. Ёз водийнинг текислик қисмида иссиқ ҳаво ва узоқ давом этади. Баъзан ҳарорат текислик қисмида 44 °C га, тоғли қисмида 33 °C га чиқади. Қиш водийнинг текислик қисмида анча илқ. Ёнг паст температура 35 °C, йиллик ёғингарчилик 114-400 мм. Водийнинг асосий дарёси – Зарафшон. Қўллардан ёнг йириги – Дингизқўл. Водий ботиқда жойлашганлиги сабабли ер ости сувларига сероб.

Водийда тупроқ ва ўсимлик қоплами баландлик минтақаларни ҳосил қилган. Водийнинг ёнг пастки 400-500 метр баландликкача бўлган ерлари

¹⁰ Виноградов А.В. Древние охотники и рыбаловы Среднеазиатского междуречья. –М., 1981. –Б. 139-140.

чўл минтақасига киради. Чўл минтақасидан сўнг адирлар бошланиб, баландлиги 500 метрдан 1200 метргача бўлган ерларни ўз ичига олади. Бу ерларда типик ва тўқ тусли бўз тупроқ тарқалган. Водийнинг 1200 метрдан 2700 метргача бўлган қисми тоғ минтақасидан иборат бўлиб, бу ерларда жигарранг ва кўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари учрайди. Водийнинг 2700 метрдан баланд қисми яйлов минтақасидан иборат, тупроғи жигарранг. Зарафшон водийси турли ресурсларга, айниқса, палеометаллга бой минтақа.

Зарафшон водийсининг қулай табиий жўғрофик ва экологик шароити маъқуллиги туфайли одамзод бу ерларни анча эрта – ўрта палеолит давридан бошлаб ўзлаштирганлиги ва узлуксиз, пешма-пеш тараққиёт содир бўлганлиги археологик тадқиқотлар натижалари туфайли исботланган.¹¹

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, плейстоцен – катта музлик даври Ўрта Осиёда ҳозирги пайтгача ҳам муфассал ўрганилмаган. Кўплаб илмий ишлар эълон қилинганлигига қарамасдан, палеонтология, стратиграфия ва геохронология асосида бу давр тўлақонлигича ёритилмаган. Бу эса ўз навбатида, санани белгиловчи қазилма топилмаларнинг етарлича эмаслиги, мутлақ санани белгиловчи ишларнинг камчилиги, континентал арид даври ичида ҳосил бўлган тоғ жинсларининг йиғиндисига ҳос бўлган чўкиндилярнинг турли-туманлиги, бунинг натижасида плейстоценга оид қатламлар стратиграфиясининг тўлиқ эмаслиги билан изоҳланади.

Тўғри, плейстоценнинг алоҳида бўлимлари (қатламлари) саналарини белгилаган, стратиграфияни ўрганишда замонавий усуллардан фойдаланган баъзи геологларнинг тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиё соз тупроқ (лесс) формацияларининг, яъни маълум бир давр ичида ҳосил бўлган ётқизик жинслар қатламлари тузилиши ҳақида муфассал стратиграфия кесма чизмаларини олишга муваффақ бўлинди. Жумладан, бир-бирига солиштириб боғлаш тажрибаси, айрим камчиликлардан қатъий назар бу усулда анча муваффақиятли илмий ютуқларга эришиш мумкинлигини ҳам кўрсатди. Қолган терассаларга археологик маълумотлар асосида саналар белгиланган, аммо кўп жиҳатдан бу саналар ҳам шартлидир. Маълумки, бу тарқоқ маълумотлар ҳам катта қимматга эга бўлиб, у плейстоценнинг ягона ва маҳаллий шкалаларини ишончлироқ равишда бир-бирига солиштиришга имкон беради. Шуни қайд этиш ўринлики, 1985-1986-йилларда Қорадарё ҳавзасида ва Самарқанд шаҳридан жанубий-ғарбга чўзилиб кетган Қоратепа сойларида дарё терассалари ва уларни ташкил қилувчи ётқизикларнинг методологияси (тоғ жинслари ётқизикларининг таркиби, тузилиши, қатламлар жойлашиши тартиби) қўшимча равишда ўрганилди.¹²

Хуллас, Зарафшон водийси одамзоднинг илк палеолит давридан бошлаб қўним топган тарихий ҳавза бўлиб, бундан аввалги 350-200 минг йилларда ҳам одамзод яшаши учун керакли табиий ва иқлим экологик

¹¹ Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –Ташкент, 1980. – Б. 60-65.

¹² Джуракулов М.Д., Мамедов Э.Д. Геология археологических памятников Зарафшанской долины. – Самарканд, 1986. –Б. 30-31.

шароитига эга бўлган. Водий турли табиий ресурсларга бой бўлганлиги бу ерда илк цивилизациянинг анча эрта томир отишига муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Палеолит, мезолит, неолит, энеолит ва жез даврига доир археологик ва палеонтологик манбаларнинг сероблиги, водийда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт меросий пешма-пеш узлуксиз ривожланишда тараққий этиб, металлургиянинг, унинг базасида суғорма деҳқончиликнинг ривож топиш омиллари водийда илк цивилизациянинг шаклланишига олиб келди. Демак, Зарафшон водийси цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири эканлиги исботланмоқда (1-расм).

II БОБ

ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ ИБТИДОЙ ТЎДА ДАВРИ

Зарафшон водийсида одамзод тўдалари илк палеолит, яъни мустъе (150-80 минг йиллар оралиғи) давридан эътиборан ўзлаштириб, яшаб келганлиги фанда исботланган. Шунинг эслатиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон диёрида одамзод бундан аввал 1,5 миллион йиллар илгари яшаб келганлиги аниқланиб, бу ҳолат эса мамлакатимиз ҳудуди одамзоднинг илк ватани, антропогенез жараёнининг содир бўлган ҳудудлар қаторига киришидан гувоҳлик беради.¹³ Зарафшон водийсидан топилган палеоботаника, палеозоология, ҳуллас, палеонтологик маълумотларга қараганда, водийда одамзод илк палеолит давридан эътиборан яшаб келган бўлиши илмий ҳақиқатдан узоқ эмас. Бунга мисол қилиб Навоий шаҳри атрофида ўрганилган ибтидоий чакмоқтош казиб олиш конларини кўрсатиш мумкин. Бу кон атрофида чакмоқтошдан меҳнат қуроллари ишлаб чиқиладиган устахона ўрганилган. Парчаланган тош буюмларнинг архаик хусусиятларига қараганда, устахона илк палеолит давридан эътиборан ҳаракатда бўлганлиги исботланган. Демак, ибтидоий тўда даврининг илк босқичларидан гувоҳлик берувчи макону манзилгоҳлар ҳозирча топиб ўрганилмаган бўлса-да, лекин устахоналарнинг мавжудлиги водийда одамзоднинг илк палеолит давридан эътиборан яшаб, маданият яратиб келганлигидан гувоҳлик беради. Фан аксиома эмас. Изланишлар давом эттирилмоқда. Бу вазифани адо этиш фан вакиллариининг келгуси авлоди учун навбатдаги вазифа бўлиб турибди.

Зарафшон водийсида ибтидоий тўда даври одамларининг қатор макону манзилгоҳлари топиб ўрганилган ва уларнинг турмуш тарзи, тирикчилик машғулотлари ва маданиятини аниқлаб берадиган бой археологик, палеонтологик материаллар тўпланган. Айниқса, Зарафшон водийси ва унинг тоғли туманлари одамзоднинг илк аجدодлар томонидан қадимги тош даврининг мустъе босқичидан бошлаб кенг миқёсда ўзлаштирилганлиги маълум бўлди. Омонқўтон, Такалисой, Гўрдара, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими бўйлаб Зирабулоқ, Қўтирбулоқ маконлари шулар жумласидандир. Омонқўтон ва Қўтирбулоқ маконлари маданий қатламларидан меҳнат қуроллари билан биргаликда манзилгоҳлар одамлари замондошлари бўлган –

¹³ Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи. –Тошкент, 1994. –Б. 23-25.

тўртламчи даврга оид ҳайвонот суякларининг бой коллекцияси топилди. Бу манбаларни қиёсий солиштирув замирида ўрганиб, таҳлил қилиш туфайли водийда яшаган ибтидоий тўда даври одам гуруҳларининг тарихини тиклаш мумкин бўлди.¹⁴

Тошдан ишланган меҳнат қуролларининг доимий такомиллашуви одамзоднинг жисмонан тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатди. Шуни қайд этиш лозимки, уруғ-жамоа тизими дарҳол пайдо бўлмаган. Бундай тараққиётга эришиш учун одамзод узоқ вақтни бошдан кечирган. Ибтидоий тўда даври ҳам бир жойда турғун ҳолатда бўлмасдан доимий такомиллашув йўлида бўлган. Демак, ибтидоий тўда даври ягона тараққиёт шакли эмас эди. Шунинг учун ҳам фанда ибтидоий тўда даврининг илк босқичида қадимги одамлар, унинг сўнгги босқичида неандертал туридаги одамлар яшаган (3-6 расмлар).

Одамзоднинг илк тўда даври кўпчилик олимларнинг фикрига қараганда, муайян бир гуруҳ кишилардан иборат бўлган. Дарҳақиқат, ўша замондаги меҳнат қуролларининг ҳали такомиллашмаганлиги сабабли катта гуруҳдан иборат одамларни озиқ-овқат билан таъминлай олмасди. Зеро, меҳнат қуролларнинг ожизлиги озиқ-овқат топишда қийинчилик туғдирарди. Бундан ташқари, терим-термачилик кўп вақтни талаб қиларди, шунингдек, ундан келадиган озиқалар тўйимли эмас эди. Овчилик ҳам жуда қийин кечарди. Бир томондан меҳнат қуролларининг ожизлиги бўлса, иккинчи томондан йирик, ваҳший ҳайвонларга ов қилиш ҳамма вақтда ҳам муваффақият келтирмас эди, бундай ваҳший жониворларга ов қилиш давомида одамларнинг ҳалокатга учраган ҳолатлари билан ҳам боғлиқ эди. Шу боисдан таҳлил қилиш мумкинки, илк тўда даврида дастлабки одамлар уюшмаси 20-30 кишидан иборат бўлган. Айрим ҳолатларда ундан ҳам биров каттароқ бўлиши мумкин эди.

Ибтидоий тўда одамларнинг ҳаёти тартибсиз, фақат бир жойдан иккинчи жойга овчилик ва термачилик қилиб силжиб юришдан иборат бўлмаган. Омонқўтон, Қўтирбулоқ каби маконларнинг кўп қатламли ва маданий қатламларининг қалинлигига қараганда, улар анча муқим тарзда яшаганликларидан гувоҳлик беради. Бошқа ҳудудда жойлашган, хусусан, Хитойдаги Жоукодянь ғор маконининг қалин маданий қатламга эгалиги бир неча авлодларнинг ҳаёти бир жойда муқим яшаганлигини кўрсатади. Бундай ёдгорликлар нафақат Осиё, шунингдек, Овropa ҳудудларида ҳам кўплаб кузатилган. Демак, аввалги тасаввурларга нисбатан ибтидоий тўда одамлар гуруҳлари ҳар ҳолда доимий равишда ўз яшаш маконларини тез-тез ўзгартирмаганлиги аниқланган. Бундай ҳаёт одатда ов қилиш жониворларининг ўша замонларда сероблиги, термачилик учун керакли озиқаларнинг бойлиги, қўним яшайдиган табиий ғорларнинг кўплиги ҳудудлар билан ҳам боғлиқ бўлган кўринади. Масалан, Зарафшон водийсининг иккала беткайи билан боғлиқ тоғларда ғорлар жуда кўп

¹⁴ Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. – Ташкент, 1980. – Б. 4-5.

учрайди, аммо уларнинг деярли кўпчилиги ҳозирча текширилган эмас. Бундай ғорлар айрим ҳолатлара қисқа муддатда айрим вақтларда бир неча авлодларнинг макони бўлганлар. Ҳаётнинг бундай тарзда кечишида, аввало, овчилик муҳим ўрин тутган (2-расм).

2. 1. Ибтидоий тўда тараққиётда овчиликнинг роли

Энг қадимги одамларнинг турмушида овчилик аввал пайдо бўлганми ёки терим-термачилик хўжалиги аввал пайдо бўлганлиги масаласини аниқ айтиш мураккаб. Бундай хўжалик шакллариининг вужудга келишида ҳар хил географик шароитлар ҳам муҳим ўрин тутган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг кузатишига қараганда, овчилик хўжалик тармоғи бирмунча прогрессив характерга эга бўлганлиги туфайли у дастлаб пайдо бўлган бўлиши мумкин. Овчиликнинг вужудга келиши ибтидоий одамзод коллективининг ташкил бўлишини келтириб чиқарди.

Овчилик объекти бўлиб турли ҳайвонот дунёси типлари ҳисобланган. Масалан, тропик минтақаларда илк босқичда гиппопатам, ёввойи буқа, антилопар, ҳатто филларга ҳам ов қилишганлар. Зарафшон водийси шароитида айиқ, тоғ қўйи, жайра, бўри, ёввойи буқа, фил, бухоро бўғуси кабиларга ов ишлари олиб борилган. Ўрганилган маконлардан топилган тўртламчи давр ҳайвонот дунёси суяк қолдиқлари шундай фикрдан гувоҳлик беради. Водийнинг тоғли туманларида овчилик кўпинча тоғ қўйи, айиқ кабиларга олиб борилган. Агар биз водийдан анча четроқда жойлашган Тешиктош ғорини оладиган бўлсак, бу ерда овчилик тоғ эчкиси ва такаларига ихтисослашган бўлганлигини кўрамиз.

Йирик ва тезчопар ҳайвонларга ов олиб бориш анча қийин кечган. Сабаби, ҳали ов қуроллари унча такомиллашмаган ҳолатда эди. Шунинг учун бўлса керак, ибтидоий тўда кишилари айрим ов усулларида фойдаланганлар. Масалан, ҳайвонларни ўраб олиб, чўчитиб жарликка йиқитиш, чуқурлар қазиб, устини шох-шаббалар билан ёпиб, ичига найзани тикка қилиб қадаб қўйиб, жониворларни қуршов усулида шундай махсус тайёрланган чуқурлар устига чўчитиб ҳайдаш каби усуллардан фойдаланилган. Йирик йиртқич ҳайвонларга ов қилиш анча хавфли бўлган, ундан ташқари ўша вақтдаги мавжуд оддий қуроллар билан ов қилиш самара бермасди. Бу ҳолатдан чиқиш учун одам тўдаларининг бирлашишини ҳаётнинг ўзи талаб қиларди. Бу талаб эса коллектив бўлиб бирлашишни келтириб чиқарди.

Шундай қилиб, йирик ва ваҳший ҳайвонларга овчилик қилиш ибтидоий тўда одамларининг бирлашиб меҳнат қилишини талаб қиларди ва овдан тушган маҳсулотлар биргаликда истеъмол қилинарди. Овчилик ўз вақтида йирик гўшт озуқасига эга бўлишни тақозо қиларди. Бундан ташқари, ибтидоий тўда одамлари майда ҳайвонларга ҳам ов қилишган, лекин улар йирик ҳайвонлардан келадиган гўшт ўрнини боса олмаган. Шунингдек, гўшт маҳсулоти одамзоднинг нафақат яшаши, балки, уни ҳар хил оқсиллар билан таъминлаб, жисмоний ва ақлий ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Одамлар ўша замонларда табиий оловдан фойдаланишни

билишганлар. Айниқса, гўшти оловда тоблаб истеъмол қилиш ниҳоятда фойдали эканлигини англаб, билиб олишганлар. Оловда овқатни пишириб истеъмол қилиш кишиларга ҳар хил углерод, оксил ва ёғ бериш фойдали томонларини билиб олишганлар. Бу ҳолат одамларнинг ҳаёт фаолиятига катта ижобий таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам Ф.Энгельс гўшти овқатни истеъмол қилиш одамзоднинг барча тараққиёт босқичларида унинг эволюцион ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини асарларида алоҳида қайд этган.

Шундай қилиб, Зарафшон водийси қадимги тош даврининг мустъе босқичидан эътиборан кенг ўзлаштирилган. Водийнинг мустъе даври ёдгорликлари, асосан, тоғ бағридан қайнаб чиққан чашма бўйларида, унгурларда, сувга яқин ғорларда макон топганлар. Олиб борилган ҳисоб-китобларга қараганда, бугунги кунга келиб, бу ўлкада аجدодларимизнинг мустъе даври ҳаётини, меҳнат фаолиятини, маданиятини характерловчи 10 дан зиёд пунктлардан мустъе даври одамларининг маконлари топиб ўрганилган ва бой манбалар тўпланган.

2. 2. Ибтидоий коллективчиликнинг тараққиёти

Ибтидоий давринг илк тараққиёт босқичида ҳали одамзод феъл-атворида ҳайвонот дунёсига хос айрим хусусиятлар сақланган эди. Бу сарқитлар нафақат уларнинг тўда бўлиб яшашида, шунингдек, ҳайвонот дунёсига хос эгоистик рефлексларнинг сақланиб қолишида ҳам кузатиш мумкин эди. Бундай хусусият ибтидоий тўда одамларида сақланмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг билан бир вақтда одамзод дастлабки меҳнат куроллари яшани ўрганар экан, тўда орасидаги одамларда манманлик хусусиятлари ҳам ташкил топган бўлиб, бу ҳодиса улар орасидаги ўзаро тўқнашув аломатларида ҳам намоён эди. Шунга қарамасдан, одамларнинг яшаши учун уларнинг бирлашишини ҳаётни ўзи талаб қиларди. Агарда ибтидоий тўда орасида ўзаро келишмовчилик жанжаллари доимий одатга айланганда аввалгидан юқорироқ ривожланган ижтимоий ташкилотга ўсиб чиқмаган бўларди. Шундай экан, ибтидоий тўда орасида эгоистик одатга қарши коллективчилик шакли кураши кескинлаша борган. Агарда бу кураш эгоистик хусусиятларни енга олмаган тақдирда ибтидоий тўда ташкилоти босқичидан илк уруғ-жамоачилигига ўта олмаган бўларди.

Маълумки, одамзоднинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишида меҳнат бош ролни ўйнаган бўлса, коллективга бирлашиш нафақат ҳаёт зарурияти, шунингдек, одамнинг табиатга ўз таъсирини ўтказиш аломатлари ҳам вужудга келади. Ҳар қандай ибтидоий коллективчилик шакли меҳнат қилишга бирлашиш асосида эришилган. Бу ўзгаришлар ибтидоий одамларнинг ҳайвонот дунёсида эгоистик одатларини енгиб, биргалашиб қилинган меҳнат туфайли озиқа маҳсулотларини қўлга киритиш ва биргаликда баҳам кўриш хусусиятларини уйғотди, шунингдек, жинсий ҳаёт ҳам тартибга туша бошланди. Бу жараён табиий танлаш аломатини кучайтирди, шунингдек, коллективнинг тобора мустаҳкамланиб бориши «душманлар»га, табиат инжиқликларига қарши курашда янада товланиб

борди ва ижтимоий ташкилот ячейкасига айланди. Агарда ибтидоий тўдалар орасида эгоистик хусусият аломатлари мавжуд бўлган тақдирда ҳам қуршов усулидаги ов қилиш, биргалашиб ўзларини ваҳший ҳайвонлардан ҳимоя қилиш, оловдан бирга фойдаланиш каби заруриятлар коллектив бўлиб яшашни янада мустаҳкамроқ бўлишини ҳаётнинг ўзи талаб қиларди. Бундай бирлашув дастлабки вақтларда ҳали ожизроқ бўлган бўлса, кейинчалик ақлий жихатдан бирлашиш ўзаро ёрдамлашиш асосидаги бирлик шакли ташкил топади. Ана шу асосда онгли фикр, нутқ ва тилнинг ривожланиши таъминланади. Айниқса, илк тўда даврида мавжуд бўлган эгоистик аломатлар ибтидоий тўда даврининг охирларида, сўнгра мустъер даврига келиб бирмунча камаёди. Бу ҳолатни неандертал одамларининг ўлганларни махсус қабрларга дафн қилиш маросимларида кузатиш мумкин. Дафн қилиш маросимининг юзага келиши коллектив орасида бир-бирига бўлган ғамхўрликнинг пайдо бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бундай урф-одатнинг пайдо бўлишини Тешиктош, Кийик-коба ва бошқа жойлардан топиб ўрганилган неандертал одамларининг турмушида кузатиш мумкин бўлди. Масалан, Тешиктош ғоридан топилган бола қабрининг алоҳида урф-одатлар билан дафн қилиниши ва тоғ такаларининг шохлари билан қабрнинг ўраб олиниши ибтидоий тўда даврининг охирларига келиб, диний қарашларнинг, жумладан ҳайвонларга тотем сифатида сиғиниш культининг вужудга келганлигидан гувоҳлик беради. Бу топилмалар орқали ибтидоий тўда даврида муайян тарзда ривожланган ибтидоий коллектив шаклининг ташкил топганлигини кўриш мумкин. Шунинг билан бир вақтда илк ибтидоий коллектив гуруҳлари орасида ҳамон ўзаро келишмовчиликлар ҳам бўлиб турган бўлиши мумкин. Топиб ўрганилган неандертал одамларининг айримларида бош чаноғи сунъий равишда шикастланганлиги ёки кўпгина неандерталларнинг бош чаноғи сунъий равишда жароҳатланганлиги, синдирилганлигига қараганда, бу ҳодисалар нафақат ўзора можароларининг оқибати, балки айрим олимларининг хулосасига қараганда, ибтидоий тўда босқичида каннибализм ёки одамхўрликнинг мавжудлигига ишора қилади. Аммо, Ўрта Осиё шароитида бундай топилмалар ҳозиргача қўлга киритилган эмас.

2. 3. Ибтидоий тўда босқичида жинсий муносабатлар

Жаҳоннинг ибтидоий тўдалар яшаган, умуман, ибтидоий давр одам жамоалари яшаган ҳудудларнинг барчаси ҳам тартибсиз жинсий муносабатлар ҳукм сурган воқелиқдир. Ибтидоий тўда даврида ҳам бола кўриш масаласи ҳар доим ҳаёт мазмуни ҳисобланган. Кўпгина олимлар бу масалада, яъни ибтидоий тўда давридаги жинсий муносабатлар юзасидан ҳозирги давр одамсимон маймунларининг ҳаётини қиёсий ўрганиш туфайли муайян хулосалар яратганлар. Илк ибтидоий тўда босқичида жинсий муносабатларда ҳайвонот дунёсига хос хусусиятлар анча кучли сақланган бўлса-да, аста-секин бу муносабатлар ақлий равишда тартибга туша бошлаган. Чунки меҳнат қуроллари яратилар экан, албатта, жинсий муносабатларга ҳам бу жараён ўз таъсирини ўтказиб келган. Одамзоднинг

аввалги ўтмишдошларида жинсий муносабатлар қандай кечган, деган савол туғилади. Бу жараёни ўрганишда олимлар ҳозирги замон маймунлари ҳаётини қиёсий ўрганиш асосида муайян хулосалар чиқаришганлар. Ҳозирги давр одамсимон маймунларидан шимпанзе ва гориллалар жуфт оила бўлиб яшашадилар, қолганлари гаремойла тартибида яшашиб, 10-15 та урғочи маймунларга кучли бир эркак маймун эгалик қилади. Бу оила тўдаси сафига ёш маймунлар ҳам киради, лекин улар вожак эркак маймуннинг қаршилигидан ҳайиқиб, жинсий муносабатларда иштирок этишмайди. Бир неча оилаларнинг бирлашмасидан бир тўда маймун гуруҳи ташкил топса-да, аммо урғочи маймунлар учун эркак маймунлар орасида жанжаллар, ур-йикит бўлиб туради. Шунга қараганда, олимларнинг фикрича, илк тўда босқичида ҳам шунга ўхшаш ҳаёт бўлган бўлиши мумкин, деган фикрлар билдирилган. Шунини айтиш ўринлики, ҳар қандай ҳолатда ҳам гарем тизимидаги оила тўдаси мавжуд бўлган оила билан келиша олмаган. Шундай жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда айрим олимлар бундай оила тизими зоологик оиладан фарқ қилиб, ижтимоий оила шаклига ўсиб чиқишини тасаввур қиладилар. Бу илк даврда асосан тартибсиз жинсий муносабатлар, яъни промускуитет (аралаш) шаклида бўлган бўлиши ҳақиқатга яқинроқдир дейишмоқда. Этнографик маълумотларга қараганда, айрим қолоқ қабилалар турмушида эр-хотин оила кургунга қадар эркин ёки промускуитет жинсий муносабатларнинг сарқитлари айрим байрам урф-одатларида сақланиб қолганлиги аниқланган. Тартибсиз жинсий алоқалар аста-секин чеклана борган. Жамият тараққиётининг қонунияти динамик равишда ривожланиб, жамоанинг бир бутун бирлашишига олиб келган. Бу жараён узок ўтмишни ўз ичига олади. Аммо шунини айтиш лозимки, энг қадимги одамзод ҳаётини ўрганиш борасида талайгина сирли, жумбоқли муаммолар бисёр ҳолатда турибди. Зарафшон водийсида яшаган ибтидоий тўда даври одамлари ҳам шундай ҳаётни тарихан бошдан кечирганликлари борасида гумон қилиб бўлмайди.

2. 4. Ибтидоий қон-қардошлик ҳақидаги масала

Зарафшон ҳавзасида яшаган ибтидоий тўда даври одамлари ҳам жаҳоннинг бошқа ҳудудларидагидек қон-қардошлик оила шаклини ўз бошидан кечирган бўлишлари эҳтимолдан узок эмас. Қон-қардош оила ҳақида дастлаб Л.Г.Морган ўзининг «Қадимги жамият» ҳақидаги китобида Полинезиянинг Гавай оролларида яшаган қабилалар ҳаётидан миссионерлар томонидан тўпланган материалларга асосланиб, қуйидагича фикр билдирган: қон-қардош оилада барча қавм-қариндошлар авлоди, жумладан, барча туғишганлар, боболар, ака-укалар, опа-сингиллар, момолар орасида никоҳ аломатлари ҳукм сурган бўлиб, бошқа авлод вакиллари билан никоҳ аломатлари гўёки ман қилинган. Морган бу хулосаларга келишда хато фикр юритган. Чунки гавайликлар, улар ҳақида тўпланган маълумотлар йиғилган вақтда, бу қабилалар синфий жамиятга ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқда эдилар. Шунингдек, XV асрда тўпланган этнографик ва бошқа тарихий

маълумотлар Морган таълимотининг хато эканлигини асосламоқда.¹⁵ Шунини айтиш лозимки, никоҳ шакллари ибтидоий уруғчилик даврида ҳам дарҳол пайдо бўлмаган. Бу ҳодиса жуда узоқ ўтмишни бошдан кечирган ҳолда никоҳ аломатлари галма-гал тараққиётда бўлиб, дастлаб унинг бир неча шакллари пайдо бўлган. Ибтидоий тўда даврида мавжуд бўлган никоҳ аломатлари, оила муносабатлари олимлар томонидан ўрганилиши давом эттирилмоқда.

2. 5. Фикр ва нутқнинг пайдо бўлиши

Фикр ва нутқнинг вужудга келиши ҳақидаги масала ҳозиргача ҳам мураккаблигича сақланиб келинади. Бу масала ҳақида тўғридан тўғри маълумотлар йўқ, шунинг учун ҳам қиёсий хулосалар қилиш мумкин, холос. Айни вақтда фикр ва нутқнинг келиб чиқиш йўллари реконструкция қилишда бир неча дунёқараш мавжуд. Шулардан бири қиёсий психология ва тилшунослиқдир. Шунингдек, бу масалани ойдинлаштиришда антропология, этнография ва археология тўплаган маълумотлар ҳам муҳимдир. Дастлабки фикр ва нутқнинг келиб чиқишини ўрганишда антропологик маълумотлар бирмунча қизиқарлидир. Дарҳақиқат, антропология ихтиёрида одамзоднинг тараққиёт йўллари ва жараёни ҳақида маълумотлар бирмунча салмоқлироқ кўринади. Бу каби манбаларни комплекс таққослаш ва Ф.Энгельснинг меҳнат одамни яратиши ҳақидаги таълимотини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш бу масалани ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Шунини айтиш лозимки, фикр ва нутқ бир жараённинг икки томони бўлиб, бу ҳодиса одамзоднинг меҳнат фаолияти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожига ҳамда одамнинг табиат кучларини бўйсиндириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ кечган. Шунинг учун ҳам буларнинг қайси бири, яъни фикр ёки нутқ аввал пайдо бўлганлигини аниқ айтиш мушкул. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, фикрнинг ҳам, нутқнинг ҳам энг оддий шакллари меҳнат билан боғлиқ бўлиб, бир муайян вақтда вужудга келган. Аввал оддий тасаввур пайдо бўлиб, кейинчалик бундай ахборот нутққа айланган бўлиши керак. Демак, аввало, товуш сигналлари вужудга келган ва меҳнат фаолияти туфайли айрим нарсаларнинг номларини айтиш зарурияти пайдо бўлган. Кўпгина олимлар фикрича, аввало, товуш чиқариш, ғулдираб, имо-ишора қилиш вужудга келиб, меҳнат фаолиятининг кучайиши туфайли дастлабки сўзлашув тили вужудга келган. Фикр ва нутқ билан боғлиқ тилнинг оддий шакли илк палеолит билан сўнгги палеолит ўртасидаги даврда ташкил топган. Бу вақтга келиб одамзодда абстракт тушунча пайдо бўлади. Сўнгги палеолит босқичидан бошлаб тил системасининг вужудга келганлиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Нутқнинг фикр эволюцияси катта тарихий йўлни кечиб ўтган. Сўнгги палеолит даври – ақлли одамларининг мия тараққиёти ҳозирги замон одамлари мия ҳажмига етган эди. Бу эволюцион тараққиётнинг пойдевори аслида меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечган.

¹⁵ Морган Л.Г. Древнее общества. –Л., 1934.

2. 6. Дастлабки мафкуравий тасаввурларнинг пайдо бўлиши

Илк тўда одамларининг дастлабки мафкуравий тасаввурларини реконструкция қилиш мураккаб масалалардан биридир. Бундай дастлабки тасаввурларнинг вужудга келишини неандертал типигаги одамларнинг қабрларини ўрганиш туфайли идрок қилиш мумкин. Энг қадимги одамларнинг топилмалари одатда ернинг тўртламчи даврида тектоник тебраниши туфайли маъдан қатламлари бузилган ёки аралашган ҳолда учратилган.

Тегинилмаган ёки ўзининг дастлабки ҳолатини сақлаб қолган одам қолдиқлари ашелл ва мустьер даврларига хос бўлиб, кўпинча неандертал одамларига тегишлидир. Ҳозирги вақтда неандертал одамлари топилмалари Овропа – Осиё ҳудудларида анчагина топиб ўрганилган. Уларнинг аксарияти тегинилмаган – бирламчи ётқизиклардан топилган ва археологлар ҳамда антропологлар томонидан кунт билан ўрганилган. Бундай текширув ишлари натижасида маълум бўлдики, неандертал одамларини дафн қилиш одатлари муайян тасаввур орқали ўйлаб қилинган. Бундай қабрларнинг ғор маконнинг четроқ жойларида жойлашганлиги, бу қабрлар ҳам унча чуқур қазилмаган ҳолатда бўлганлиги, тупроқ билан махсус кўмилганликларига қараганда, бундай қабрлар одамзод гуруҳларида қандайдир дастлабки сиғиниш шаклининг пайдо бўлганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, дафн қилинганларнинг ёнбошча ётқизиблиб, ухлаган ҳолатда ётганлиги маълум бўлди.

Нима учун неандерталлар ўлганларни дафн қилишганлар? Бу масала олимлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, дафн қилиш одатларининг пайдо бўлиши неандерталларда қандайдир ғамхўрликнинг белгиси билан боғлиқ бўлиб, ўлганларни вақтинчалик у яна тирилади, деган хаёллар ҳукм сурган. Бундан ташқари, санитария масаласи ҳам, шунингдек, ўлганларни некрофагия (юнон: некро – ўлик, фагия - ейиш)дан асраб қолиш каби ғамхўрлик тасаввурлар пайдо бўлганлиги ҳақиқий илмий асосга эга. Бу каби ҳолатлар неандертал одамларда дастлабки ижтимоий бирликнинг пайдо бўлишини кўрсатади. Шундай қилиб, аста-секин неандертал одамларда ижтимоий тушунча нормалари вужудга кела бошлайди.

Ижтимоий бирлик ва шакл бу ҳолатни тушунишда ягона қараш эмас. Масалан, А.П.Окладников томонидан ўрганилган Тешиктош ғоридан топилган бола қабри ва унинг дафн қилиниш ҳолати Шарқ ва Ғарбга, яъни қуёш ҳаракатига нисбатан қаратилиб кўмилганлиги, топилма неандертал боласи қолдиғи атрофи муайян тартибда тоғ такаси – кийикнинг шохлари билан айланасига ўраб олинганлиги каби фактлар қандайдир тотем аломати бўлиши билан бир вақтда, бу одамзод тўдаларининг овчилиги шундай жониворлар билан боғлиқлигидан гувоҳлик беради. А.П.Окладниковнинг фикрича, Тешиктош топилмаси қуёшга сиғиниш тасаввурларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, кўпгина олимлар ҳам

неандертал одамларида дафн маросимлари билан боғлиқ сиғиниш, культ аломатлари пайдо бўлганлигини эътироф қилишмоқдалар.¹⁶

Сўнгги йилларда қўлга киритилган археологик манбалар ҳам неандертал одамларида диний тасаввурларнинг пайдо бўлганлиги ҳақидаги гипотезани тасдиқламоқда. Италиянинг шимолий-ғарбида жойлашган Бозау ғоридан ҳайвонга ўхшаш сталагмит қотишмасида неандертал одамнинг оёқ изи топилган. Яна бир ёдгорликда – Франциянинг жанубий-ғарбий ўлкасидаги Регурду ғорида сунъий равишда қаланган тош орасидан тоғ айиғининг уюм суяк қолдиқлари топилган. Бу каби топилмалар неандертал одамларида магия (жодугарлик) тушунчаси элементлари пайдо бўлганлигидан гувоҳлик беради. Шу масалани қайд этиб ўтиш лозимки, неандертал одамлари яшаган илк босқичда уларда бундай абстракт тушунчалар ҳали вужудга келмаган бўлиши мумкин. Бироқ неандертал одамларининг сўнгги тараққиёт босқичида уларнинг мия тараққиёти ҳозирги замон одамлариники даражасига етай деб қолган эди. Шу каби ҳолатлар ҳисобга олинганда дастлабки диний тушунчалар неандерталларнинг сўнгги босқичида пайдо бўлган, деган масала илмий ҳақиқатга яқин туради. Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, америкалик археолог Р.Солецки Ироқнинг Шанидар мустъер даврига тегишли ғор маконидан доривор ўсимликларга доир чанг қолдиқларини ўрганган. Бу ҳолат дастлабки амалий медицинанинг пайдо бўлишидан гувоҳлик беради. Франциянинг Ля Фресси мустъер даври ғоридан косасимон ўйилган лой тахтачалар топилган бўлиб, уларда охра, табиий бўёқ билан ишланган чизиқлар борлиги кузатилган. Айрим илк палеолит даври ғор маконлари деворларида тўлқинсимон чизиқлар бўёқлар асосида бажарилган бўлиб, бу топилмаларнинг энг қадимги илдизи ибтидоий илк санъатнинг вужудга кела бошлашидан гувоҳлик беради. Хуллас, бу далиллар дастлабки мафкуравий ижодиётнинг пайдо бўлишидан далолат беради, десак хато эмас.

Зарафшон ҳавзасида ҳам қатор ғор ва очиқ жойда жойлашган неандертал типига одамлар яшаган маконлар топиб ўрганилган. Бу гуруҳ одамлари ҳаётида ҳам шундай маънавий тасаввурларнинг пайдо бўлганлигини инкор қилиб бўлмайди. Бинобарин, меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш хусусиятлари Тешиктош неандертал одамлари яшаган макон меҳнат қуролларини яшаш маданиятини эслатади.

¹⁶ Окладников А.П. Становление человека и общества. Сб. «Проблемы развития в природе и общества». –М.-Л., 1958.

III БОБ. АНТРОПОГЕНЕЗ ЖАРАЁНИНИНГ ТУГАЛЛАНИШИ ВА УРУҒ-ЖАМОА ТУЗУМИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

3. 1. Антропогенез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги замон туридаги одамнинг пайдо бўлиши

Плейстоценнинг илк ва ўрта босқичларида вужудга келган табиий шароит гоминидлар оиласининг эволюцияси туфайли ҳозирги замон одамларининг пайдо бўлишига олиб келди. Дарҳақиқат, қадимги одам Нотанинг вакили неандертал одами меҳнат фаолияти билан қизгин боғлиқ бўлиб, унинг мия ривожига ҳажми, қўлларининг ҳаракатчанлиги, дадил қадам ташлаб юриши каби омиллар меҳнат қилиш билан бир вақтда фикрлаш ва нутқнинг вужудга келишига олиб келди. Одамзод эволюцияси плейстоценнинг охириги босқичига, яъни сўнгги палеолит даврига келиб, ҳозирги замон ақлли одамларининг вужудга келиши билан характерланади. Ҳозирги замон одамлари табиий танлаш туфайли вужудга келган.

Ҳозирги замон одамларининг вужудга келиши ҳақида фанда асосан икки хил нуқтаи назар ҳукм суради.¹⁷ Бир гуруҳ олимлар неандерталларнинг бир неча туринининг аралашувидан келиб чиққан ва Эски Дунёни *Homo sapiens*нинг дастлабки ватани деган тахминга эга. Бу гуруҳ олимларнинг дунёқараши полицентризм таълимотини келтириб чиқарди. Уларнинг дунёқараши бўйича европалик ҳозирги замон одамлари европалик неандерталлар базасида ташкил топган, негроид одамлар асосан жанубий африкалик неандерталлар авлодидан, монголоид одамлар эса синантропларнинг сўнгги авлодидан ташкил топганликлари ҳақидаги таълимотни ёқлаб чиқдилар. Бу таълимотни ёқлашда археологик топилмаларнинг ҳам ўрни бор. Бинобарин, археологик маълумотлар илк палеолитдан сўнгги палеолитга ўтиш босқичларида тараққиётнинг узлуксиз эканлиги, меҳнат қуролларининг доимий узлуксиз такомиллашиб бориши жараёнини кўрсатмоқда. Бошқа бир гуруҳ олимларнинг таълимоти моноцентристик номи билан маълум. Буларнинг фикрига қараганда, ҳозирги замон ирқи билан неандерталлар ирқи морфологияси ўртасида деярли фарқ йўқ. Ҳозирги замон одамлари ва ирқи одамлар яшаган минтақаларда содир бўлиб, бу жараён Олд Осиё ҳамда Ўрта Ер денгизи ҳавзаси бўйлаб ташкил топган ва бу ҳудудларда яшаган неандерталлар аралашмасидан ҳозирги замон ягона типдаги одамлар пайдо бўлган, дейилган таълимот мавжуд. Масалан, ҳозирги замон одамларининг илк ватанларидан бири деб тахмин қилинган Фаластиндан топилган одам қолдиғи морфологик типларнинг кескин аралашганлигидан гувоҳлик беради. Умуман қаралганда, бу муаммо фанда тўла ечилган эмас. Бошқача қилиб айтганда ёки археологик маълумотларга қараганда, тараққиёт узлуксиз равишда ривожланишда бўлган. Бу жараён Эски Дунёга ҳам тааллуқли бўлиб, одамзоднинг келиб чиқиши полицентристик қарашларга кўпроқ нисбат берилмоқда. Полицентристик қарашларга мойиллик кўрсатиш аломатлари анчагина.

¹⁷ Неструх М.Ф. Происхождение человека. –М., 1957.

Масалан, Ғарбий ва Шарқий Овропада яшаган одамлар европалик ирқиға, Африка ва унга туташ ҳудудларда яшовчи одамлар негроид ирқиға, Шарқий ва Шимолий Осиёда яшаган одам типлари монголоид ирқиға тааллуқли эканлиги тан олинмоқда. Бу фактлар одамзод ва унинг ирқий жиҳатдан келиб чиқишида полицентристик таълимотнинг бирмунча илмий ҳақиқатга яқинлигини кўрсатмоқда.

3. 2. Ишлаб чиқариш кучларининг юксалиши ҳақида

Ҳозирги замон одамнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим сакраши билан боғлиқ бўлиб, бу ҳодиса сўнгги палеолит босқичига ўтиш арафасида юз берди. Бундай тараққиётга эришиш учун узоқ йўл босиб ўтилган ва илк тўда давридан узлуксиз сўнгги палеолитга ўтиш эволюцияси натижаси сифатида коллектив шаклидаги ижтимоий ячейка ҳосил бўлган. Бундай тараққиётга эришиш меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлиб, қуроллар яшаш технологияси ва шу билан бирга одамда амалий тажрибаларнинг тўплана бориши ақлли ҳаётнинг бошланишига олиб келди. Бундай ҳаётий тажрибиларни авлодларга етказиш кундалик тартибга айланди. Ибтидоий тўда босқичида шаклланган ибтидоий жамоа коллективи ишлаб чиқариш кучларини бирваракайига кўтарилишига олиб келди ва ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, бу соҳанинг янада такомиллашувига олиб келди. Тошни парчалаш техникаси ривожлана борди. Эндиликда тош ўзакдан қуролбоп узун ва юпқа парақалар ажратиб олиш техникаси ҳаётга жорий қилинди. Бундай парақаларни кertiш усули билан ўткирлаш, уларнинг дағалроқ синиқларидан қирғич, ранда, найза тиғи каби қурол-аслаҳалар ишлаб чиқариш бошланди. Бундай қуролларни ишлаб чиқишда асосий хомашё чакмоқтош бўлиб, уни излаб топиш, заҳираларидан тежамкорлик билан фойдаланишга ўтилди. Янги технологиянинг ҳаётга кириб келиши – ихтисослашган қурол-аслаҳалардан чопқи, пичоқ, найза тиғи, қирғич, ранда, тешгич, бурғу каби қуролларни ишлаб чиқаришга олиб келди. Шундай қилиб, қуроллар ишлаб чиқариш дифференцияси жараёни бир қатор ривожланди. Сўнгги палеолит даврига келиб, кўпгина қуролларнинг дасталарини тайёрлашда суяклардан, ёғочдан фойдаланишга ўтилди. Шу асосда ўткир тиғли қуроллар ишлаб чиқарилиши кенг тарқала бошланди. Тош қуроллар билан бир вақтда суякдан, шохдан игна, жуводиз, мотиға тиғи, узоққа ирғитадиган калта найза, кирка, найза тиғи, калта найза каби қурол турларини ишлаб чиқариш кўпайди. Айниқса, ёғоч тахтача асосида калта найзани узоқ масофага ирғитадиган қуролнинг кашф қилиниши овчилик хўжалигини янада жадаллаштиришга олиб келди. Овчилик ва балиқ тутиш учун тескари арратишли илмоқли қуролларнинг пайдо бўлиши тирикчилик ўтказиш даражасини оширишга олиб келди. Хуллас, сўнгги палеолит босқичига келиб, овчилик хўжалиги муайян даражада ривожланди. Хусусан, айрим маконлардан жониворларнинг, шунингдек, йирик ҳайвонлардан мамонт, насорпларнинг тўда-тўда суяк қилтиқларининг топилиши бундай жараёндан гувоҳлик беради. Масалан,

Чехословакиянинг Пржедмосте сўнгги палеолит маконидан 40 мингдан ошиқ меҳнат куруллари билан бирга 800-1000 тагача мамонт суяклари топилган. Бу каби материаллар овнинг курушаб олиш усулининг анча тараққий қилганлигидан далолат беради. Самарқанд сўнгги палеолит маданий қатламларидан ёввойи от, бухоро буғуси, буғи, қўй, айиқ каби жониворларнинг суяк қолдиқлари кўплаб топилган. Зарафшон водийсининг ўрта оқимида жойлашган Кўтирбулоқ маконидан бой ва турли курул инвентарларидан ташқари йирик шохли ҳайвонот дунёси суяк қолдиқлари, фил ва бухоро буғуси суяк қолдиқлари кўплаб топилган.

Демак, овчилик эндиликда одамзоднинг яшаши учун муҳим озуқа манбаига айланган. Сўнгги палеолит даврида одамзод яшаш учун ғорлардан фойдаланишни давом эттирган. Шунинг билан бир вақтда сунъий кулбалар, ярим ертўла чайлалар куриб яшашга ўтганлар. Масалан, Воронеж яқинида жойлашган Костенко маконидан 35 м узунлиги ва 15-16 м энига эга йирик қишлоқ кулбаси топилган бўлиб, унинг ички қисмда қаторасига 9 та ўчоқ жойлашган эди. Самарқанд маконидан ҳам ёғоч устунлар билан курилган 100 м² майдонни ўз ичига олган чайла – кулба топилган бўлиб, унинг ўрта марказ қисмида йирик гулхан изи ҳамда табиий бўёқ – охра қолдиқлари топилган. Бундай кулбаларда бир уруғ-жамоаси яшаган. Шунга ўхшаш катта уйлар билан бир қаторда гуруҳларга бўлинган қишлоқлардан иборат кичик уйлар ҳам пайдо бўлган. Одамларнинг кулбалар куриб яшашига кенг кўламда ўтиши ресс-вюрем музликлараро об-ҳавонинг совуқлашиши, вюрем музлик совуғи кенг тарқалиб, иқлимнинг муайян даражада ўзгариши билан боғлиқ эди. Шу ҳодиса билан кийим-кечакнинг кўпайиши ва ундан кенг фойдаланиш бошланади. Ҳайвонларнинг териларидан нафақат уй томларини ёпишда, шунингдек, кийим – уст-бош тикиб кийинишда ҳам фойдаланилган. Сўнгги палеолит босқичига келиб, хоналарни олов билан иситадиган ва ёритадиган, шунингдек, ёруғлик берадиган махсус асбоблар пайдо бўлади. Масалан, эскимослар, коряклар, чукчилар тошларни ўйиб, ичига ёғ ва пилик ўрнатилган чироқдан яқин даврларда ҳам фойдаланиб келишганлар. Зарафшон водийсида яшаган сўнгги палеолит уруғ-жамоалари ҳам ҳаётнинг шундай махсулидан кенг фойдаланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ишлаб чиқариш кучларининг тобора ривожланиши ижтимоий, шунинг билан бирга, ишлаб чиқариш муносабатларининг янада ривожланишига олиб келди.

3. 3. Уруғ-жамоасининг ташкил топиши

Кўп йиллар давомида Зарафшон водийсининг ибтидоий тарихи ҳақида тўпланган археологик материалларни ўрганиш натижаси водийда ҳам сўнгги палеолит даврида уруғ-жамоаларининг ташкил топганлиги жараёнини кўрсатмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ишлаб чиқариш кучларининг кескин ривожланиши жамият ҳаётида ҳам йирик ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди ва уруғ-жамоалари ташкил топди. Одамзоднинг ўз давридаги янги технология билан курулланиши коллектив бўлиб, табиат инжиқликлари билан, яъни унинг кучларини ўзларининг манфаатларига бўйсиндириш учун кураш олиб бориш имкониятини берди. Аммо ҳаёт

меҳнат қуроллари янада такомиллаштириш амалий тажрибаларни бойитишни талаб қиларди. Илк тўда ячейкаларининг ҳамон шаклсиз ва аморф ҳолати, келгусида вужудга келган бирмунча мустақкамроқ ташкилотга ўз жойини бўшатиб берилиши ҳаёт тараққиётининг талаби эди. Илк тўда даврида ва унинг бирмунча ривожланган босқичида ҳам қариндошликнинг мавжудлиги она томонидан белгиланган. Сабаби, қон-қардошчилик жинсий муносабатлар отанинг номаълумлигига олиб келарди. Шунинг учун ҳам дастлабки вақтларда, археологик нуқтаи назардан қаралганда авлодларнинг яшовчанлиги бутун тош асри давомида она чизиғи томонида бўлган. Бундан ташқари, ўша илк замонларда коллективнинг муайян турғун ҳолатини таъминлаб турган жинслар ҳам аёллар эди. Аёлларнинг роли барча хўжалик ва уй ишларида, болалар тарбиясида, жамоа оловига мутасаддилик қилишда, уй хўжалигини юритишда ниҳоятда устун эди. Ибтидоий тўда уруғ одамларининг ҳам келиб чиқиши аёллар томонидан ҳисобланган бўлиши мумкин ёки она уруғи билан боғлиқ эди.

Илк палеолитдан сўнгги палеолитга ўтиш арафасида, балки ундан ҳам аввалроқ уруғ-жамоа тузумига ўтиш бошланган. Бу ҳодисани археологик манбалар ҳам тасдиқламоқда. Самарқанд сўнгги палеолит маконидан йирик уруғ-жамоаси яшайдиган кулба қолдиғи топилган. Айнан шундай кулбалар Оврупанинг кўпгина маконларида ҳам топилган. Бундай кулбаларнинг топилиши сўнгги палеолит босқичида муайян даражада ташкил топган ишлаб чиқариш коллективининг вужудга келганлигидан гувоҳлик беради. Бу уруғ-жамоалар оналар атрофида бирлашган кишилардан иборат эди. Сўнгги палеолитнинг орияк ва солютри босқичларига келиб, одамнинг пайдо бўлиши оналар томонига тааллуқли эканлигини кўрсатувчи аёллар ҳайкалчалари Костенко I, Костенко IV маконларидан топилган. Аммо ҳозиргача Ўрта Осиё сўнгги палеолит маконларидан аёллар ҳайкаллари топилганича йўқ. Лекин Самарқанд маконидан суякдан ва денгиз чиғаноғидан ясалган тақинчоқлар, қизил бўёқ қолдиқлари топилган. Таниқли олимлардан П.П.Ефименко ва С.А.Токеревларнинг тахминига кўра, сўнгги палеолит даврида оналарнинг ўтмишига сиғиниш култи пайдо бўлган.¹⁸ Дарҳақиқат, оналар уй бекаси, олов-ўчоқ раҳномаси, уй хўжалигининг ҳимоячиси, болаларни парвариш қилиш ишлари билан банд бўлганлар ва уруғ гуруҳи оналар атрофида бирлашган. Костенко, Мальта ва Бурятто маконларидан топилган аёлларнинг ҳайкалчаларининг бир нечаси топилганлигига қараганда сўнгги палеолит босқичида она уруғига сиғиниш култи пайдо бўлади. Шундай қилиб, туғилишнинг бир томонлама, яъни она томонидан ҳисобланиши уруғ ичида никоҳнинг ман қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат экзогамия урф-одатидан иборат эди.

Экзогамия масаласи бўйича ҳар хил таълимотлар мавжуд бўлиб, уларнинг бирортаси масала ечимини охиригача етказмаган. Шулардан бири XIX асрнинг 60-йилларида Мак-Леннан таълимотидир. Унинг фикрича,

¹⁸ Ефименко П.П. Превобытное общество. Изд. 3. –Киев, 1953.

бутун бир ибтидий қабилани экзогамия ва эндогамияга бўлиш мумкин. Мак-Леннаннинг фикрича, бир уруғдан никоҳга ўтмаслик ва уни ташқаридан излаш сабаби сифатида энг қадимги даврларда уруғ-жамоода туғилган қиз болани жанговар кишилар ўлдириб юборган ва никоҳ шунинг учун ташқаридан, яъни бошқа уруғ ўртасида бўлиши одат тусига айланган, деган таълимотни ёқлаб чиққан эди.

Бу масала бўйича Л.Г.Морганнинг таълимоти ҳақиқатга яқин туради. Морганнинг фикрича, экзогамия, яъни уруғ ичида никоҳнинг ман этилиши, бир уруғ ичида қон-қардошлик биологик жиҳатдан жиддий зарарли эканлиги алоҳида қайд этилган. Бу таълимот Ф.Энгельс асарларида ҳам қўлланган. Экзогамия никоҳ аломатлари мустъер даврида, неандертал одамлари орасида дастлаб бошланган. Кўпчилик замонавий олимларнинг фикрича, бир уруғ ичида никоҳнинг ман қилинишининг сабабларидан бири бир уруғ жамоа ичида аёллар учун қизғанчиқлик туфайли ўзора жанжалларнинг келиб чиқишига олиб келган. Бу жанжалкашлик кайфияти ибтидоий ячейканинг умумий яшаш интизомига зарар келтирарди. Шунингдек, бошқа илк тўда билан никоҳ олиб бориш тўдалар ўртасидаги иттифоқчиликни мустаҳкамлар эди. Шунинг учун ҳам никоҳ аломатлари аста-секин муайян уруғ ичида ман этила борган. Бу ҳолат бошқа қабиланинг илк тўда уруғлари билан, яъни ташқаридан никоҳга ўтиш эндогамия деб аталинди. Шунга қарамасдан иккала томон қавм-қариндошлиги давом этганлиги сабабли бу ҳолатни фратария (юнон: қариндош) деб атади. Бундай икки томонлама қабилавий экзогамия ва эндогамия никоҳ шакли кўпгина қолоқ қабилаларнинг турмушида узоқ сақланганлиги ҳақида этнографик маълумотлар бисёр. Хуллас, ижтимоий нуқтаи назардан қаралганда, илк тўда давридан уруғ-жамоаси шакли тизимига аста-секин ўтиш узоқ замонларни ўз ичига олган, холос. Сўнгги палеолит даврининг дастлабки босқичига келиб, уруғ-жамоаси – янги ишлаб чиқариш коллективи ташкил топди.

3. 4. Дастлабки ойкуменларнинг кенгайиши масаласи ҳақида

Зарафшон ҳавзаси ибтидоий тузум даври тарихини ўрганар эканмиз, одамзоднинг турли минтақаларга тарқалиб, маъқул экологик бурчакларни ўзлаштириб, кенг кўламда тарқалиши, ўзлаштириши ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтишни ўринли, деб ўйлаймиз. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамлар сони ёки аҳолининг кўпайишига олиб келди. Овчиликнинг тобора ривожланиши туфайли айрим ҳудудларда ҳайвонот дунёси кескин камайиб кетган. Одамлар озиқ-овқат излаб, турли ўлкаларга силжиб, маъқул экологик бурчакларни ўзлаштиришга киришадилар. Бунинг учун меҳнат қуроллариининг ҳам доимий такомиллаштирилиб борилиши талаб қилинарди. Сўнгги палеолит овчилари ичимлик суви билан боғлиқ ҳудудларни кенг ўзлаштира бошлайдилар. Бундай аҳолининг силжиши вилоятларидан бири Шимолий Овропа ва Осиё минтақалари бўлиб, бу вилоятлар эндиликда абадий музликлардан бўшаган эди. Сўнгги палеолит одам жамоалари Сибир, Шимолий Германияни эгаллашади. Осиёдан Беренгов қўлтиғи орқали

одамлар биринчи бор Америкага кириб борди. Палеолитнинг охирлари ва мезолит даврида Австралия ўзлаштирилди.

Сўнгги палеолит даврига келиб, бир-биридан муайян тарзда фарқ қиладиган маданият вилоятлари ташкил топади. Булар Ов롭анинг музлик билан боғлиқ вилояти, Сибир-хитой ва Африка – Ўрта Ер денгизи вилоятларидан иборат эди.

Овропа вилояти бу вақтга келиб, музликлардан бўшаган бўлса-да, лекин музлик оқибатлари таъсири сақланган эди. Одамлар бундай совуқ ўлкаларга мослашиб ҳаёт кечирардилар, кийим-бошларини бут қиладилар, ярим ертўла ва кулбалар қуриб яшайдилар, мамонт ва шимолий буғуларга жамоа бўлиб ов қилишиб тирикчилик ўтказадилар.

Сибир-Хитой вилоятлари ҳам Ов롭анинг музлик бўйи вилоятларидан деярли фарқ қилмас эди. Фақат бу ерларни ўзлаштирган аҳолининг қурол ясаш техникаси Овропадан муайян фарқ қилиб, кўпинча қайроқ тошлардан ясалган ашелл даврини эслатадиган дағал чопқич қуроллар кўпчиликини ташкил қиларди. Лекин бу аҳоли тош ўзаклардан узун, юпка парақаларни ажратиб олишни билганлар ва турли қуроллар ишлаб чиққанлар.

Африка – Ўрта Ер денгизи вилоятига Африкадан ташқари Испания, Болқон ярим ороли, Қрим, Кавказ, Яқин Шарқ мамлакатлари киради. Бу вилоятларда яшаган аҳоли илиқ флора ва фауна дунёсида яшаганлар. Улар терим-термачилик ва кийик, косул, тоғ такаси ва йиртқич ҳайвонларга ов қилишиб, ҳаёт кечирганлар. Бу аҳолидан ҳайвон суякларидан ясалган игна, жуволдиз, тешгич қуроллар сақланган. Улар тошдан қурол ясаш учун қайта ишлаш технологиясини ўзлаштирган эдилар. Бу вилоятларда микролит қуроллар анча эрта тарқалган. Шимолий вилоятларга нисбатан бу ҳудудларда ўқ-ёй анча эрта кашф қилинган эди. Жанубий-Шарқий Осиёнинг палеолити ҳозиргача яхши ўрганилмаган бўлса-да, уни алоҳида маданият вилояти деб айтиш мумкин. Бу ерда яшаган аҳоли асосан терим-термачилик билан шуғулланиб, шимолдагидек меҳнат қуролларнинг турли-туманини яратиш учун ҳожат йўқ эди.

Американинг одамзод томонидан дастлаб ишғол қилиниши бундан 20 минг йил аввал содир бўлган. Бу ерга одамзод Беренгов буғози орқали Осиёдан кириб келган. Бундан ташқари, Америка замиридан олий приматлар ҳам топилмаган. Америкалик ҳиндус – ирокезларнинг аввалги авлоди Эски Дунёдан кириб келган бўлиб, уларнинг кўриниш хусусиятлари монголоид бўлганлиги учун ҳам уларнинг авлодини осиеликлар деб билиш ўринли. Америкадан топилган тош қуроллар Сибир-хитой сўнгги палеолит маданиятини эслатади. Ўша қадимги замонларда Беренгов буғози ҳозиргидан анча тор (85 км), айниқса, қиш вақтлари музлик билан қопланган бўлиб, одамзод ўтишига шароит бўлган. Бундан ташқари, Америкага бироз Шимолий Сибир томондан ҳам одамлар кириб борган. Энг қадимги одамларнинг изи Нью-Мексико штатининг Сандия ғоридан топилган. Уларнинг меҳнат қуроллари анча такомиллашган бўлиб, мил. авв. 10 минг йиллик билан саналанган. Бу уруғ-жамоалари мамонт, бизон, туя, мастадон

каби йирик ҳайвонларга ов қилишган бўлиб, қурол воситалари ҳам шунга мослашган эди. Америкада мил. авв. 5 мингинчи йилларгача бўлган тошни қайта ишлаш техникаси анча ривож топган эди. Тош асри маданиятининг қолдиқлари сақланиб қолган.

Австралияга одамзод Жанубий-Шарқий Осиё ва Индонезиядан кириб келган. Уларнинг меҳнат қуроллари хитойларникига ўхшаш қайроқтошлардан дағал ишланган эди. Этнографик маълумотларга қараганда, австралия ерларини дастлаб тасмонийлар ишғол қилганлар. Улар ҳали мезолит даврининг муҳим қуролларидан бири ўқ-ёй билан таниш эмас эдилар. Австралия аҳолиси асосан майда шохли ҳайвонларга овчилик қилиш ва терим-термачилик билан ҳаёт кечирганлар.

Ўрта Осиё одамзоднинг энг қадимги ватанларидан бири бўлиб, бу ердаги вилоятлар антропогенез содир бўлган минтақага киради. Масалан, Фарғона вилоятидаги Селенгур ғор маконидан топилган одам қолдиғи – фергантроп ва у билан бирга топилган археологик ашёларнинг ёши 1,5 млн йилга тенг эканлиги исботланган. Кўлбулоқ палеолит маконининг қуйи қатламларидан топилган меҳнат қуролларининг ёши 1 млн йилдан кам эмаслиги исботланган. Палеолитнинг илк босқичидан эътиборан Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон одамзод томонидан узлуксиз ўзлаштирилиб, юксак маданият яратилган.

Зарафшон водийси ўрта палеолитдан эътиборан одамзод тўдаларининг макони бўлиб келган. Водийнинг тоғли ва тоғолди текисликлари кенг ўзлаштирилган. Бу минтақалар катта музликлар таъсиридан анча йироқ бўлиб, бу вилоятлар турли жониворларга, хуллас, флора ва фаунага ҳамда бошқа ресурсларга бой бўлган. Одамлар жамоалари асосан овчилик ва терим-термачилик, шунингдек, балиқ ови билан тирикчилик ўтказганлар. Овчилик секин-аста ихтисослашган хўжалик турини ташкил қилган. Масалан, Омонқўтон мустъер даври аҳолиси тоғ қўйларига, айиқларга ов қилишган бўлса, Тешиктош ғорида яшаганлар тоғ такасига, Қўтирбулоқ макони эгалари бухоро буғуси, кийик, фил, буқа каби жониворларга, Самарқанд сўнгги палеолит макони эгалари ёввойи от, бухоро буғуси, буқа, кийик каби жониворларга ов қилишганлар, терим-термачилик ҳам муҳим хўжалик тури ҳисобланган. Зарафшон водийсининг барча тоғолди ҳамда дашт туманлари палеолит даврида, ундан кейин мезо-неолит давларида кенг ва тифис ўзлаштирилган ва ўз давларига нисбатан юксак маданият яратилган. Бу водий туманларидан 20 дан зиёд ўрта, 12 та сўнгги палеолит ёдгорликлари топилган бўлиб, бу топилмалар мезолит даврида барча туманларнинг ўзлаштирилганлигидан далолат беради. Шунингдек, тоғ кон ишлари ривожланиб, чакмоқтош қуроллар ишлаб чиқариш устахоналари ташкил топган. Хуллас, Зарафшон водийсида яратилган маданий ҳаёт автохтон характерга эга бўлиб, туб асосга эга ва бошқа юртлардан кириб келган эмас, балки буюк ўтмишдошларимизнинг ақл-заковати маҳсулидир.

Зарафшон водийси тош асри ёдгорликларининг хронологиясига қараганда, дастлаб тоғ ва тоғолди массивлари, кейин аста-секин дашт

текисликлар, дарё соҳиллари, сувга сероб чашмалар атроф ҳудудлари ўзлаштирилган кўринади. Масалан, Омонқўтон – Тахтақорача тоғ довоида жойлашган Омонқўтон, Гурдора, Такалисой мустъер босқичи ғор маконлари бошқа туманларга қараганда бирмунча аввалроқ ўзлаштирилган. Қўтирбулоқ, Зирабулоқ маконлари водийнинг ўрта окимида, дарё соҳилларида жойлашган. Мустъер даври манзилгоҳларининг кўп маданий қатламларга эга эканлиги бу даврда одамлар муайян тартибда кўним яшашга ўтганлигини кўрсатади. Сўнгги палеолит ёдгорликларининг ҳам жойлашиш тартиби мустъер давридан кескин фарқ қилмайди. Бу вақтга келиб, уруғ-жамоалар фауна ва флораси сероб туманларни ўзлаштириб, доимий яшайдиган кулбалар қуриб яшаганлар. Масалан, Самарқанд, Сиёбча, Хўжамазгил маконларини ўрганишда айнан шундай манзарани кўриш мумкин.¹⁹

Зарафшон водийси Ўрта Осиёда кўндаланг чўзилган ҳавзадан иборат бўлиб, энг қадимги даврларда шимолдан жанубга, шарқдан шимол томон силжиб юрган аҳолининг учрашув минтақаси бўлган. Шунинг учун ҳам Зарафшон ҳавзаси тош асри маданиятида турли компонент излари кузатилган. Умумий миқёсда қаралганда, Зарафшон водийси қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлиб, унинг таъсир аломатлари бошқа минтақаларга ҳам ўтганлиги илмий асосланган. Масалан, Зарафшон водийсида ўрганилган мезолит ва неолит даври маданиятининг генесиологик илдизларининг Самарқанд сўнгги палеолит маданияти билан боғлиқлиги фанда тан олинган. Шунингдек, Хоразмда ўрганилган калтаминорликлар, Фарғона ва Тошкент воҳасида ўрганилган Қўшилиш ва бошқа мезо-неолит даври ёдгорликлари сўнгги палеолит макони аҳолисининг меросхўрлари бўлганлиги ҳақидаги масала илмий адабиётларда тан олинган.

IV БОБ

ИЛК УРУҒ-ЖАМОА ОВЧИ, ТЕРИМЧИ ВА БАЛИҚЧИЛАР ҲАЁТИ

Ибтидоий жамият тарихининг таркибий қисми сифатида уруғ-жамоалари катта ва узоқ йўлни босиб ўтган. Бу даврнинг муҳим ўзгаришларидан бири ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқариш иқтисодиёти жараёнига ўтиш билан характерланади. Бу дегани илк тўда босқичидан илгари томон ривожланишда бўлиб, ишлаб чиқариш хўжалиги: дастлабки деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши таъминланди, илк уруғ-жамоалар ҳаётида овчилик, айрим жойларда балиқчилик хўжалиги муҳим ўрин тутган. Илк тўда ва уруғ-жамоалари ўртасида вужудга келган ов қуроли – ўқ-ёйнинг кашф қилиниши ҳаётий аҳамиятга эга бўлди. Кўпгина минтақаларда ўқ-ёй сўнгги палеолит даврида кашф қилинган бўлиб, айрим жойларда эса жуда кеч пайдо бўлади. Масалан, австралияликлар, Тасмоний оролида яшовчи қабилалар ривожланган неолит даврида ҳам бу қуролни билмас эдилар.

¹⁹ Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –Ташкент, 1980. – Б. 2-5, 46-50.

Илк уруғдош-жамоаларнинг пайдо бўлиши археологик манбаларга қараганда, сўнгги палеолитга тўғри келади. Овropaда сўнгги палеолит биринкетин тараққиётда бўлган ориньяк, солютри ва мадлен босқичларига бўлинади. Ўрта Осиё, жумладан, Зарафшон водийсида сўнгги палеолит маданияти муайян тараққиёт босқичларига бўлиб ўрганилмаган ва бунга зарурият ҳам бўлмаган.

Археологияда ориньяк атамаси Франция жанубий-ғарбида жойлашган ориньяк ғор макони билан боғлиқ. Солютри маданияти ҳам Франциядаги Солютри ғор макони номидан олинган. Мадлен маданияти ҳам Франциянинг Дордания туманида жойлашган Ламадлен ғор макони номи билан боғланган бўлиб, ориньяк илк сўнгги палеолит, солютри ўрта сўнгги палеолит ва мадлен палеолитнинг энг сўнгги даври ҳисобланади ва бунда меҳнат қуролларининг бири иккинчисига қараганда бирмунча такомиллашганлиги билан характерланади.

Қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичига келганда ибтидоий аждодларимиз нафақат Зарафшон водийсининг тоғолди ва адирли минтақаларида, балки воҳа доирасидаги адирсимон табиий тепаликларни ёриб ўтган сой бўйларида, улар ҳосил қилган кўл ёқаларида ҳам макон топганлар. Дарҳақиқат, бу ўлкада олиб борилган археологик изланишлар Зарафшон водийси юқори палеолит даври овчи ва терма-теримчилари томонидан янада кенгроқ ўзлаштирилганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Шу даврга оид биринчи ёдгорлик Самарқанд шаҳри ҳудудидан, Сиёбча сойининг ўнг соҳилидан, 1939 йилда Самарқанд ўлкашунослик музейининг археологи Н.Г.Хорламов томонидан очилди. Топилган тош буюмлар юқори палеолитга тегишли эди. Тош қуроллар билан биргаликда оловда тобланган турли ҳайвон суяклари, гулхан қолдиқлари топилган эди. Кейинчалик бу манзилгоҳ археолог Д.Н.Лев ва унинг шогирди проф. М.Д.Джуракулов томонидан 1958-1973 йиллар давомида мунтазам ўрганилди, натижада ёдгорлик Ўрта Осиё археологияси тарихида Самарқанд юқори палеолит даврининг муҳим объекти сифатида ўз ўрнини топди. Сўнгги палеолит даври, яъни дастлабки уруғ-жамоалари макони ва излари билан боғлиқ топилмалар Зарафшон водийсининг Чўпонота тепалигидан, Самарқанд шаҳрининг ҳар хил нуқталаридан, Оҳаликсой бўйларида, Ургут туманининг Гўрдара ғоридан, Равотхўжа яқинидан, Сиёбча ва Сиёб сойи қўшилиш жойидан, Афросиёбдан шимолда, Сиёбча жарлигидан чакмоқтошдан ишланган юқори палеолит даврига оид типик тош қирғичи топилган ва ниҳоят юқори палеолит даврига оид ноёб Хўжамазгил манзилгоҳи Булунғур тоғини ёриб чиққан зилол чучук сув ҳосил қилган қадимги чашма ёқасидан топиб ўрганилган. Таъкидлаб ўтганимиздек, Самарқанд сўнгги палеолит манзилгоҳи маконлар орасида алоҳида аҳамият касб этади. Бу уч маданий қатламдан иборат ёдгорлик 10 мингдан зиёд тош коллекциясини ва бой тўртламчи давр фаунасини берди. Ёдгорлик нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ Иттифоқ, Афғонистон, Тожикистонда кенг ўрганилган объект сифатида машҳурдир. Самарқанд маконида уй-жой ўрнининг топилиши катта аҳамиятга эга бўлди (7-11

расмлар). Режага кўра, у тўғри тўртбурчак шаклида бўлган. Унинг атроф майдонида гулхан, тошдан қурол ясаш устахонаси, меҳнат қуроллари, оҳра излари, кўплаб йирик ҳайвон суяклари учратилган. Топилма уй қолдиғи 6-8 см устунчаларга ўрнатилган, ўрганилган уй ярим ертўла сифатида бўлган. Унинг майдони 60 м². Бугунги кунда Ўрта Осиёда сўнгги палеолит ёдгорликлари 30 тадан ошиб кетди. Марказий Осиёда сўнгги палеолитга тегишли санъат намуналари ҳам дастлаб Самарқанд маконидан топилган. Макондан денгиз чиғаноғидан ва суякдан ясалган маржон-тақинчоқлар топилган. Энг қизиғи ҳам шундан иборатки, Самарқанд маконидан топилган чиғаноқларнинг асл ватани Ҳинд океани ва Қизил денгиз курфазлари ҳисобланади. Бу топилмаларнинг Зарафшон водийсида кузатилиши водий уруғ-жамоаларининг нақадар кенг доирада маданий алоқалар ўрнатганлигидан гувоҳлик беради (12-расм).²⁰

Самарқанд маконидан палеоантропик материаллар топилган. 1962 йил қазиш вақтида *Homo sapiens* одамига тегишли бир неча тиш, елка суягининг бўлағи ва 9 та тиш билан пастки жағ суяғи топилган. Бу топилмалар 25-30 ёшлар чамасидаги аёлга тегишли бўлган. 1966 йилда 10 та тиши билан 30-35 ёшлардаги эркакнинг жағ суяғи топилган. 1970 йилда ер сатҳидан 240 см чуқурликдан одамнинг болдир суяғи топилган. Бу топилмаларнинг барчаси *Homo sapiens*га тегишли эканлиги аниқланган. Шу жиҳатдан ҳам Самарқанд манзилгоҳининг Ўрта Осиё ҳудудларида юқори палеолит муаммоларини ўрганишда ўрни ва роли аҳамиятлидир (13-расм).²¹

Зарафшон водийсидан топилган ва ўрганилган сўнгги палеолит ёдгорликларнинг берган материаллари асосида муайян тарихий жараён билан боғлиқ манзарани тиклаш мумкин. Археологик топилма материалларга қараганда, сўнгги палеолит даврида водий уруғ-жамоалар билан тўла ўзлаштирилган. Самарқанд маконининг эгаллаган майдонини ва ярим ертўла кулбанинг топилишини ҳисобга олсак, бу маконда бир неча уруғ-жамоалари ўз кулбаларига эга бўлиб, бир муайян қишлоқ сифатида яшаганлар. Тахминан, ҳар бир кулбада 35-40 тагача жамоа аъзолари яшаган ва овчилик ҳамда теримчилик билан ҳаёт кечирганлар. Меҳнат қуролларининг технологик жиҳатдан тараққиётига қараганда, бу уруғ жамоалар йирик ҳайвонларга, жумладан, ёввойи от, бухоро бугуси, айиқ, бука, бизон каби ҳайвонларга муваффақиятли ов қилишганлар. Овдан тушган гўшт маҳсулотларини оловда тоблаб пишириб истеъмол қилишганлар. Оловда тобланган ҳайвон суяк қолдиқлари бундан гувоҳлик беради. Ҳар бир кулба ўртасида доимий ёниб турадиган гулхан-ўчоқ бўлган ва унинг мутасаддиси оналар ҳисобланган. Уруғ-жамоалар орасида экзогамия ва эндогамия шаклидаги никоҳ мавжуд бўлиб, бир гуруҳ жамоа орасида никоҳ ман қилинган.

Зарафшон водийси тўртламчи даврда маҳаллий фауна ва флорасига бой бўлган. Тоғолди ва унинг этакларида чучук зилол сувли булоқлар бисёр

²⁰ Джуракулова Д.М. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. –Тошкент, 2011. Расм-27.

²¹ Джуракулова Д.М. Ўша асар. Расм-28.

бўлган. Дарё ва уларнинг ирмоқлари турли балиқларга ҳамда ҳар хил паррандаларга сероб бўлган. Қалин тўқайзорлар ва ўрмонзорлар водийнинг кенг ҳудудларини қамраб ётган. Бу ўрмонзорларда турли йиртқич ҳайвонлар яшаган. Ўтлоқзорларнинг сероблиги кийик, буғу, ёввойи от, бука каби жониворларнинг яшашига замин яратган. Зарафшон водийси қадимдан мевали ўсимликларга ниҳоятда бой бўлган. Бу ҳақда палеоботаника, палеонтология, палеозоология фанлари берган маълумотлар гувоҳлик беради. Хуллас, тўйимли озиқ-овқатнинг водийда сероблиги уруғ-жамоаларининг муайян даражада қўним яшашга шароит бўлганлигидан далолат беради.

Зарафшон водийсида яшаган уруғ-жамоалар узоқ-яқинда яшаган қўшни жамоалар билан маданий алоқалар ўрнатган. Масалан, Тожикистон ва Қозоғистон ҳамда Афғонистон вилоятларида ўрганилган сўнгги палеолит ёдгорликларида Зарафшон сўнгги палеолит маданиятининг излари, хусусан, ов ва бошқа меҳнат қуролларини ишлаб чиқишдаги қўлланилган технологик услублар маданият излари кузатилганлиги илмий жиҳатдан исботини топган. Шунингдек, уруғ-жамоалар орасида қуролбоп чакмоқтош хомашёси билан айрабош жараёни ҳам йўлга қўйилганлиги археологик манбаларда кузатилган. Масалан, Навоий шаҳри яқинида ўрганилган Учтут чакмоқтош устахонасидан олинган чакмоқтош хомашёсидан нафақат Зарафшон водийси уруғ-жамоалари фойдаланишган, шунингдек, Хоразм, Фарғона, Тожикистон каби мамлакатларда ўрганилган ёдгорликларда ҳам Учтут чакмоқтошидан ясалган қуроллар мавжудлиги кузатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнгги палеолит даврида ҳайвон шохларидан игна, жуводдиз, найза тиғи, мотиға каби қуроллар ҳам ишлаб чиқилган. Бироқ Зарафшон водийсида суякдан ва денгиз чиғаноғидан бурғалаб тешиб ясалган санъат намуналаридан ташқари бошқа суяк қуроллар топилмаган. Шундай қуролларга одамлар эга бўлганлиги табиий ҳол, лекин бизгача сақланмаган бўлиши мумкин. Шуни эслатиш ўринлики, Учтут чакмоқтош қазиб олиш кони шахталаридан йирик ҳайвонлар ва буғу шохидан ясалган қазигич – чўқмор қуроллар қолдиқлари кўплаб топилган.

Хуллас, Зарафшон водийсида яшаган сўнгги палеолит даври уруғ-жамоаларининг асосий машғулоти ёввойи от, бука, буғу, бўри, айик, йўлбарс каби йиртқич ҳайвонларга овчилик ва турли мевали ўсимлик ҳамда майда жониворларга теримчилик қилиб ҳаёт кечиришдан иборат бўлган. Ҳайвонларнинг териси кулбалар устини ёпишда, кийим-бош тикиб фойдаланишда ишлатилган. Бундай ҳайвонларнинг суяклари ва ёғларидан кечалари кулбаларни ёритишда чироқ сифатида ҳам фойдаланганлар. Сармишсой қоятош суратлари орасида сўнгги палеолит даврига тегишлилари ҳам учратилган. Бу суратларнинг айримлари қуршов усулидаги ов манзарасини ифодалайди. Демак, Зарафшон водийсида яшаган уруғ-жамоалари қамал, қуршов асосида яширинча қазилган чуқурлар устига ҳайвонларни чўчитиб ҳайдаш каби ов шаклларида кенг фойдаланган бўлишлари мумкин. Масалан, Овropанинг Воронеж шаҳри яқинидан топиб

ўрганилган Костенко сўнгги палеолит макони маълумотларига қараганда, ушбу макон уруғ-жамоалари макон атрофидаги чашмалар яқинидан чуқурлар қазиб, унинг ички ўрта қисмига найзани тикка қилиб қўйиб, чуқурнинг устки қисмини хос хашаклар билан яширинча бекитиб, сувлашга келган йирик ҳайвонларни, жумладан, мамонт, насорогларни чўчитиб чуқур устига ҳайдаб, ушлаш усуллари кўллаганлар. Терим-термачилик хўжалиги ҳам муҳим ўринда турарди. Терим-термачилик билан одатда аёллар шуғулланардилар. Теримчилик турли ўсимликлар ва парранда ҳамда мевали дарахтлар бор жойларда олиб бориладди. Уларнинг асосий қуроллари тиғи суякдан ёки тошдан ясалган ярим найза сифатидаги таёқчалардан иборат бўлган.

V БОБ

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА УРУҒ-ЖАМОАЛАРИНИНГ ГУЛЛАШИ

5. 1. Зарафшон водийси мезолит ва неолит даврлари уруғ-жамоалари

Қадимги аجدодлар томонидан Зарафшон водийсини ўзлаштириш тош асрининг мезолит ва неолит босқичларида ҳам қизғин давом этди. Бу даврга оид археологик ёдгорликлар Зарафшон тоғ тизмаларининг Қоратепа массиви туманларида, Сазағонсой терассаларида, Нурота тоғ тизмаларининг Қоратоғ ёнбағирларида, Ургут тоғолди сойлар ёкаларида, Учтут яқинида, Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларида, яъни Қизилқум чўлининг Амударё томон ёриб ўтган Мохондарё ва у ҳосил қилган Катта тузкон, Кичик тузкон, Қорангишур кўллари соҳилларида топиб ўрганилган. Улар орасида археологик материалларнинг кўп даврга тегишлилиги билан Сазағонсой терассаларида таркиб топган мезолит ва неолит даври ёдгорликлари алоҳида аҳамият касб этади.

Палеоботаника илмий изланишларига кўра, Қоратепа массиви туманлари, айниқса, Сазағонсой водийси ўз вақтида қалин ўрмон билан қопланган, овчилик хўжалиги учун жуда қулай бўлган. Археологик материаллар Сазағонсой тумани сўнгги палеолит ва мезолит давридан бошлаб аجدодлар томонидан ўзлаштирила бошланганлигидан далолат беради (14-15 расмлар).²²

Сазағонсой водийси ўзига хос табиий-экологик шароитга кўра, нафақат мезолит ва неолит даврларида аجدодлар макон топган манзилга айланди, балки энеолит ва жез, илк темир ва антик, ҳатто кишилик тарихининг кейинги босқичларида ҳам маълум бир гуруҳ лалмикор — чорвадорлар макони бўлиб келган. Ёзнинг жазирама иссиғи ва циклик қайталовчи қурғоқчиликлар туфайли турар-жой манзиллари булоқ сув яқинларида қад кўтаради. Аммо уларнинг бирортасида ҳам маданий қатламлар айтарли даражада сақланмаган, яъни бу ҳолат кейинги тарихий даврлар ўзлаштириш ишлари билан боғлиқ бўлиб, инсон фаолияти туфайли улар бузилиб кетган. Шунинг учун мезолит ва неолит даври тош қуроллари билан биргаликда мис пичоқлар, бронза даврининг дашт қабилаларига тегишли сопол парчалари, энеолит ёки бронза даврига тегишли қабрлар, антик ёки илк ўрта асрларга

²² Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. —Ташкент, 1991.

оид сопол синиклари, турли даврга тегишли хайвон суяклари учрайдики, буларнинг барчаси бир томондан Сазагон қишлоғининг тарихий илдизлари нақадар қадимийлигини кўрсатса, иккинчидан, Сазагон қишлоғи ва унинг атрофларидаги сув ресурслари ҳамда экинбоп ер ниҳоятда танқис ва чегарали эканлигидан далолат беради. Сазагон тумани археологик комплекслари ичида 4 та йирик ёдгорлик аниқланган бўлиб, улар мезолит ва неолит даврларига тегишлидир. Умумий ҳисобларга кўра, Сазагон-Тепакул қишлоқлари тоғ оралиғида жойлашган дара-сойларнинг терассаларида 30 дан зиёд нуқталарда микролит қуроллар ва айримларида эса неолит даври сопол синиклари ҳам топилган. Шулардан айримлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиш жоиз.

Сазагон I манзилгоҳи шу ном билан аталган қишлоқнинг жанубида, Сазагонсой сўл соҳилининг иккинчи терассасида жойлашган. Макон турли йилларда ўрганилган бўлиб, тегинилмаган маданий қатлами учратилмади. Сабаби, манзилгоҳ ҳудуди қишлоқ қурилиши муносабати билан ўз қадимий қиёфасини йўқотган. Маконнинг 96 м² майдони қазиб кўрилди ва 2300 нусхадан ортиқ тош қуроллари ва улардан ҳосил бўлган чиқиндилар йиғиб олинди. Тош қуроллар сериясини ўзаклар, ўзак асослари, тошболғалар, тош ускуна, тош парма, кескич, қирғич, тош кескичлар, ретушерлар, микропарақалар, пичоқсимон парақа асослари, тош парақалар, ҳар хил тош чиқиндилари ҳамда иккинчи марта ишлов берилган ҳар хил тош қуроллар ташкил қилади. Сазагон I манзилгоҳининг тош индустрияси парақасимон учриндилар характерига эга. Тош қуроллар сериясининг 79.4 фоизини учриндилар, 20.6 фоизини эса парақалар асосида ишланган қуроллар ташкил қилади. Парақа асосида ишланган қуролларнинг 36,3 фоизини микропарақалар ташкил этади, 22,2 фоиз қуроллар ростмана парақалар асосида ясалган. Сазагон I комплекси мана шу жиҳат билан Марказий Фарғона мезолит ва неолит ёдгорликларига яқин бўлиб, «Ҳисор» типигаги тоғ неолити маданиятидан фарқ қилади.

Сазагон II манзилгоҳи Сазагон қишлоғидан 2 кмлар чамаси жанубийроқда, Сазагон сойининг сўл соҳилида, иккинчи терассада жойлашган. Манзилгоҳнинг 764 м² майдони қазиб кўрилган. Материаллар ер сатҳининг энг юқори горизонтдан то 1,5-1,7 м чуқурликкача учрайди. Йиллар давомида олиб борилган маҳаллий деҳқончилик ва қурилиш ишлари туфайли маданий қатламлар деярли аралашиб кетган. Айрим участкаларида ўчоқ, кул қолдиқлари билан қаторасига ва айланасига терилган тоғ тоши парчалари учрайди. Бизнинг дастлабки кузатишларимизга қараганда, бу топилмалар ибтидоий уруғ-жамоаларининг кулба қолдиқлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Йиғиб олинган тош ва бошқа буюмлар 4800 нусхага яқин. Топилмалар таркибига қараганда, Сазагон-2 манзили ўз вақтида кўп қатламли бўлган. Сазагон-2 манзилгоҳи тош индустрияси типологик жиҳатдан Сазагон-1 комплексига жуда яқин. Шу билан бирга Сазагон-2 тош қуроллар серияси таркиби ва хронологик жиҳатдан Сазагон-1 комплексидан бир қадар фарқ қилади. Топилмалар орасида камон ўқ учлари – пайконлар (6

та), пойтешасимон болталар (2 та), суякдан ясалган куруллар, амулет ва денгиз чиганоғидан ясалган тақинчоқлар ҳамда турли даврларга оид сопол парчалари, жумладан, неолит даври керамикаси учрайди. Керамикаси нақшланган. Сазағон маданияти ёдгорликлари гуруҳи таркибига Жангал-1 ва Тепакул-3 манзилгоҳларини киритиш мумкин.

Жангал-1 макони Эгрикулчасой ҳавзасида, Сазағон-1 маконидан 3 км чамаси шимолий-шарқда, сойнинг иккинчи террасасида жойлашган. Маконнинг 200 м² майдони очиб ўрганилган. Тош предметлар орасида турли шаклга эга тош куруллардан қирғичлар, рандалар, тош тешгичлар, тери тарашлагичлар, парақасимон пичоқлар, призматик нуклеуслар кўпчиликни ташкил қилади. Улар орасида бир неча нусха баргсимон пайконлар ва тош ускуналар ҳам учрайди. Худди шундай ҳолат Сазағон-2 манзилгоҳида ҳам кузатилган эди. Топилган керамикаси тухумсимон шаклда бўлиб, геометрик чизиқлар билан нақшланган. Умуман олганда, Жангал-1 индустрияси Сазағон-2 маконига ўхшаш бўлиб, шу билан бирга Сазағон ёдгорликлари маданиятига хосдир. Бу ерда ҳам катта бир уруғ жамоаси узок вақтлар давомида кўним топган кўринади.

Тепакул-3 манзилгоҳи Тепакул қишлоғидан 2,5 км юқорида, Тепакул соҳилининг иккинчи террасасида, кенг қия майдонда жойлашган. Манзилгоҳ майдонининг 8 жойида 2,5 м гача чуқурликда стратиграфик шурфлар солиниб, яна 16 м² майдон очиб ўрганилган. Маконнинг асосий майдонида тегинилмаган маданий қатлам сақланган бўлиб, ҳаммаси бўлиб ёдгорликдан 1400 га яқин ашёвий далиллар қўлга киритилган. Бу макондан топилган тош куруллар ва сопол идиш парчалари ҳам Сазағон-2 маконига айнан ўхшаш. Маданий қатламларда тош куруллар билан бир вақтда кўмир, кул қолдиқлари, ҳайвонот дунёси суяклари, сопол идиш парчалари учратилган. Тепакул-3 тош куруллари коллекцияси бошқа манзилгоҳларга нисбатан асосан микролит характерида эга.

Сазағон маданиятига тегишли маконларни ўрганадиган эканмиз, ибтидоий уруғ-жамоаларининг Ўрта Зарафшон бўйлаб яшаш ҳаёти манзарасини кўз олдимизга келтиришга имконият беради. Қоратепа-Сазағон тоғолди даралари билан боғлиқ сойларнинг террасалари бўйлаб, бир неча она уруғдош жамоалари ўз қишлоқ ва кулбаларига эга бўлиб яшаганлар. Уларнинг ҳаёти овчилик ва термачиликдан иборат бўлиб, тоғ эчкиси, қуён, бўри, айиқ, тўнғиз, жайрон, кийик каби майда туёқли жониворларга ов қилишганлар. Эчки суягининг мўл топилишига қараганда, бу уруғдошлар майда туёқли ҳайвонларни хонакилаштиришган бўлишлари эҳтимолдан узок эмас. Агар биз Дарбозақир, Калтаминорликлар турмушини эслайдиган бўлсак, Қоратепа тоғи даштларида яшаган ва Сазағон маданиятига тегишли жамоалар ҳам ўз кулбаларига эга бўлганлар. Мезолит ва неолит даври тош асрида яшовчи уруғ-жамоаларининг энг гуллаган даври ҳисобланади. Сазағон маданиятининг келиб чиқиш кўҳна илдизларини Самарқанд сўнгги палеолит маконидан излаш илмий жиҳатдан адолатлидир. Бу эса Зарафшон водийсида мустъер давридан бошлаб, маҳаллий асосда, узлуксиз тараққий бўлганлиги

манзарасидан гувоҳлик беради. Сазағон маданиятига тегишли маконлардан ёрғучоқ, кели сопи, қадаматош қуролларининг топилиши ва хонаки чорвачиликнинг мавжудлиги бу жамоаларда ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқариш хўжалигига ўта бошлаганлигидан гувоҳлик беради.

5. 2. Зарафшон водийсининг қуйи воҳаларида яшаган уруғ-жамоалар ҳаёти

Зарафшон водийсида олиб борилган археологик изланишлар водий худудининг тош асрида, айниқса, неолит даврида кенг ўзлаштирилганлигидан гувоҳлик беради. Дарҳақиқат, мезолит ва неолит даврларида нафақат Зарафшон дарёсининг ўрта ҳавзаси, шунингдек, тоғ сойларининг аجدодлар кўним топишига қулай чакалакзорларга бой ҳавзалари ҳам ўзлаштирилди. Балки унинг қуйи ҳавзалари ҳам овчи қабилалар эътиборидан четда қолмаган. Милл. авв. IV минг йилликнинг бошларидан Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларига ҳам келиб ўрнашдилар.

Ҳар икки ҳолатда ҳам қадимги аجدодлар эътиборини Ўрта Осиёнинг азим дарёлари – Амударё ва Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида ҳосил бўлган ўлжага бой табиий чакалакзорлар ва балиққа сероб кўллар ўзига тортган эди. Шу боис, мезолит ва неолит даври ёдгорликларини Қизилқум ичра Орол денгизи томон таралган дарё ва сой бўйларида, улар йўналиши бўйича таркиб топган катта-кичик кўл ёқаларида, тақир ёки қум устида мавсумий манзилгоҳлар сифатида учратиш мумкин.

Қадимги Хоразмда археологик тадқиқот ишларини кенг кўламда ташкил эта олган буюк олим С.П.Толстов нафақат Жонбос IV манзилгоҳини ҳар томонлама синчиклаб ўрганиш билан кифояланди, балки унинг фавқулудда бой материалларига асосланиб, бутун Хоразм воҳаси неолит даври уруғ-жамоалари ёдгорликларини Калтаминор номи билан фанга киритди. С.П.Толстов ўзи яшаган вақтда Калтаминор маданиятини икки босқичга ажратди ва унинг биринчи босқичи Жонбос IV ва унга тенгдош ёдгорликлар бўлиб, уларнинг йил санаси мил. авв. IV минг йиллик билан белгиланди. Калтаминор маданиятининг иккинчи босқичи Саксаул ёдгорликлари бўлиб, уларнинг йил санаси мил. авв. III минг йиллик билан белгиланган.

С.П.Толстов вафотидан кейин унинг шогирди А.В.Виноградов Қизилқумнинг жанубий-ғарбий районларида кенг кўламли изланишлар олиб бориб, Калтаминор маданиятига тегишли қатор манзилгоҳларни топиб ўрганди. У Зарафшон дарёсининг Қизилқум оралаб қачонлардир гуркираб оққан Дарёсой ўзанининг Аяк-Гитма районида маданий қатлами яхши сақланган бошқа бир ёдгорликни топиб, у жойда доимий қазилмалар ўтказди. А.В.Виноградов Калтаминор маданияти ёдгорликларига тегишли янги археологик комплекслар таҳлили остида унинг Дарёсой босқичи мавжуд эканлигини илмий асослади ва унинг йил санаси мил. авв. V минг йилликка тегишли, деган хулосага келди. Эндиликда Калтаминор маданияти уч босқичга бўлинади. Унинг илк босқичи Дарёсой бўлса, Жонбос IV босқичи

Калтаминор маданиятининг гуллаган босқичи, Саксаул ёки Қамишли босқичи эса унинг якуний босқичидир.²³

Узоқ йиллар С.П.Толстов билан бирга Қадимги Хоразмнинг турли даврларига оид археологик ёдгорликларини ўрганишда бой тажриба орттирган биринчи ўзбек археологи Я.Ғ.Ғуломов Бухоро воҳаси тарихини ўрганиш мақсадида Зарафшоннинг қуйи ҳавзаси районларида 1950 йилда Моҳондарё археологик экспедициясини ташкил этади. Бу экспедиция Қизилкум оралаб то Амударёгача етиб борган Зарафшоннинг қадимий ўзанларидан бири – Моҳондарё йўналиши бўйича изланиш ишларини олиб бориб, Моҳондарё йўл-йўлакай ҳосил қилган катта-кичик кўллар соҳилларидан неолит ва бронза даврларига тегишли манзилгоҳ ва қабристонларни топади. Унгача Бухоро воҳасида қидирув ишлари ва қазишмалар олиб борган археолог В.А.Шишкин бу ерларда ибтидоий жамоалар яшаганлигига шубҳа билан қараган, ишонмаган эди. Аммо Я.Ғ.Ғуломов археологик қидирув ишларининг биринчи йилларидаёқ Моҳондарё ўзанларидан бири Гурдуш йўналишида ҳосил бўлган Зомонбобо кўли шимолий соҳилидан энеолит ёки илк бронза даврига тегишли қабристонни топди. Яқин атроф маҳаллий аҳоли орасида Катта тузкон, Кичик тузкон, Қоронги шўр номлари билан аталувчи кўл соҳилларидан неолит даврига оид тош қурол ва сопол парчалари териб олинади.

Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларида акад. Я.Ғ.Ғуломов бошлаган илмий изланишларни унинг шогирдлари Ў.Исломов (неолит даври) ва А.Аскарлов (бронза даври)лар давом эттирадилар. 1958-1963 йилларда Кичик тузкон, Катта тузкон, Қоронги шўр соҳиллари бўйлаб 100 га яқин неолит даврига тегишли манзилгоҳлар топиб ўрганилди.²⁴ Шунингдек, айнан археологик изланишлар Қашқадарёнинг қуйи ҳавзаларида ҳам олиб борилди ва ўнлаб неолит даври ёдгорликлари топиб ўрганилди. Биргина Катта тузкон атрофида 35 та манзилгоҳ топиб ўрганилди.

Неолит даври манзилгоҳлари Кичик тузкон, Эчки Қирон, Қоронги шўр атрофларидан, Пайкент ва Қумсултон ва Каптарни қуми туманларидан ҳам топилган. Уларнинг барчасида маданий қатлам сақланмаган. Манзилгоҳларнинг марказий қисмида материаллар уюми қалашиб ётганлиги кузатилган. Илмий кузатувларга кўра, манзилгоҳларнинг барчаси мавсумий характерга эга бўлиб, уларнинг жойининг тез-тез алмашиб туриши кўл соҳили сувларининг ўзгариб туришига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам балиқ ови билан шуғулланган уруғ-жамоаларининг мавсумий манзилгоҳларида тегишли маданий қатламлар пайдо бўлиб улгурмай, турар-жой манзиллари ўзгариб турган. Агар манзилгоҳларни сув тошқини туфайли бир неча бор лойқа сув босиб улгурган бўлса, у ҳолда маданий қатламнинг қалин лойқа остида сақланиб қолишига умид қилса бўларди. Аммо уларни топиш ҳам осон кечмайди. Калтаминор маданиятининг Қуйи Зарафшон ёдгорликларини

²³ Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. –М., 1981.

²⁴ Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскарлов А.А. Первобытная культура и орошаемое земледелие низовьев Зарафшана. –Ташкент, 1966.

ўрганиш билан шуғулланган археолог Ў.Исломов Катта тузкон ёдгорликлари мажмуасида икки пунктда маданий қатлам сақланганлигини аниқлашга муяссар бўлди. Улар Дарвозақир I ва Дарвозақир II лар эди (16-17 расмлар).

Дарвозақир I Катта тузкон кўлининг шимолий-ғарбида жойлашган. Бу маконда кумлоқ жой устига қурилган чайла-кулба ва унинг маданий қатлами бизгача сақланиб қолган. Маданий қатламнинг айрим жойлардаги қалинлиги 30-40 см. Маконнинг 250 м² майдони қазиб ўрганилди ва жуда бой материаллар топилди. Меҳнат қуроллари орасида 2 та тош ойболта, тери шилгич қирғич, бигиз, ранда, тош парма ва бошқалар бор. Маданий қатламдан ўчоқ қолдиқлари топилган. Маданий қатламда иккита тош болта, тўлқинсимон нақшли сопол бўлаклари ва ҳайвон суяклари учрайди. Суяклар тулки, жайронларга тегишли эканлиги аниқланган. Топилган чайла деярли тўғри тўртбурчак, майдони 7x11,6 м шаклда бўлиб, унинг ҳажми 81 кв метрни ташкил қилади. Чайла тақирга ўйиб ўрнатилган ёғоч устунлар устига қурилган бўлиб, ички қисмида ўчоқ излари топилган. Чайла ташқарасида жойлашган ўчоқ ҳажми 120x40 см. Бундан ташқари, чайла атрофининг 5 жойида гулхан излари топилган. Шундай қилиб, Дарвозақир манзилгоҳидан чайла қолдиғининг топилиши Зарафшон куйи ҳавзаларида неолит даврида истиқомат қилган ибтидоий аجدодлар маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида уларнинг кундалик турмуш тарзини ўрганишда ноёб ҳодисадир.²⁵

Дарвозақир II манзилгоҳи Катта тузкон кўлининг шимолий соҳилида жойлашган. Унинг маданий қатлами 20-25 см дан иборат. Манзилгоҳнинг 208 м² майдони қазиб кўрилган. Унинг бир қатлами маданий горизонтга эга бўлиб, чайла қолдиқлари топилган. Чайла атрофида гулхан излари кўп учратилган. Умуман, манзилгоҳдан 22 ўчоқ излари топилганига қараганда, маконда бир неча экзогам уруғ қариндошлар яшаган. Макондан 584 та тошдан ишланган предметлар топилган (18-23 расмлар). Уларнинг 35 % кўшимча ишлов берилган турли қуроллардан иборат. Улар орасида тош тешгич, тош бигиз, призматик ўзаклар кўп. Топилган сопол идишлар тўлқинсимон нақшлар билан безалган. Бу ёдгорлик Зарафшон ҳавзасидаги калтаминор маданияти ёдгорликлари орасида энг қадимгиси ҳисобланади. Бу жамоалар уруғ-уруғ бўлиб, катта оилаларга бўлиниб, чайла кулбаларда яшаганлар, майда ҳайвонларга, паррандаларга овчилик, терим-термачилик ва кўл, дарё ёқаларида балиқчилик билан ҳаёт кечиришган. Уларнинг бу тараққиёт босқичи она уруғининг гуллаган даврига тўғри келади.

5. 3. Зарафшон водийси уруғ-жамоаларининг тош устахоналари ва шахта конлари

Ибтидоий тўда даврининг охириги босқичларидан бошлаб, одамзод жамоалари меҳнат қуролларини ишлаб чиқиш хом ашёсига бўлган эҳтиёж кучаяди. Археологик нуқтаи назардан қаралганда, қадимги тош даврининг мустъер ва сўнгги босқичи, мезолит ва неолит даврлари ибтидоий одамлар ҳаётида юз берган туб иқтисодий, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар билан

²⁵ Джуракулов М.Д. Кўрсатилган асар. 36-38-расмлар.

характерланади. Бу даврда одамзод аждоди табиий-географик шароити ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун хомашё ресурслари тақозо этган минтақаларда анъанавий ўзлаштирувчи хўжалик шароитида ҳам техникавий кашфиётлар қилганлар.

Ана шундай кашфиётлардан бири Навоий вилоятининг Кармана тумани Қоратов тоғ тизмасининг Воуш тоғи жанубий ёнбағирларида қилинган. Бу жойда саноатнинг ибтидоий ишлаб чиқариш динамикаси билан боғлиқ объектлар комплекси жойлашган бўлиб, бу жойда 1958 йилда археолог М.Р.Қосимов археологик изланишлар ўтказиб, Ижонд ва Учтут қишлоқлари яқинида чакмоқтош устахонаси ва чакмоқтош хомашёси «конлари»га дуч келди.

Воуш тоғи жанубий ёнбағирларида тош устахонаси топилган. Учтут қишлоғи яқинидан топилган бу устахона майдонидан палеолитнинг мустьер ва сўнгги босқичига доир чакмоқтош парақалари ва учириндилари топилган. Демак, Учтут устахонаси узок даврлар давомида қуролсоз усталарнинг бирламчи қурол ясаш макони бўлган. Бу жойдан неолит шахталари ҳам топилган. 1958-1966 йилларда 13 та шахта очиб текширилган (24-25 расмлар).

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, қадимги қуролсоз усталар чакмоқтошга ишлов бериш техникасини мукаммаллаштириш йўлида мақсадли изланишлар олиб борган ва «Эксприментал» тажрибалар натижаси ўлароқ чакмоқтош хусусиятларини ўрганишда катта ютуқларга эришган, яъни иссиқда чаннаб ётган чакмоқтошдан кўра нам тортган чакмоқтошдан қурол ясаш бир неча марта осон кечишини кашф қилганлар. Экспримент натижаларига кўра, ҳақиқатда қуёш ҳароратида чаннаб ётган чакмоқтошдан кўра ўзига нам тортган чакмоқтошдан истаган шаклда қурол ясаш осон кечган ва хомашёни тежаш мумкин бўлган.

Ёдгорликни ўрганган Т.Мирсоатов экспериментал натижалар ўтказиб, бу усулга кўра, Учтут ва Ижонд ёдгорликлар комплексини чакмоқтош хомашёсини топиш услубига асосланиб, 3 хил объектларга бўлиб ўрганади. Улардан икkitаси хомашёни қазиб олиш билан боғлиқ конлар, биттаси меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш устахонаси бўлган. Изланишлар натижасида объектларга бўлиб ўрганиш қуйидаги манзарани берди: биринчи объект ер юзасида сочилиб ётган чакмоқтош бўлакларидан меҳнат қуролларини ясаш устахонаси. Унинг тахминий майдони 320 м^2 ; иккинчи объект – хомашёни очик жойда археологик қазилмалар ўтказиш йўли билан олиш устахонаси. Унинг тахминий майдони 3200 м^2 ; учинчи объект – неолит шахталари. Унинг майдони 4480 м^2 (26-расм).

Тош устахонаси майдонида 3 мингдан ортиқ чакмоқтош парчалари ичидан 79 та меҳнат қуроллари ажратиб олинган. Иккинчи объектдан 5400 дан ортиқ тош предметлари топилиб, улар орасида 403 та меҳнат қуроллари ва 17 та ўроқлар борлиги аниқланган. Учинчи объектда 38 та неолит шахталари ўрганилиб, уларни қазиш вақтида топилган 103 минг 400 га яқин чакмоқтош предметлари орасида 2279 та тош қуроллари ва 240 та ҳайвон

шоҳларидан ясалган қуроллар борлиги аниқланган. Бу уч хил объектлардан топилган меҳнат қуролларининг шакли ва характери, ишланиш техникасига кўра, улар тош даврининг тўрт хронологик босқичларига – мустьер, яқори палеолит, мезолит ва неолит даврларига тегишли эканлиги аниқланган (27-расм). Бу атрофда яшаган аجدодлар дастлаб ер сатҳида сочилиб, ушалиб ётган чакмоқтошлардан қурол ишлаб чиққан бўлсалар, кейинчалик ер қаъридан чакмоқтош хомашёсини қазиб олиб фойдаланишга ўтганлар. Чунки нам тортган тошдан қурол яшаш анча енгил кечган. Хомашё олишликнинг учинчи босқичида аجدодлар шахта йўли орқали бир неча метр қалинликдаги соз тупроқ остида ётган чакмоқтош хомашёсини қазилмалар ўтказиш йўли билан она жинсдан кўчириб оладилар. Ер қазил ишлари эса тош болғалардан ташқари, ҳайвон шоҳлари ва дўлана ёғочидан ишланган қуроллар ёрдамида бажарилган. Бу ҳақда қазилма майдонларидан топилган ёғоч ва шоҳ «Кирка»ларнинг қолдиқлари далолат беради.

Очиқ майдонда тошлоқ тупроқ қатлами остида ётган чакмоқтош хомашёсини қазиб олиш вақтида юқори палеолит ва мезолит даврларига тегишли тош қуроллари топилган. Улар орасида, юқорида айтилганидек, 400 дан ортиқ ер қазувчи, тош кўчирувчи тош «кирка»лардан ташқари ўзақлар ва бошқа меҳнат қуроллари ҳам бўлган.

Учтут шахталари асосан неолит даврига тегишли бўлиб, уларнинг 100 дан ортиқ излари Учтут қишлоғи яқинидаги Воуш қоялари остида ҳосил бўлган неоген қатламлари майдонларида бизгача сақланиб қолган. Ташқи сатҳи айлана чуқурча шаклида кўзга ташланган шахталардан ташқари, троншея линиясида шахта чегара излари пастроқда намоён бўлган шахталар ҳам борлиги аниқланган. Шахталар конструкциясига кўра уч гуруҳга – куюксимон, бир камерали ва пиллапояли кўп камерали шахталар бўлган. Айрим шахталардан оғирлиги 28 кг дан кам бўлмаган нуклеуслар учратилган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, шахта қазил ва ундан тош хомашёси маҳсулотларини кўчириб олиш билан махсус профессиоаналлар шуғулланган, меҳнат қуроллари ишлаб чиқиш билан эса бошқа устахона жамоаси шуғулланган.²⁶

Учтут шахталарини ўрганиш «неолит инқилоби» билан боғлиқ инсоният тарихида, унинг кундалик ҳаётида илк бор таркиб топган кашфиётлардан бири бўлиб, айнан шу даврдан бошлаб, аجدодларимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Учтут шахталарини ўрганиш жараёнида аجدодлар ҳаётида юз берган биринчи ижтимоий меҳнат тақсимотининг илк куртаклари неолит давридан бошлаб ниш ура бошлайди. Бу ўзбек халқи ўтмиш тарихида юз берган инқилобий ҳодиса бўлиб, унинг жаҳон тарихи ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаларининг дебочаси эди.

²⁶ Мирсаатов Т. Древние шахты Учтута. –Ташкент, 1973; Горные разработки в эпоху камня. –Ташкент, 1977.

5. 4. Никоҳ ва оила масаласи ҳақида

Ибтидоий никоҳ ва оила ҳақида сўз борганда шуни эслатиш лозимки, бу тарихий жараёни жаҳоннинг барча халқлари ўтмишдошлари ўзларининг ижтимоий ва маданий тараққиётига, даражасига нисбатан бошдан кечирган. Тўғри, бу ўтиш даври дунёнинг барча вилоятларида, минтақаларида бир зайдда кечмаган бўлса-да, лекин ибтидоий никоҳ ва оила шакллари ўз бошидан кечирган. Зарафшон ҳавзаси ибтидоий давр оила ва никоҳ шакллари бундан мустасно эмас. Шу боисдан бу масалани умумий, тарихий тараққиёт йўналишида кўриб чиқиш тўғрироқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Экзогамия никоҳ тизимининг вужудга келиши билан никоҳ оила пайдо бўлди. Эндиликда бу ижтимоий институт жинслар орасида ҳамда авлод қолдириш муносабатларни тартибга келтириш аломатлари бошланди. Никоҳ ва оила шаклининг қачон келиб чиқиши ҳақидаги масала охиригача ечилган эмас. Л.Г.Морган ўз вақтида бирин-кетин бир-бири билан алмашиб ўтган 5 та оила шаклини ўз асарларида келтириб ўтган эди. Булар: қон-қардош, пуналуа, жуфт, патриархал ва моногом оилалар бўлиб, улардан биринчи иккитаси гуруҳий никоҳ эканлиги таъкидланган. Бироқ бу таълимот жиддий қаршиликка учради. Пуналуа оила ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги никоҳ аслида миссионерлар томонидан ўйлаб топилган сафсата эканлиги маълум бўлди. Ҳозирги замон олимлари дастлабки тарихий оила шакли жинслар орасидаги муносабатларни тартибга тушира бошлаган никоҳ шакли экзогам – дуал жамоаси гуруҳвой никоҳидан иборат эканлиги ёқлаб чиқилмоқда. Бу дегани бир уруғнинг барча аъзолари бошқа бир уруғ аъзолари билан никоҳга ўтишдан иборат эди. Яъни бир гуруҳ уруғ ичида ўзора никоҳнинг ман қилиниши эди. Бу дегани, қавм-қариндошлар ўртасида никоҳнинг ман этилиши, икки бошқа-бошқа уруғ гуруҳлари орасида никоҳнинг бўлиши эндогамия (юнон: бошқа йўналишдаги никоҳ) ҳисобланиб, эр-хотинлик умумийликдан иборат эди. Бу ҳақда сўнгги даврларда ҳам сақланиб қолган этнографик материаллар мавжуд. Масалан, австралияликларда (Ғарбий Виктория) бир қабила иккига – оқлар ва қораларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири орасида никоҳ кескин ман қилинган. Шунинг билан бир вақтда бир гуруҳнинг эрлари ўзлари туғилишдан бошлаб бошқа бир гуруҳдаги аёлларнинг эрлари ҳисобланган ва аёллар учун ҳам шундай аксинча никоҳ аломатлари ўрнатилиб, бу тизим бошқа австралиялик қабилаларда ҳам мавжуд эди. Айрим байрамларда ҳар бир эр ва хотин хоҳлаган кишиси билан муносабат боғлаши мумкин эди.

Илк уруғ-жамоаларида ҳамон жуфт оила ўзининг мустақиллигига эга эмас эди. Тўғри, айрим хўжалик функцияларини бажариб турган бўлса-да, эркак ҳам, аёл ҳам ўз уруғи билан доимий алоқада бўлиб, ўзининг маҳсулотига эга эмас эди ва туғилган бола онага ва шу уруғга тааллуқли эди. Австралияликларда гуруҳвой никоҳ институтининг яна бир бошқа сарқити сақланиб қолган эди. Эркак ҳам, хотин ҳам ўзининг асосий никоҳдагисидан ташқари «қўшимча» хотини ёки аёлнинг «қўшимча» эри бўлиши мумкин эди. Айнан шунга ўхшаш никоҳ аломатларини яна бир бошқа қабилада –

Н.Н.Миклухо-Маклай ёзиб қолдирган Малаккалик семангларда кузатиш мумкин эди. Эрга теккан қиз бола бир неча кун ёки бир неча ҳафта ўз эри билан бўлиб, яна ўзининг аввалги эри ихтиёрига қайтиб келиши мумкин эди. Шундай қилиб, бу аёл гуруҳдаги барча эркаклар билан жинсий алоқада бўлиб, яна ўз эрига қайтиб келиши ва хоҳлаганча бирга яшаши мумкин эди. Айнан шундай ҳолатни эркак киши ҳам такрорлаши мумкин эди. Тахминан, барча қолоқ қабилаларда шундай гуруҳвой никоҳнинг сарқитларини кузатиш мумкин эди. Бундай тизим алоҳида индивидуал характерга эга бўлмай, гуруҳвой тамойилга эга эди. Масалан, австралияликлар аборегенка қиз билан туғишган она деб нафақат ўз онасини, шу билан бирга шу гуруҳдаги барча хотинларни ҳам она деб биларди. Шунингдек, нафақат ўз никоҳдаги эрини, балки гуруҳдаги бошқа эркакларни ҳам эрим деб биларди. Ўғлим деб нафақат ўз ўғлини, шунингдек, гуруҳдаги барча хотинларнинг ўғилларини ҳам ўз ўғлим деб биларди. Бундай тизим гуруҳвой никоҳнинг аломати эди ва уларнинг бир-бири билан қавм-қариндошлигида эди. Шундай этнографик маълумотлар ҳам борки, туғилган болани ўз онасидан ташқари бошқа бегона аёлни эмизиши одат тусида эди.

Дуал – гуруҳвой никоҳ шакли никоҳ ва жинсий муносабатларни бир қатор тартибга туширишга олиб келди. Шунинг билан бирга ижтимоий соҳаларда тартибга тушиш масалаларининг кўп жиҳатлари очик қолди. Экзогамия никоҳ масаласини уруғдан ташқарига чиқарди, бироқ шунинг билан бирга қизғончиқлик асосидаги бир-бири билан келишмовчиликларга барҳам берилмади. Эндиликда никоҳ аломатларининг гуруҳда янада торайиб бориши тақозо қилинарди. Шу тарзда куёв ва қайнона ёки келин билан қайнота ўртасидаги тартибсиз жинсий муносабатлар секин-аста ман қилина борди. Гуруҳвой никоҳ ва унинг аралаш жуфт никоҳи уруғ-жамоасининг иқтисодий манфаатини кўзларди. Кўпгина қолоқ қабилалар турмушида одатда гуруҳвой никоҳ қолдиқлари эмас, балки жуфт никоҳ сарқитлари кўпроқ кузатилган. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон этнограф олимларнинг кўпчилиги гуруҳвой никоҳни реконструкция қилиш етарли эмас, оила никоҳ муносабатлар тарихи бевосита жуфт оиладан бошланишини эътироф қилишмоқдалар. Масалан, археологлар палеолит даврида айрим оилаларга тегишли кулбаларнинг топилиши натижасида жуфт оиланинг дастлаб пайдо бўлганлигини айтишмоқдалар. Кўпгина олимлар жуфт гуруҳвой никоҳнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳам фикр билдиришмоқдалар.

5. 5. Уруғ, оила ва жамоа масаласи нисбати

Бу масала ҳақида фанда икки хил нуқтаи назар мавжуд. Шулардан биринчиси аввал Л.Г.Морган гуруҳлаганидек ибтидоий классик жамиятнинг бошланғич босқичи уруғ ҳисобланади. Уруғ дастлабки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ячейкаси ҳисобланган. Биз юқорида кўриб ўтгандек, уруғнинг асосий хусусиятларидан экзогамия бўлиб, уруғ аъзолари бошқа уруғ билан никоҳга ўтган. Аммо бошқа нуқтаи назарга эга тадқиқотчилар дастлабки никоҳ дислокальный, яъни ўз уруғидан бошқа уруғга бормасдан бир уруғ жамоасида бирга яшашган, деган тахминларни илгари қўймоқда.

Никоҳ аломатлари фақат учрашувларда содир бўлиб, аслида улар ўз уруғ жамоаларида яшаганлар, дейилмоқда. Аммо ҳар бир уруғ ўзининг ерига эга бўлганлигига қараганда, у бошланғич ижтимоий-иқтисодий ячейка ҳисобланган. Айрим этнограф олимлар уруғ фақат никоҳ-оила муносабатларини мувофиқлаштириб турган, ижтимоий-иқтисодий ячейка уруғ жамоаси ҳисобланган, деган дунёқарашга эга.

Аслида уруғ жамоаларида асосий бирликни унинг қавм-қариндошлари ташкил қилган бўлиб, бу уруғга кирмаган эрлар ёки аёллар ҳам шу бирлик аъзоси ҳисобланарди. Қавм-қариндошлар нафақат муайян уруғнинг асосини ташкил қиларди, балки унинг ҳақли аъзолари ҳам ҳисобланарди. Шундай қилиб, никоҳга ўтишда қавм-қариндошлар бутун уруғ жамоасининг тўртдан уч қисмини ташкил қиларди ва бегоналар эса 25 % ни ташкил қиларди. Демак, бу ҳолат жуфт никоҳнинг ҳали мустаҳкам эмаслигини кўрсатмоқда. Айрим тадқиқотчилар фикрича, классик ибтидоийликнинг ижтимоий-иқтисодий асосини ибтидоий уруғ эмас, ибтидоий жамоа ташкил қилади. Сабаби, экзогамия никоҳ муносабатлари билан эр ҳам, аёл ҳам бошқа уруғга ўтиши муносабати жараёнида қавм-қариндошлар билан алоқани йўқота борарди. Демак, уруғ жамоалари бошқалар ҳисобига кенгайиб бориб, жамоанинг асосий ячейкасини ташкил қилган. Хуллас, уруғдан уруғ жамоаси келиб чиқади.

5.6. Уруғ – қабила ташкилоти ва дастлабки ҳокимиятнинг ташкил бўлиши

Дуал шаклидаги экзогамия оиласининг ташкил топиши ибтидоий жамиятнинг бирмунча мустаҳкам структурасини ташкил қилишга олиб келди. Аввалги ҳамон оморф шаклидаги илк гуруҳвой жамоа ўрнига бирмунча мустаҳкам уруғ-жамоаси вужудга келди. Шунинг билан бир вақтда ибтидоий жамият бир қатор мураккаб тизимга эга бўлди: икки дуал – экзогам уруғ янги ижтимоий жамиятнинг пайдо бўлишига олиб келди, яъни қабилани келтириб чиқарди. Қабила дастлабки вақтларда ягона мустаҳкам бирлашма эмас эди. Чунки бошланғич даврларда овчилар ва теримчилар бир жамоадан иккинчисига ҳар хил йўллар билан ўтиб туришганлар. Масалан, улар бир-бирларига ов маҳсулотларидан совғалар қилиб турган, байрамларда жамоа бошлиқларини зиёфат билан сийлаб туришганлар. Бироқ аста-секин алоқалар мустаҳкамланиб борди. Бунинг учун никоҳ муносабатлари ҳар доимгидан кенгроқ олиб борилди, хўжалик алоқалар тизими йўлга қўйилди, маданий алоқалар кучайди, тил бирлиги муносабатлари мустаҳкамлана борди. Бу жараён археологик манбаларда ҳам кузатилган. Жумладан, мезолит даврига келиб локал, яъни жойли маданият вариантлари ташкил топади. Бу вақтга келиб гуруҳ-гуруҳ манзилгоҳлар пайдо бўлади. Бу ҳодиса эса уруғ-жамоаларининг аста-секин бирлашиб бориб, оқибатда қабилавий бирлашмаларнинг вужудга келганлигидан гувоҳлик беради. Бироқ бу даврда ташкил топган қабилавий бирлашмалар мустаҳкам эмас эди. Шунга қарамасдан қабила ўз номига, ўз ҳудудига, ўз тил шеvasига, ўз маданий турмуш тарзига эга эди. Бироқ дастлабки вақтларда қабилавий бошқариш,

кенгаш, қабила дохийси каби ривожланган қабила бирлашмасини ифода қилувчи бошқарувлар жуда ожиз эди. Шу боисдан уруғ бирлашмаларининг ҳали мавқеи сезиларли даражада юқори эди.

Уруғ дастлабки вақтларда ибтидоий демократия асосида бошқариларди. Унинг юқори органи кенгаш бўлиб, унинг таркибига барча вояга етган қариндошлар кирарди. Ҳаётий зарурий масалалар биргаликда ҳал қилинади. Жумладан, хўжалик юритиш, ижтимоий ва мафкуравий масалалар биргаликда ҳал қилинади. Шунинг билан бирга вояга етган, ақлли, ташкилотчи кишилар алоҳида қадрланиб, уруғ кенгашига уддабурон аёл ёки эркак киши раҳбарлик қиларди. Уруғ бошлиқлари қариндошларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига, шунингдек, ижтимоий тadbирларга раҳбарлик қиларди. Турли вазиятлар юзага келганда, жумладан, келишмовчилик, ҳатто қабилавий тўқнашувларни бартараф қилиш ишларини назорат қиларди. Хуллас, уруғга тажрибали, ибратли, ташкилотчи, уруғ аъзоларининг манфаатини адолатли ҳимоя қиладиган киши бошчилик қилганлиги сабабли ҳам бу ҳодиса дастлабки ҳокимиятнинг ташкил топганлигидан гувоҳлик берарди. Хуллас, бошлиқ ҳокимияти бутун уруғ жамоаси манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган эди.

Уруғ бошлиғи уруғнинг ҳаётий нормаларини, ижтимоий ва маданий, мафкуравий тараққиётини ҳимоя қилиш, унинг уддасидан чиқиш қобилятига эга бўлиши шарт эди. Бошлиқ нафақат ўз уруғи, шунингдек, уруғлараро муносабатларни ўз жойига қўйган ҳолда раҳбарлик қилиши лозим эди. Уруғ тартиби ва анъанларини менсимаган тартиббузарларга нисбатан нафақат насиҳат, шунингдек, мажбурий чоралар кўриларди. Жумладан, калтаклаш, оғир жинояти учун ўлим жазоси, уруғдан батамом ҳайдаб юбориш каби чоралар кўриларди. Масалан, айрим қолоқ қабилаларда ибтидоий уруғ чоралари узоқ асрлар давом этган. Жумладан, австралиялик аборогенларда жамоа манфаатига зиён етказганларни қаттиқ жазолаш нормалари ҳукм сурган. Уларда уруғдошлар орасида бирининг манфаати устун, иккинчисиники паст бўлишига йўл қўйилмас эди. Ҳамма уруғдошлар учун ягона манфаат учун яшаш ва курашиш лозим эди. Аммо ҳали бу бошланғич даврда қатъийлашган муайян тартибдаги норма қоидалари бўлмаган. Чунки ҳали давлатчиликнинг ўзи бўлмаган эди-да.

Ибтидоий уруғ жамоаларида ҳокимиятнинг ташкил бўлиши кейинчалик синфий жамиятда ташкил топган ёки мажбурий давлат ҳокимиятидан жиддий фарқ қиларди. Бинобарин, дастлабки даврларда ҳокимиятчилик ўша даврга хос бўлган умумий қоидалар асосида ҳаракатда бўлган, лекин кишини киши томонидан эксплуатация қилиш нормалари ҳамон йўқ эди.

VI БОБ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ

Ҳозирги замон одамзодининг пайдо бўлиш жараёнининг ниҳоясига етиши билан ибтидоий уруғдошлик жамоаларида ижтимоий ҳаётда кескин ўзгаришлар юз бериб, бу соҳа тараққиёти одамзоднинг маънавий дунёсида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Илк уруғдошлик жамоаларида нутқ, тил тараққиёти, кишиларда билимларнинг тўплана бориши ва санъатнинг энг қадимги тараққиёт босқичи юз берганлигини кузатиш мумкин.

Яқин даврларга қадар одам гуруҳларининг тараққий қилган ибтидоий жамоаларда фойдаланиладиган сўзлар бирлиги ниҳоятда кам, яъни бир неча юз сўздан иборат бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ҳукмрон эди. Этнографик маълумотларга қараганда, нутқ ва сўз бирликлари доимий тараққиётда бўлиб, бу жараён ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ кечган. Масалан, австралиялик аборогенлар 10 мингдан зиёд сўз бирлигини билишган, холос. Бу эса овропалик чўнтак луғатидан кўпроқ сўзларни ўз ичига олган. Тилнинг ривожланиши турли ахборотларнинг кўпайишига олиб келди ва унинг бирлик аккумулятив тўпланини вужудга келтирди. Юқорида зикр этилганидек, тил бирлигини доимий такомиллаштириб ва сўз бирлигининг кучайиб боришига кишиларнинг меҳнат фаолияти, тажрибаларнинг тўплана бориши муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Одамлар аста-секин ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзларини қуршаб олган табиатни билиш, унинг ҳар хил бойликларидан турмушда фойдаланиш, маълумотлар тўплаш каби жараёнларни англай бошлаганлар.

Ибтидоийликнинг илк уруғ-жамоаларида амалий билимларнинг муайян даражада ривожланганлигини кузатиш мумкин. Одамлар ҳаётида медицина, фармокология, таксикология билимларига эга бўлганлар. Масалан, ибтидоий одамлар синган, чиққан, бошқа жароҳатларни даволаш усуллари билишганлар. Мезолит даврига келиб, бош чаноқни очиб кўриш, зарарланган бармоқларни кесиб ташлаб даволаш усуллари қўллашни билишганлар. Улар заҳарли илон чакқан одамларни даволашни билишганлар, ҳар хил ўсимликлардан ёки табиат минералларидан фойдаланиб, беморларни даволашни билишганлар. Узоқ-яқинда яшайдиган жамоа гуруҳларини олов ёкиш, дуд қўйиш йўли билан чақиритиш, огоҳлантириши, хавф-хатар туғилгач, хавфдан огоҳ бўлиш кабиларни билишганлар.

Ибтидоий санъатнинг келиб чиқиш илдизлари ҳам одамларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Дастлабки ёзув белгилари пиктограф шаклида пайдо бўлса-да, бу ҳодиса ҳам ибтидоий санъат билан боғлиқ эди. Сўнгги палеолит даврида Овропа ва Осиёнинг кўпгина манзилгоҳларидан (Костенко, Мальта, Буретто) қуртқа тошдан ёки мамонтларнинг хартум суякларидан ясалган аёллар ҳайкалчаларининг топилиши ибтидоий санъат намуналари эди. Зарафшон водийсида Самарқанд сўнгги палеолит даври маконидан ибтидоий санъат намуналари топилган (2-

расм). Жумладан, макон қазишмалари маданий қатламларидан денгиз чиғаноқларидан ҳамда суякдан ишланган тақинчоқлар, шунингдек, қуёшнинг порлаб турган рамзи кўриниши туширилган доира шаклидаги қайроқтошнинг топилиши ибтидоий санъат намуналари ҳисобланади. Макондан топилган денгиз чиғаноқларининг асл жойи Ҳинд уммони ва Қизил денгиз кўрфазлари ҳисобланади. Бундай чиғаноқларнинг Зарафшон водийсига «келиб қолиши» тасодифий эмас, албатта. Бу ҳодиса ўша замонларда жамоалар орасида ўрнатилган ўзора маданий ва дастлабки айрабош алоқаларининг натижаси бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Илк уруғдошлик жамоаларида скульптура, график тасвирлаш, ҳайвонлар, паррандалар ва ўсимликларнинг суратларини солиш пайдо бўлади. Айниқса, Помир тоғларидаги ғор деворларига битилган ҳайвонот дунёси суратлари, бундан кейинги босқич бўлган мезолит даври маконларида қоятошлар устига солинган Сармишсой, Заравуткамар каби ов манзараларини ифодаловчи суратлар ҳақиқий санъат намуналари ҳисобланади. Кўп ҳолатларда жамоатчилик байрам маросимлари, рақсга тушиш, ҳарбий ва ов манзаралари деярли дунёнинг кўпгина ҳудудларида учрайди. Этнографик маълумотларга қараганда, кўпгина қолоқ қабилалар турмушини ифодаловчи эртақ ва дostonлар, шеърлар, қасидалар тўқилган, халқ қаҳрамонлари, дохийлар ҳақида тўқилган дostonлар авлоддан авлодга етказиб турилган. Мусиқа билан боғлиқ асбоблар: най, доира, сибизға қабилалар жуда эрта ихтиро қилинган санъат намуналардир.

Шундай қилиб, илк уруғ-жамоаларида рационал дунёқараш ва фикрлаш анча ташкил топган. Тўғри, ҳали бундай дунёқараш билан боғлиқ санъат анча ожиз бўлиб, дунё, табиат воқелигини реалистик тушунишда тажриба ва билимларнинг саёзлиги сезилиб турарди. Табиат сирларини билмаслик, содир этилган айрим воқеаларнинг рационал асосини тушунмаслик фантастик, афсонавий тасаввурларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Илк уруғдошлик даврида одамзод ўзларини қуршаб олган табиат муҳитидан ажратолмаганлар, табиат ҳодисаларининг ҳақиқий сирларини тушуниб етмай, афсонавий фикрлар туфайли табиатга ўз таъсирларини ўтказиш мумкин деб тушунганлар. Ана шундай афсонавий тасаввурлардан анимизм, тотемизм, фетишизм, магия каби илк диний қарашлар бўлиб, кўпгина қабилаларда бу тушунчалар узоқ даврлардан бошлаб сақланиб келинади.

Тотемизм номи олганкин қабиласи сўзидан олинган бўлиб, «от - отем» - унинг уруғи маъносини билдиради. Диний қарашнинг бу илк шакли, айниқса, Австралияда яшовчи қабилалар ҳаётида узоқ вақтлар кучли сақланиб келинган. Бу тушунча ўтмиш уруғдошлар билан муайян жамоа ўзларининг аввалдан боғлиқликларини англатади. Шунинг учун ҳам ҳар бир уруғ тотемига эга бўлиб, келиб чиқишларини ўша тотем билан боғлиқ деб тушунганлар. Айтилганидек, ҳар бир уруғ кенгура, қарға, лочин, бўри, айиқлар ҳисобланган ва ўзларининг қавм-қариндош авлодларининг келиб чиқишларини шу тотемлар билан боғлиқ деб тушунишган. Тотемга тегиниш,

зарар етказиш, қарғаш мумкин бўлмаган. Тотемни улар ўз «отаси» ва «катта ака» деб тушунганлар. Тотем гўштини истеъмол қилиш ман этилган, ўлдириш мумкин эмас эди. Ҳар бир уруғнинг тотем анъаналарини, удумларини сақлайдиган маркази бўлиб, у сир сақланган. Хуллас, тотем тушунча қон-қардошлик амалиётини ҳаётда сақлаган ҳолда бу одат айрим қабилаларда узоқ давом этган.

Зарафшон ҳавзасида яшовчи аҳолининг орасида тотемистик қарашларнинг сарқитлари сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Масалан, баҳорда учиб келадиган қалдирғочлар, уй ҳайвонларидан қўй, туя, от каби жониворларни «муқаддас» деб билиб, уларга беҳуда зарар етказишдан тийиладилар. Ҳиндистонда қорамол сути ва гўштини истеъмол қилиш, уларга зарар етказиш ман этилган. Зарафшон водийси аҳолиси орасида руҳларга сиғиниш одатлари сарқитлари ҳам сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин.

Анимизм тушунчаси латинча сўздан олинган бўлиб, жонга, руҳга сиғиниш маъносини англатади. Умуман қаралганда, бу сиғиниш шакли табиатдан ташқари қандайдир сирли кучларга сиғиниш диний шакли бўлиб, жуда қадимги даврлардан эътиборан қўлланиб келинган.

Анимизм таълимотининг асосчиларидан бири Э.Тайлорнинг фикрича, анимистик тушунчалар дастлаб «файласуф ёввойи»ларда туш кўриш, хушидан кетиш, ўлим каби ҳодисалар билан боғлиқ, деган тушунчани илгари суради. Аммо анимистик тушунчаларнинг пайдо бўлиши учун кишиларда, аввало, абстракт фикрлашнинг вужудга келиши лозимлиги тақозо қилинади. Бир гуруҳ олимлар анимистик тушунчаларнинг пайдо бўлишининг илк шаклини оналарга бўлган ҳурматдан, яъни жамоа ўчоғи бошлиғи оналар руҳияти билан боғлайдилар. Бунга мисол қилиб, сўнгги палеолит даври маконларидан топилган оналар – аёллар ҳайкалчаларини тимсол қилиб кўрсатиш мумкин. Анимистик тушунчаларнинг сарқитларини жаҳоннинг барча халқларида, шу жумладан, Зарафшон ҳавзаси аҳолиси ҳаётида ҳам унинг айрим кўринишларини кузатиш мумкин. Бу борада этнографик манбалар бисёр.

Фетишизм – португалча сўздан олинган бўлиб, тумор, талисман маъносини англатиб, жонсиз буюмларга, дарахтларга ва бошқа нарсаларга, хуллас, табиатдан ташқари кучларга сиғиниш, ишониш диний шаклидир. Масалан, муайян меҳнат қуролга, турмуш ашёларига, дарахтларга, тошларга, ғорга ва кейинчалик махсус тайёрланган культ предметга сиғиниш шаклидир. Ибтидоий уруғдошлар бундай предметларда қандайдир сирли куч борлигига ишонишганлар. Масалан, овда омад келтирган найза сирли кучга эга бўлганлиги учун ҳам муваффақият келтиради, деб ишонганлар. Диний қарашнинг бу илк шакли Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ҳам сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Масалан, айрим йиртқич ҳайвонларнинг тишларни тумор сифатида тақиб юриш, тут каби дарахтларни илоҳий кучга эга деб тушуниш каби қарашлар сарқитлари ибтидоий даврдан сақланиб келинган.

Магия сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, жодугарлик демакдир. Одамлар жуда қадимги вақтларда жодугарлик йўли билан ҳар хил афсонавий «дуолар» ўқиш йўли билан табиат ҳодисаларига, ҳайвонларга, ўсимликларга ўз таъсирларини ўтказишга ишонишганлар. Масалан, ибтидоий одамлар айрим ҳаракатлар ва сўзлар ёрдамида табиатга ўз таъсирларини ўтказишга ишонганлар. Масалан, шу каби ҳаракатлар билан ёнғингарчиликни, шамолни чақириш, шунингдек, ўз рақибларига зарар етказиш мумкин деб ўйлаганлар. Хусусан, австралиялик аборогенларда кум устида кенгуру суратини чизиб, унга найза отиш билан овда омад келтиради, деб тушунганлар.

Демак, энг қадимги бу диний тасаввурлар нафақат табиатдан ташқари ҳодисаларга ишониш, топиниш, шунингдек, келажакда сиғиниш культининг пайдо бўлишига олиб келди.

VII БОБ

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ УРУҒ-ЖАМОЛАРИ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИДА ОТАШПАРАСТЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТДА АКС ЭТИШИ

Зарафшон водийси ибтидоий уруғ жамоалари маънавий ва диний ҳаётида борлиқ мавжудотга ҳаёт бағишлаган қуёшга, унинг ердаги парчаси оловга сиғиниш катта аҳамият касб этган. Илм-фан оламида оташпарастлик номини олган бу диний эътиқод излари моддий маданият объектларида ўз аксини топган. Илк диний эътиқодлар-тотемизм, анимизм, фетишизм ва шаманизмдан оловга топинишга ўтиш аجدодлар маънавий ҳаётида улкан прогресс бўлиб, бу диний эътиқод биринчи навбатда деҳқончилик ва чорвачиликнинг кашф этилиши билан боғлиқ эди. Айниқса, қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларида оташпарастликнинг излари – меҳроблар, ибодатхоналар ва улар билан боғлиқ ашёвий предметларда ўз аксини топган. Шунинг учун бўлса керак, Зарафшон водийсининг илк деҳқончилик маданияти ҳисобланган Саразмда оташпарастлик объектлари яққол кўзга ташланади.

Саразмда Саразм II босқичидан бошлаб уй-жой комплексларида махсус алтарли эътиқод хоналари пайдо бўлади. Масалан, Саразмда маҳобатли платформа устида аниқ режа асосида қурилиб, 12 та хоналарни ўз ичига олган яхлит монументал бино комплекси очилади. Улардан тўрттаси квадратнинг узунаси бўйлаб коридор шаклида қад қўтарган, бинонинг марказий қисмини қолган 8 та хоналар эгаллаган. Улар бир-бирларига параллел қилиб қурилган тўрттадан хоналарни ташкил этади. Қурилиш режасида геометрик симметрияга қатъий амал қилинган, яъни уларнинг тўрттаси квадрат (3х3 м.), қолган тўрттаси эса тўғри тўртбурчак (3х3,75 м.) шаклида. Уларнинг баъзиларида (3,4 хоналар) девор ичига ўчоқлар жойлаштирилган (худди ўзбек хонадонининг уйлари сингари), биттасининг марказида айлана шаклидаги алтар топилган (30-33 расмлар).

Бинонинг монументал, қатъий режа асосида махсус платформа устида қад қўтариши унинг ижтимоий диний характерини белгилайди. Бино

хоналаридан иккитасида (3,4) девор ичига жойлаштирилган оилавий ўчоқларнинг мавжудлигига қараганда, бино умумсаразм жамоасининг ибодатхонаси бўлмаса ҳам, ҳар қалай, у бронза даври қабила сардори-кависининг қароргоҳи бўлган бўлиши мумкин.

Саразмда умум саразм жамоа ибодатхона комплекси тўртинчи қазишмадан топилади. Улар учта эди, уларнинг биттаси сўнгги энеолит (Саразм II) ва иккитаси бронза даврига (Саразм III ва Саразм IV) тегишли бўлиши керак. Бронза даврига оид ибодатхоналардан бирининг майдони 200 кв. метр бўлиб, 5 та бир сафда турган хоналардан иборат. Уларнинг шарқий деворлари узунасига, оралари 1,5 м. масофадаги пилястрлар (бир томони деворга кирган тўрт қиррали устун) билан безатилган. Ибодатхона комплексида 5-хона меъморий жиҳатдан бошқалардан ажралиб туради. Унинг майдони 75 кв. м, марказида икки ғишт баландлигидаги таг супа устига диаметри 1,25 см келадиган думалоқ алтар жойлаштирилган. Бу Саразмда очилган алтарларнинг энг каттаси. Ушбу объект ўзининг режавий таркибига кўра, хонаки ибодатхонали турар-жой комплекси эмас, балки бу катта бино мажмуаси фасад қисми пилястрлар билан жиҳозланган ибодатхона бўлиб, у ижтимоий-диний характерга эга.

Қолган ибодат объектлари уч ва тўрт хонали бинолардан иборат бўлиб, уларнинг хоналаридан бирида айлана ёки квадрат шаклидаги алтарлар учрайди. Алтарли хона деворлари ва поли кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ бинолардан фарқли ўлароқ, қизил оҳра билан бўялган. Учинчи культ марказида комплекснинг марказий қисмини эгаллаган хонага (учинчи культ марказида 2-хона) катта ҳажмдаги квадрат (100x105см) алтар жойлаштирилган. Квадрат алтарнинг ўртасида диаметри 20 см дан кам бўлмаган косасимон чуқурча бўлиб, унинг косасида кул излари бор.

Меҳроб яқинидаги хона полига овал шаклидаги тош ёрғучоқ ўрнатилган, унинг атрофи эса катта-катта қайроқ тошлар билан ўраб олинган. Бу ёрғучоқ тош қандайдир диний урф-одат, эътикод билан боғлиқ “қурбонлик тоши” бўлса керак. Бу диний мажмуанинг деворлари полихром рангли нақш билан бўялган. Бино деворлари қизил, ҳаворанг, сариқ ва корамтир-жигарранг рангларда безалган бўлиб, рангли нақшлар горизонтал чизиқлар, геометрик фигуралар, учбурчак ва яримхочлардан иборат. Бу орнаментал услуб Саразмнинг сўнгги энеолит даври сополига характерлидир. Қазишма № 4 да культовой объектларга тегишли яна 4 та хона очилган. Уларнинг ҳам марказий қисмида квадрат шаклида алтарлар топилган. Бу хоналар оилавий ибодатхоналар бўлиши мумкин. Саразмда ижтимоий характердаги культ комплекслари ва қабила сардорларининг маҳобатли қароргоҳларининг пайдо бўлиши, бир томондан, Зарафшон водийсида илк шаҳарсозлик маданиятининг жадал шаклланаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, уларнинг ижтимоий-диний характерининг устуворлигидан гувоҳлик беради, яъни Саразмда ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ва жамоани бошқариш тизими тўлалигича руҳоний сардорлар қўлига ўтади, марказий бошқарув функцияси эса ибодатхоналар қўлида тўпланади. Саразмда бу

тарихий жараённинг шаклланиши археологик материалларнинг комплекс таҳлилига кўра, милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг биринчи ярмида юз берган кўринади. Айнан шу даврда Жарқўтон (Жанубий Ўзбекистон), Дашли (Шимолий Афғонистон), Келели ва Гонур (Жанубий Туркменистон) каби бронза даври ёдгорликларида монументал протозардуштийлик ибодатхоналари, дунёвий характердаги монументал шохона саройлар пайдо бўлади. Бу туб ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар Суғд ўлкасини четлаб ўтиши мумкин эмас эди.²⁷

Зарафшон водийсида оташпарастлик диний эътиқоди яққол кўзга ташланган объектлардан яна бири-Замонбобо маданиятидир (40-42 расмлар). Замонбобо маданиятига доир ёдгорликларнинг ҳар иккаласида ҳам (Замонбобо қабристони ва манзилгоҳи) унинг соҳиблари эътиқоди асосида ривожланиб келаётган оташпарастликнинг элементлари кўзга ташланади, яъни, Замонбобо манзилгоҳи кулбасини қазиб вақтида оташпарастликдан далолат берувчи қуёш рамзининг сопол парчасидаги акси топилган.

Сополга чизилган қуёш рамзи қизғиш рангда доира шаклида бўлиб, унинг иссиқ нурлари қуёш айланаси бўйлаб овал шаклида чизилган ерга нур таратиб турибди. Ергача ёйилиб етиб келган қуёшнинг бу иссиқ нурларидан она замин тобланиб, инсонларга ҳаёт бағишламоқда.

Эътиқод асосида замонбоболикларда руҳий олам борлигига ишониш бор. Замонбоболиклар эътиқодида инсон жони чиққач, унинг руҳи куш каби танадан ажралиб, боқий оламга учиб кетади ва танадан тез-тез хабар олиб туради, деган тасаввурлар мавжуд. Мана шу тасаввурга кўра, замонбоболиклар қабрларга кундалик хўжаликда ишлатилмайдиган митти идишлар, яъни квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклида ишланган сопол қушдонлар қўйганлар. Қушдонларнинг ички қисми иккига бўлинган, яъни қушдоннинг катта қисми дон учун, кичик бир бурчак қисми сув учун режалаштирилган. Мана шу типдаги сопол идишларнинг қабрларда учраши замонбоболиклар руҳий оламининг оташпарастлик билан боғлиқ баъзи бир элементларининг рамзий кўринишидир. Замонбоболиклар ижтимоий ҳаётида оналарнинг роли ҳам нуфузли бўлган. Буни тасдиғи сифатида Замонбобо қабристонидан топилган (№2 қабр) ягона она ҳайкалининг схематик рамзий нусхасини кўрсатиш мумкин.²⁸

Ибтидоий оташпарастларнинг яна бир объекти Самарқанд шаҳридан 16 км шарқда, Зарафшон дарёси бўйидан, Жуков қишлоғи яқинидан топилган. Объектда археологик изланишлар 1987 ва 1992 йилларда олиб борилган. Қазималар вақтида ер сатҳидан 4 м. чуқурликдан диаметри 3,6 метрли тошғов очилади. Тошғов девори харсанг тошлардан таркиб топган фундамент устига қурилган. Тошғовнинг ичидан иккита чуқурча-кулга тўла оловхона топилган. Унинг бирида тошболта, чакмоқтош ўқ учлари, иккинчи оловхонада митти ҳованча сопи топилган (43-44 расмлар). Оловхоналар атрофида митти ҳованча сопининг синиклари, камон ўқининг учлари

²⁷ Джуракулова Д.М. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. –Тошкент, 2011. –Б. 131-138.

²⁸ Аскарлов А.А. Культура Заманбаба в низовьях Зарафшана. ОНУ. –Ташкент, 1962. № 11.

(пайконлар), турли тош қуроллар, суяк ва терракота поделкалари, исириғдон синиғи, дашт қабилалар маданиятига тегишли сопол парчалари сочилиб ётарди. Тошғовнинг ғарбий қисмидан (диаметри 22 см) учинчи оловхона топилиб, унинг ичи оҳрага тўла бўлган. Унинг ичида садафдек оқ майда мунчоқлар ва 2 та қўй ошиғи топилган. Оловхона чуқурчаси усти сопол бўлағи билан беркитилган. Тошғовнинг қолган қисмларида оҳра ва кўмир доғлари, ҳайвон суяклари, суяк ва бронза предметлар, чакмоқтошдан ишланган майда меҳнат қуроллари сочилиб ётган.

Тошғов ичида ҳеч қандай қабр излари ёки одам суяқларининг парчалари ҳам учратилмайди. Тошғов ичидан топилган ашёвий далиллар таркибига қараганда, ушбу объект дашт қабилалари маданиятига тегишли, уларнинг ҳаёт тарзига мос оташпарастлик ибодатхонасига ўхшайди. Муаллифларнинг таъкидлашича, бу жой аجدодларимизнинг энг қадимги ва узоқ вақтлар фаолият кўрсатган очиқ жойдаги “ибодатхонаси” бўлиши мумкин. Чунки бу жойда аجدодлар руҳи ва қуёш худосига атаб қурбонликлар қилинган, муқаддас олов ёқилиб, турли қуроллар ва сопол идишлар синдирилиб, оловга ташланган, қabila худоларига алқовлар айтилиб, олов атрофида турли маросимлар ўтказилган. Демак, тошғов ичидан топилган ашёвий далиллар ва қабр изларининг учрамаслиги, ушбу объектни оташпарастлик дини билан боғлиқ маросимлар ўтказиш мемориал комплекси сифатида талқин этишни тақозо этади. Ёдгорликка бу жиҳатдан ёндашганда, унинг маънавий олами жанубий минтақаларнинг бобо деҳқонларининг оташпарастлик дунёси билан боғлиқ эканлигига ишора қилади. Аммо ушбу объектдан топилган предметлар, айниқса керамика ва унинг орнаментацияси ҳамда унинг тошғов конструкцияси ёдгорликни келиб чиқиш тарихий илдизлари, кўпроқ уни дашт қабилалари маданий дунёси билан боғлиқ эканлигидан гувоҳлик беради. Бу объект Зарафшон водийси археология тарихида Жуков диний мемориал комплекси сифатида ўрин олган.²⁹

Дашти Қазӣ қабристонини ўрганиш иши билан бевосита шуғулланган Т.М.Потёмкиннинг таъкидлашича, Дашти Қазӣда кўмиш маросимининг муҳим элементи сифатида ҳар бир қабр айвонида ёки лаҳад полида олов излари учрайди. Олов қабр ичида унга ўлик жасади қўйилгунга қадар ёнган. Чунки бирор бир скелетда олов излари кузатилмайди. Эҳтимол, бу оташпарастларнинг қайси бир тоифаси удуми билан боғлиқдир (50-расм). Булардан ташқари, қабристон майдонида ҳажми каттароқ қатор чуқурлар очилган. Уларнинг деворлари ва полида бир неча бор кучли олов ёнганлигидан далолат берувчи излар сақланиб қолган. Эҳтимол, улар ўлган кишини боқий дунёга узатиш билан боғлиқ қурбонликка сўйилган ҳайвон гўштининг тегишли қисмини (одатда, қурбонликка сўйилган ҳайвоннинг олдинги туёғи, икки ёки учта қовурғаси, баъзан унинг гўшти) қабрга жойлаштириб, қолган қисмини марака қатнашчилари томонидан истеъмол қилишлари учун қазилган “қабобхоналар” бўлиши мумкин. Муаллифлар

²⁹ Джуракулова Д.М. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. –Тошкент, 2011. –Б. 135-136.

“кабобхоналар”ни қазииш вақтида, улар ичидан кўмиш урф-одатлари билан боғлиқ удум излари сақланиб қолганликлари ҳақида ёзадилар, яъни баъзан бу «кабобхона» полида оловга ташланган ёғ излари сақланиб қолганлигини эслайдилар. Эҳтимол, улар гўшти кабоб қилиш вақтида оқиб тушган ёғ изларидир. Айнан шундай ритуал излари Сополли маданиятининг Бўстон 6 қабристонини қазиишда ҳам кузатилган.³⁰

Зардуштийлик динига тегишли яна бир объект илк темир даврига тегишли Кўктепада ўрганилди. Бу ёдгорлик майдонида ўрганилган иккита йирик тепаликдан бири бўлиб, у қалъа марказида жойлашган. Қазиишма жараёнида аниқланишича, тепалик ўрнида қандайдир монументал бино бўлиб, унинг томонларининг бешдан тўрт қисми ва устки қисми маҳаллий аҳолининг экин-текинлари туфайли бузилиб, бинонинг асли сақланмаган бўлса-да, у тахминан 70 кв. м. майдонни эгаллаган (36-39 расмлар). Объектда қазиишма ишларини олиб борган М.Х.Исамиддинов, бу шаҳар бош оташгоҳининг ўрни бўлса керак, деган фараз билан унинг 2 м баландликда сақланган платформа ғиштлири остидан пол очади. Пол юзасида Кўктепа 1 даври сопол парчалари, ўроксимон тош пичоқ топилган. Пол кесиб тушилганда, унинг остидан Кўктепа 1 археологик комплекси аралаш қалин (2 м.га яқин) кулли юмшоқ куйган тупроқ қатлами ва қандайдир қурилма қолдиқлари борлиги аниқланади. Унинг остида ғишт ранги даражасида куйган иккинчи пол чиқади. Ёдгорлик марказини эгаллаган монументал бино қолдиғи, қазиишма муаллифи М.Х.Исамиддиновнинг таҳлилий хулосасига кўра, оташпарастларнинг диний комплекси бўлиши мумкин.³¹ Биринчидан, бу комплекснинг ёдгорлик марказида жойлашиши, иккинчидан, бу жойда баланд платформанинг мавжудлиги, учинчидан, бу ерда ўтказилган қазиишма натижаларига кўра, платформа остидан олов билан боғлиқ қандайдир қурилма қолдиқларини учраши каби ашёлар унинг культовой характерида далолат беради. Ушбу объектни Кўктепа шаҳар жамоасининг марказий оташпарастлик ибодатхонасининг ўрни бўлган, деган фаразга қўшилган ҳолда, яна шуни таъкидлаш жоизки, бу марказий тепалик нафақат Кўктепа 1 даврида, балки шаҳар ҳаётининг Кўктепа II даврида ҳам Зардуштийликнинг бош оташгоҳи жойлашган макон бўлган. Ундан атиги бизгача платформа сақланган бўлиб, унинг устидаги ибодатхона қурилмалари бузилиб кетган.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга якун ясаб айтиш мумкинки, Зарафшон водийсида энеолит ва бронза даврида яшаган ибтидоий уруғчилик жамоалари диний ва маънавий дунёсида оташпарастлик фундаментал асосга эга. Сўнгги бронза ва илк темир даврининг ноёб ёдгорлиги-Кўктепадан топилган монументал характердаги Зардуштийлик ибодатхонаси фикримизни янада асосли эканини тасдиқлайди. Демак, оташпарастликнинг зардуштийлик дини мавқеига ўсиб чиқишида Суғдиёна ўлкасининг ҳиссаси Қадимги Бактрия ва Марғиёнадан кам бўлмаган.

³⁰ Джуракулова Д.М. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. –Тошкент, 2011. –Б. 136.

³¹ Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. –Ташкент, 2002. –Б. 36-37.

VIII БОБ

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА ИБТИДОЙ УРУҒ-ЖАМОАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ҲАЁТИ

8.1. Зарафшон водийси илк уруғ-жамоаларининг ўзлаштирувчи хўжалик характери ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари

Юқори сатрларда айтилганидек, Зарафшон водийси ибтидоий аجدодлар томонидан илк бор қадимги тош даврининг илк босқичида одам тўдалари томонидан ўзлаштирилди. Зарафшон водийсида бу даврга тегишли ўндан ортиқ ёдгорликлар топилган бўлиб, одамзод гуруҳлари асосан тоғ бағирларида қайнаб чиққан булоқ бўйларида, унгурларда, сувга яқин ғорларда макон топганлар. Бу жойлар узок ўтмишда озиқ-овқат ресурсларига бой, ёввойи ҳайвонларнинг ўтлаши учун майсазор ўрмонлар билан қопланган ясси тепаликлар, улар оралаб ўтган чакалакзор сой ва жарликларга сероб минтақалар бўлиб, уларнинг булоқ сувларига яқинлиги ҳайвон ови билан ҳаёт кечиришга мажбур бўлган аجدодлар диққатини ўзига тортган.

Узок ўтмиш тарихимиздан маълумки, бу давр одамларининг ҳаёт мазмуни тўлиқ табиатга боғлиқ бўлиб, бу илк аجدодлар табиат ноз-неъматларини териб, ковлаб, овлаб топишга мослашган ўзлаштирувчи хўжалик соҳиблари эди. Бундай оғир ҳаёт қадимги тош даврининг сўнгги босқичи – юқори палеолитда, ўрта тош ва Ўрта Осиёнинг марказий ва шимолий минтақаларида, ҳатто янги тош даврларида ҳам давом этади. Аммо одамларнинг мустъер даврида, яъни ибтидоий тўда бўлиб яшаган даврида ҳаёт мазмуни қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичидан эътиборан меҳнат қуролларининг тобора такомиллашиб бориш натижасида ўзгариб боради.

Маълумки, одамзод биринчи бор қўлига тош қуролларини олиб меҳнат қила бошлаганидан то дастлабки уруғ жамоалари бўлиб уюшишга қадар «ибтидоий тўда» даврини бошдан кечирди. Бу давр одамзоднинг шаклланиш босқичи бўлиб, бу даврда зинжантроп, питекантроп, фергантроп, синантроп ва неандертал каби илк аجدодларимиз табиатдан ўз ризқ-рўзини термачилик ва йирик ҳайвонларни ов қилиш орқали ўлжа ҳисобига яшаганлар. Бу даврда на ишлаб чиқариш, на жамоатчилик бўлган. Аслида «ибтидоий уруғчилик жамоаси даври» уруғ жамоаларининг ташкил топишидан, яъни она уруғ-жамоаси қарор топган давлардан бошланади.

Бу давр инсоният тарихини археологик даврлаштиришда юқори палеолит босқичига тўғри келади. Айнан мана шу даврга келиб миллион йиллар давомида биологик шаклланиш жараёнларини босиб ўтган туб маънодаги, ҳамма жиҳатдан мукаммал одам (*Homo Sapiens*) – ақлли ҳозирги замон одами тўла шаклланди.

Унинг ақлли одам бўлиб етишишида, биринчи навбатда, ижтимоий меҳнат, кўплашиб йирик ҳайвонларга ов қилиш, ов ўлжаларини чала кабоб сифатида истеъмол қилиш катта аҳамият касб этди. Бу жараёнларнинг

ниҳояси айнан юқори палеолит даврида якун топади. Бу даврга келиб инсон фаолияти билан боғлиқ қатор ихтиролар юз берди.

Биринчидан, меҳнат қуроллари олдинги мустъер даврига нисбатан такомиллашди. Кундалик хўжалик юритиш билан боғлиқ меҳнат қуролларининг турлари кўпайди ва сифати яхшиланди. Балиқ ови билан боғлиқ тош санчқилар, суякдан ишланган гарпунлар (қармоқлар) пайдо бўлди.

Иккинчидан, юқори палеолит одамлари – *Homo Sapiens*лар илк аجدодларидан фарқли ўлароқ жамоа-жамоа бўлиб яшашга ўтди, яъни айнан юқори палеолит даврида кишилик жамоаларининг илк куртаги – ибтидоий уруғчилик жамоаси таркиб топди. Бу уруғ жамоасига оналар бошчилик қилди, яъни инсоният илк тарихида матриархат пайдо бўлди.

Учинчидан, оналарга жамоа сардори, уруғни давом эттирувчи илоҳ сифатида қараш пайдо бўлди, яъни она культига сиғиниш жамоалар маънавий ва руҳий дунёсининг объектларига айланди. Диний эътиқод она сиймосида шаклланди.

Тўртинчидан, илоҳийлаштирилган она сиймосини муқаддаслаштириш йўлидаги биринчи қадамлар сифатида ҳомиладаги онанинг суратини чизиш, ҳайкалини ясаш орқали тасвирий ва амалий санъат пайдо бўлди.

Бешинчидан, юқори палеолит даврида умрининг охириги босқичини ўтаётган буюк музликлар даври якун топиб, буюк музликларнинг шимолга томон чекиниши туфайли одамзод ғор ва унгурларда яшаш ҳолатидан чиқади ва илк бор ўзига кулба қуришни ўрганади, яъни одамзод ўзи ясаган кулбаларда яшай бошлайди.

Олтинчидан, одамзоднинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиши муносабати билан энди уларнинг табиати – географик иқлими турлича бўлган минтақаларда яшашига тўғри келади. Осиёнинг қорли изғирин шамоллари, экваториал Африканинг жазирама иссиғи, Оврупанинг мўътадил иқлими эндигина шаклланиб улгурган аجدодлар ташқи қиёфасига таъсир этмай қолмас эди. Ана шу ташқи географик омиллар натижаси сифатида юқори палеолит даврига келиб аجدодлар ташқи қиёфасида ирқий бўлиниш юз берди, яъни ер юзида уч ирқ – европа ирқи, негроидлар ирқи ва мўғул башара ирқ расмийлашди. Бу инсон фаолияти билан боғлиқ буюк ихтиролар кишилик тарихининг юқори палеолит босқичида юз берди. Шундай қилиб, кишилик жамиятининг «ибтидоий уруғчилик жамоаси» деб аталган тарихи бошланди.

Ибтидоий уруғчилик жамоасининг сардори бўлган, илоҳийлашган сиймо сифатидаги оналар бутун мезолит даврида, иқтисодий ҳаёт кашфиётларига бой неолит даврида ҳам жамоада етакчилик ролини ўз қўлида сақлаб қолди. Жамоанинг эркаклари эса мезолит даврининг буюк кашфиёти ўқ-ёй ёрдамида ўзлаштирувчи хўжаликнинг асосий ҳаёт кечириш манбаи – ҳайвон ови билан шуғулланишда давом этадилар. Неолит даврига келиб, ўзлаштирувчи хўжаликнинг иқтисодий негизига зил кетади, яъни Ўрта Осиёнинг табиий-географик шароитлари қулай жанубий-ғарбида оналар

меҳнати ва табиат мўъжизаларини кузатишдаги уларга хос фазилатлар туфайли, ишлаб чиқариш хўжалигининг асослари яратилади, яъни деҳқончилик ва чорвачилик кашф этилади (масалан, Жойтун маданияти). Зарафшон водийсида эса неолит даври жамоалари, жумладан, Калтаминор маданияти соҳиблари ўзлаштирувчи хўжалик билан шуғулланишда давом этади. Бироқ бу заминда ҳам неолит давридан эътиборан ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг куртаклари ниш ура бошлайди. Масалан, бунга, аввало, Сазагон неолит даври маданиятини эслатиб ўтиш ўринлидир. Бу маданиятга тегишли 30 дан зиёдроқ пунктларда неолит манзилгоҳларининг излари топиб ўрганилган. Уларнинг айримларида ёрғучоқ, дон майдалашга мўлжалланган келисоп, ўроқ тиғлари сифатида фойдаланилган қадаматош парақалари, ҳайвон суяқларининг топилишига қараганда, бу жамоаларда эндигина ишлаб чиқариш хўжалигига ўта бошлаш куртакларини кузатиш мумкин. Неолит даври ишлаб чиқариш хўжалиги билан боғлиқ ёдгорликлардан яна бири Учтут неолит шахталарида 5-6 м гача шахта қазиб, чакмоқтош хомашёсини излаш ёки Қўйи Зарафшон Тузкон ва Каптаркуми манзилгоҳларидан топилган сопол парчаларида сақланган мато излари калтаминор маданиятининг сўнгги босқичларида тўқимачилик кашф этилишига, ундан балиқ овида фойдаланишганига ишора қилади. Бу ҳодиса ҳам ўзлаштарувчи хўжаликдан ишлаб чиқариш хўжалигига ўтишнинг дастлабки куртаклари эди.

Дарҳақиқат, аجدодларимизнинг ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиши билан инсоният тарихида яна бир қатор ўзгаришлар юз бердики, уларга нисбатан қадимги шумер маданияти мисолида чуқур илмий таҳлил қилган инглиз археологи Г.Чайлд фанга «неолит инқилоби» деган атамани киритган. Бу туб ўзгаришларга олиб келган ихтиролар деҳқончилик ва чорвачиликнинг кашф этилишига олиб келди. Бундан ташқари, кулолчилик ва тўқимачилик, уй-жой барпо этишда илк бор қурилиш материалларидан (тош, лойдан ишланган гувала ва ғишт, пахса) фойдаланишга ўтиш, маданий ҳаётда техникавий кашфиётлар, яъни тошни тешиш, силлиқлаш, пардозлаш техникаси кашф этилди ва ниҳоят тоғ саноати, яъни меҳнат қуроллари ясаш учун сифатли, ишлов беришга қулай хомашёни шахти йўли билан излаш кашф этилди.

8. 2. Зарафшон водийси ибтидоий уруғ-жамоаларининг ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарилувчи хўжаликка ўтиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари

Маълумки, милоддан аввалги IV-III минг йилликлар давомида Ўрта Осиёда ёнма-ён иккита маданий-хўжалик зоналари мавжуд эди. Жанубий-ғарбда илк деҳқончилик билан шуғулланувчи жамоалар яшаса, минтақанинг қолган ҳудудларида ҳайвон ва балиқ ови билан тирикчилик ўтказувчи қабилалар яшар эдилар. Албатта, бу икки зона жамоалари беркик ҳолда, яъни ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларсиз яшай олмаганлар. Ҳар икки томон жамоаларининг озиқ-овқат ва кийим-бошга бўлган кундалик эҳтиёжий

талабларининг ошиб бориши, сўзсиз, улар ўртасида иқтисодий алоқаларни ўрнатишга олиб келган (28-расм).

Бу иқтисодий ҳаётий талаблардан келиб чиққан алоқалар, қачонким, ибтидоий аждодлар томонидан илк бор металл кашф этилиб, ундан меҳнат ва жанговар ҳарбий қурооллар ишлаб чиқаришга ўтилгач, янада жадалроқ ривожлана бошлади. Меҳнат қуроолларининг металлдан ишлаб чиқарилиши хўжалик ихтироларини қабилалараро кескин ривожланишига туртки бўлди.

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда давом этаётган минтақавий ривожланишнинг характери ва улар ўртасидаги ҳудудий чегаралар доираси ўзгарди. Масалан, қадимги деҳқончилик ҳудудлари кенгайиб борди. Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбида неолит даврида ташкил топган деҳқон жамоаларининг янгидан янги манзилгоҳлари энеолит даврига келганда нафақат Копетдоғ ёнбағирларига кенг ёйилди, балки бу ҳодиса Зарафшон водийсида ҳам юз берди. Масалан, Юқори Зарафшон водийсида қад кўтарган сўнгги энеолит ва бронза даври ёдгорлиги – Саразм ана шу ўзгаришлардан нишона эди.

Саразм ёдгорлиги Зарафшон водийсидаги қадимги деҳқончилик маданияти қабилаларининг нафақат ноёб манзилгоҳи, балки Ўрта Осиё минтақасида йирик металлургия маркази сифатида машҳурдир. Саразм металлурглари сўнгги энеолит ва илк бронза даврида (Саразм II ва III) меҳнат қуроолларини ишлаб чиқариш ҳамда руда қазилар ва эритиш, металл хомашёси билан савдо қилишда юксакликларга эришади. Саразм IV даврига келиб, Саразм металлургия устахоналари металл хомашёси ва металл буюмлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиради. Саразм нафақат теваарак-атроф районларни, балки бутун Ўрта Шарқ минтақаларини металл предметлари ва металл хомашёси билан таъминловчи марказга айланади.

Саразм IV даври ушбу маконда қадимги саразмликларнинг сўнгги ҳаёти билан боғлиқ. Бу даврда йирик ҳовлилар майдонларида кулолчилик хумдонлари, тош ва шағал ётқизилган йўлакчалар пайдо бўлади. Тош ва металлдан турли хил меҳнат қуроолларини, уй-анжом асбобларини ишлаб чиқариш аввалгидек жадал суратлар билан ривожланишда давом этади ва уларнинг турлари кўпаяди. Қалта ва узун тиғли пичоқ ва ханжарларни ишлаб чиқариш кенг ёйилади. Уларнинг сопи қармоқсимон бўлиб, улар ханжар ва пичоқ дасталарининг суяк қопламаларини мустаҳкамлашга мослаштирилган. Бу давр металлургия саноатида жанговар ҳарбий қурооллар: болта ва пайконлар, дастали бронза кўзгулари, уруғ жамоаси сардорининг ҳукмдорлик ҳассаси (асо), турли хил шакллар кўринишида ясалган муҳр ва тош гурзилар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Металл муҳрлар коллекциясида терракотадан ясалган муҳр ҳам бор. Буларнинг барчаси қадимги саразмликлар жамоасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг мулкӣ табақаланиш сари жадал кетаётганлигидан гувоҳлик беради.

Буларнинг барчаси бир томондан маҳаллий мис ва қўрғошин хомашёсига асосланган металл ишлаб чиқариш ҳунармандчилигини жадал ривожланаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Саразм

металлурглариининг Қадимги Шарқ цивилизация ўчоқлари ва Ўрта Осиёнинг шимолий ва шимолий-шарқий минтақаси дашт қабилалари (тозабоғёб ва андропова маданияти соҳиблари) билан иқтисодий савдо муносабатларини тобора кенгайтиб бораётганлигидан далолат беради. Эҳтимол, экспортга тайёрлаб қўйилган 10 кг қўрғошин ёмбисининг Саразмдан топилиши бунга мисол бўла олади.

Бу масалада Саразмдан тахминан 40-45 км шарқда, Зарафшон тоғ бағридан Канчач, Ёри ва Жилау каби мис ва қўрғошин конларининг топилиши муҳим аҳамият касб этади. Юқори Зарафшон тоғ тизмаларидан топилган олтин, кумуш, мис, қўрғошин, симоб, қалай ва феруза конлари бундан далолат беради. Зарафшон сув йўллари эса Саразм металлурглариини ушбу тоғ конлари билан осон боғланишларига кенг имкониятлар берган. Бу маҳаллий маъдан конларининг мавжудлиги Саразда металлургия саноатининг профессионал даражада ихтисослашувига олиб келади, яъни янгидан-янги маъдан конларини қидириш, хомашёларни транспортировка қилиш, металл эритиш, ёмбилар қуйиш ва металлдан турли хил меҳнат куруллари, уй-рўзгор анжомларини ясаш профессионал даражага кўтарилади.

Металл предметларининг кимёвий анализига кўра, улар таркибининг асосини мис ташкил этади (89,3-96,6 %). Уларда мишяк 3,3 фоизгача, қалай 1,6 фоизгача учрайди. Саразда оғирлиги 10 кг га яқин келадиган қўрғошин ёмбисининг топилиши саразмликларнинг металл экспорти билан ҳам шуғулланлигига ишора қилади. Ҳозирнинг ўзида Саразда топилган металл предметларнинг сони 150 тадан ошиб кетди (34-35 расмлар). Топилмалар орасида бронза пичоқлар, ханжар ва болталар, пайкон ва муҳрлар, олтин ва кумушдан ишланган тақинчоқ-безаклардан ташқари, бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган металл эритиш қозонлари (тигеллар), асбобу-анжом қуйиш қолиплари, металл эритиш қўралари, маъдандан ажратиб олинган ёмби-хомашёлар кўплаб топилди. Буларнинг барчаси Саразда энеолит ва бронза даврида яхшигина металлургия маркази таркиб топганлигидан далолат беради. Бу конлар ҳатто маълум вақтлардан сўнг узок Сибир ва Тоғли Олтой дашт қабилаларининг ҳам эътиборини ўзига тартади.

Қадимги Саразм аҳолисининг иқтисодий асосини суғорма ва лалмикор деҳқончилик ҳамда хонаки чорвачилик ташкил этган. Ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари, жумладан, металлургия ва металл ишлаб чиқаришдан ташқари, кулолчилик ривожланади. Бу давр учун характерли технологик услуб-кулолчилик чархида идиш ясаш пайдо бўлади. Саразм IV қатламидан кулолчилик дастгоҳини айланттирувчи ўқнинг икки дона тош асосининг топилиши бундан гувоҳлик беради.

Дарҳақиқат, қадимги Саразм маданияти ҳунармандчилигида керамика ишлаб чиқариш алоҳида аҳамият касб этади. Сопол ишлаб чиқариш асосан кўл меҳнатига асосланган, фақат унинг сўнгги босқичидагина сопол ишлаб чиқаришда кулолчилик чархидан фойдаланишга ўтилди. Саразм керамикаси уч туркумга бўлинади: овқат тайёрлашга мослашган идишлар (кухонная посуда), овқат сузишга мослашган идишлар (столовая посуда) ва озиқ-овқат

захираларини сақлашга мослашган хумлар (тарная посуда). Улар орасида аксарият кўпчиликни овқат сузишга, дастурхонга овқат тортишга мослашган идишлар (столовая посуда) ташкил этади. Уларнинг сиртига ишлов берилган, яъни сир билан пардозланган. Уларнинг сиртки пардози учта асосий гуруҳга бўлинади: ёрқин тиниқ, кулранг ва қора тиниқ. Биринчи гуруҳ керамика орасида қизил сир устига рангли нақш солинган идишлар алоҳида ажралиб туради. Бу типдаги идишлар ўзларининг келиб чиқиш илдизлари жиҳатидан Қадимги Шарқ цивилизациясининг икки минтақаси билан, яъни Жанубий–Шарқий Туркманистон, аниқроғи геоксюр воҳасининг сўнгги энеолит комплекслари ва Ҳиндикушдан жанубда жойлашган Сейистон-Белужистон минтақалари билан боғланган. Кулранг қора сополлар эса келиб чиқиши жиҳатидан Шимолий Эрон ёдгорликлари билан боғланган.

Саразмнинг асосий керамикаси сиртига берилган пардозлар, улар устидан юритилган ранг-баранг гуллар саразмликларни бир томондан қадимги деҳқончилик минтақалари – Жанубий Туркманистон ва Белужистон-Сейистоннинг бобо-деҳқонлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Саразм сополлар комплексида калтаминор маданиятига тегишли сопол парчаларининг учраши уларни Қуйи Зарафшон ҳавзасининг неолит даври калтаминор жамоалари билан ҳам иқтисодий ва этномаданий жиҳатдан алоқада бўлганликларидан гувоҳлик беради.

Саразм сополларининг терма техникаси сифат жиҳатидан юқори даражада. Улар, тадқиқотчи муаллиф А.Исаковнинг таъкидлашича, бир камерали ва икки камерали хумдонларда пиширилган. Икки камерали хумдонлар ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлиб, уларнинг ўчоғи ёнгинасига жойлашган сферасимон шифли алангахонасига нисбатан чуқурроқ. Худди шундай хумдонлар Сополлитепада ҳам топилган.

Саразмда тошдан меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш ҳам профессионал характерга эга эди. Саразмнинг археологик комплексида 40 га яқин тошдан ишланган предметлар топилган. Улар парма, ускуна, болға, тери ошлаш тошлари, ўлчов стандарти билан боғлиқ махсус оғирлик ўлчов тошлари, тўқимачилик дастгоҳининг тошларидан иборат эди. Қимматбаҳо тошлардан турли хил тақинчоқлар, тумор ва муҳрлар яшаш ҳам профессионал юксакликка кўтарилган. Саразмнинг юқори қатламидан ноёб муҳр топилган. У доира шаклида бўлиб, унинг юзасини айланаси бўйлаб ишланган сигир ёки навлос сурати нафақат ўзининг ноёблиги билан, балки бронза даври наққошининг юксак маҳорати билан ҳам кишини лол қолдиради. Турли хил (тош, бронза, терракота) материаллардан ишланган шундай ноёб муҳрлар Қадимги Бактрия ва Марғиёнада милoddan аввалги II минг йилликда кенг тарқалган.

Қадимги Саразмда терига ишлов бериш, тўқимачилик юқори даражада ривожланган. Бунинг ашёвий исботи сифатида Қадимги Саразмнинг барча босқичларида кўплаб учрайдиган тери ошлаш тошларини ва урчуктошларни кўрсатиш мумкин. Саразм маданияти ҳунармандчилик тармоқларининг аҳволи масаласида шу нарсани таъкидлаш жоизки, Саразм аҳолиси

кулолчиликда металлургия ва тошга ишлов беришдек юксакликка эриша олмаганлар. Секин айланиш асосида қурилган кулолчилик чархи ёрдамида сопол ишлаб чиқариш атиги Саразм IV даврида кашф этилди. Дарҳақиқат, Саразм маданиятининг келиб чиқиш илдизлари гарчи Номозгоҳ этномаданий дунёси билан боғлиқ бўлсада, аммо Зарафшон водийсининг табиий ер ости бойликлари саразмликларнинг деҳқончилик ва кулолчиликка нисбатан кўпроқ металлургия соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берганликларидан далолат беради.

Ҳар қалай, Саразм архитектураси, моддий маданият, хўжалик асоси ва диний объектлар комплекси Саразм маданиятининг этник жиҳатдан жанубий минтақалар билан узвий боғлиқ эканини тасдиқлайди. Шу билан бирга, Юқори Зарафшон ҳавзаси бир вақтнинг ўзида ўзининг табиий ер ости бойликлари билан сўнгги энеолит давридан бошлаб турли минтақа қабилаларининг иқтисодий хўжалик манфаатлари ва савдо алоқаларини учраштирадиган марказга айланади. Юқори Зарафшонга хос бу ноёб имконият бутун бронза даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Масалан, Панжикент яқинида Зарча Халифа деган жойдан архар билан бирга кўмилган эркак кишининг мозори очилган. Мозордан топилган барча бронза предметларининг ва кулолчилик чархида ишланган Сополли маданиятининг Жаркўтон босқичига тегишли эканлиги яққол кўзга ташланади. Ёки бўлмаса, Зарафшон водийсининг ўрта қисмидан, Жом қишлоғидан топилган бронза даври “савдогар сайёҳнинг» мозори Саразм металлургия маркази билан бир томондан дашт минтақалари, иккинчи томондан, қадимги деҳқончилик маданияти қабилалари мунтазам савдо алоқада бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, Қадимги Саразм аҳолисининг моддий ва маънавий ҳаёти ва археологик комплексларининг илмий таҳлили унинг келиб чиқиш илдизларини биринчи навбатда жанубий минтақаларнинг қадимги деҳқончилик жамоалари билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Аникроғи, Зарафшон водийси қадимги деҳқончилик ўчоғининг илдизлари, Саразм 1 керамика материалларига кўра, Жанубий Туркменистоннинг Кўксур (геоксюр) оазиси жамоаларига бориб тақалади. Ёдгорликнинг археологик тадқиқот ишлари билан мунтазам шуғулланган археолог А.Исаков, уларнинг кўчиб келиш сабабларини Тежен дарёсининг сув ресурсларининг камайиши туфайли юз берган экологик шароит билан боғлайди. Бизнингча, геоксюрли жамоаларнинг бир қисмини Зарафшон водийсига миграцияси кўпроқ Юқори Зарафшондаги маъдан конлари бўлган. Шунингдек, Қадимги Саразм маданиятининг келиб чиқиш негизида геоксюр илдизлари асосий этник компонент бўлиб қолгани ҳолда, унинг шаклланишининг илк босқичлари даврида яна бир бошқа этник гуруҳлар иштирокининг борлигига ишора қилувчи фактлар борки, улар Ҳиндикушдан жанубда истиқомат қилувчи қадимги деҳқончилик жамоаларига бориб тақалади. Бу фактлар Саразм 1 босқичига тегишли оилавий хилхонадан топилган ва денгиз чиғаноғидан ишланган билагузуклар бўлиб, улар айнан

Ҳинд денгизи минтақаларидан келтирилган. Шу давр керамикаси сиртига ишланган рангли нақшларнинг услубий беағи эса Белужистоннинг Шаҳри – Сохта маданияти сополларини эслатади. Бундай алоқаларнинг заминида, сўзсиз, Зарафшон металининг савдоси ётади. Зарафшон металини экспорт қилиш анъанаси Саразм маданиятининг барча босқичларида ривожланишда давом этди.³²

Зарафшон водийсида иқтисодий ҳаёти ишлаб чиқарувчи хўжаликка асосланган чўл минтақасидаги илк ёдгорликларидан бири-Замонбобо маданиятидир. Бу маданият милoddан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида Зарафшоннинг қуйи ҳавзасида икки минтақа жамоаларининг ўзаро иқтисодий алоқаларининг натижаси сифатида, маҳаллий аҳоли этник асосида шаклланди. Ушбу маданият соҳибларининг иқтисодий ҳаётига жанубий қўшниларнинг хўжалик ихтиролари катта таъсир кўрсатган.

Замонбоболиклар улардан бошоқли экинлар экишни, деҳқончиликнинг илғор тажрибаларини ўрганди, кулолчиликда чархдан фойдаланишни, икки камерали хумдонларда сопол идишлар пиширишни, ярим қимматбаҳо ранг-баранг тошлардан нафис санъат асарлари даражасида мунчоқлар ясаш, уларни пардозлаш ва тешиш техникасини ўрганди. Қуйи Зарафшон қабилаларининг жанубий жамоалар билан олиб борган ўзаро маданий ва хўжалик алоқалари охир оқибатда иқтисодий ҳаёти хонаки чорвачилик ва пасира деҳқончиликка асосланган Замонбобо маданиятининг шаклланишига олиб келди.

Замонбобо маданияти қабилалари хўжалигида металлдан ишланган меҳнат куроллариининг пайдо бўлиши билан чақмоқтошдан ясалган предметлар кескин камайди. Олдинги хронологик босқичларга хос қатор куроллар серияси йўқолди. Замонбобо маданияти меҳнат куроллари комплексида қистирма тош пичоқлар, тош қирғич ва рандалар, тош ханжар ва болталар учрамайди. Уларнинг ўрнини энди металлдан ишланган куроллар эгаллаган.

Муҳим техникавий ихтиролардан бири Замонбобо маданиятида сопол пиширишда икки камерали хумдонларнинг кашф этилиши бўлди. Чунки кулолчиликда бундай техникавий ўзгаришлар кулолсозлик хунармандчилигида олдинга ташланган йирик қадам эди. Кулолчиликдаги бошқа бир кашфиёт энди сопол идишларни қўлда эмас, балки қўл ёрдамида ҳаракатга келтирувчи чархда ясашга ўтиш эди. Замонбобо қабилалари дашт қабилалари орасида биринчилардан бўлиб, кулолчиликда чархдан фойдаланганлар.³³

Замонбоболикларнинг хўжалик асосини мотиға деҳқончилиги ва хонаки чорвачилик ташкил этган. Улар хўжалигининг деҳқончилик характери ҳақида Замонбобо манзилгоҳидан топилган кўп сонли тош

³² Исаков И.А. Саразм (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины). – Душанбе, 1991.

³³ Аскарлов А.А. Поселение Заманбаба. КСИА. Вып. 93. –М., 1963.

ёрғучоқлар, чакмоқтошдан ишланган қистирма ўроқлар, тош кели соплари, қорайиб кетган бошоқли ўсимлик донлари (арпа, буғдой, тарик ва бошқалар) гувоҳлик беради. Хонаки чорвачилик ҳақида эса мозорлар ва манзилгоҳдан топилган уй ҳайвон суяклари далолат беради. Уй ҳайвонлари орасида йирик шохли ҳайвонлар – қора мол; майда шохли ҳайвонлар – қўй ва эчки бор. От ва туя ҳали қўлга ўргатилмаган кўринади. Чунки уй ҳайвон суяклари орасида биронта ҳам от ёки туя суяги топилмаган. Аммо ҳайвон суяклари орасида битта хонаки эшак суяги топилган. Замонбобо маданияти суяклари комплексида ёввойи ҳайвонлар суяклари ҳам етарли даражада. Улар асосан Бухоро буғуси, жайрон ва тўнғизга тегишли. Замонбоболикларда чорвачилик, комплекс материаллар таҳлилига кўра, ҳали деҳқончиликдан ажралиб чиқмаган. Замонбобо аҳолисининг иқтисодий асосини намли қоқ ерларга экиладиган мотиға деҳқончилиги ва асосан гўшт ва сут маҳсулотлари билан жамоани кундалик эҳтиёжини таъминлаб турган хонаки чорвачилик ташкил этган.

Бу ёдгорликлардан топилган ашёвий далилларнинг баъзи бир хиллари, масалан, қимматбаҳо рангли тошлардан турли шакллар бериб ишланган мунчоқлар ва чакмоқтошдан ясалган бодомсимон пайконлар ўзларининг юксак санъат обидаси даражасида пухта, ўта нозик ва нафис қилиб ишланиши билан Замонбобо маданиятининг айнан шу хилдаги археологик коллекциясидан қолишмайди. Масалага тарихийлик нуқтаи назаридан қаралганда, бу ҳудудда илк ва ривожланган бронза даврида истиқомат қилган замонбоболиклар изсиз йўқолиб кетмаган бўлсалар керак. Уларнинг авлодлари сўнгги бронза даврига келганда бу ҳудудга кириб келган янги этник гуруҳлар билан аралашиб, Замонбобо маданиятига хос баъзи бир жиҳатларни ўзлаштирган бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Эҳтимол, бу ашёвий далиллар Замонбобо маданиятига тегишли бўлиб, улар ўзларининг мафтункор жиҳатлари билан Гужайли чорвадорларига ўлжа сифатида ўтиб, уларнинг мавсумий манзилгоҳларида бизгача етиб келгандир (48-49 расмлар). Зарафшон қуёи ҳавзаларининг дашт минтақасига хос табиий-географик шароити замонбоболиклар хўжалигининг чорвачиликдан ўзга жиҳатларини ривожланишига имкон бермайди. Микроминтақанинг табиати сувга танқис жиҳатлари билан Жанубий Қизилқум шароитида милoddан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг биринчи ярмида хўжаликнинг чорвачилик йўналишини жадал ривожланишига олиб келган. Деҳқончилик хўжалиги эса объектив табиий-географик омилларга кўра, бу заминда то антик даврга қадар ривожлана олмади. Бундай хулосага келишликни қадимги Бухоро воҳасининг ғарбий районларида олиб борилган кенг кўламли археологик тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Зарафшоннинг қуёи ҳавзаларида ибтидоий давр тарихининг уч босқичига доир ёдгорликлар комплексларини кўриш мумкин. Даставвал бу жойларда балиқ ва паррандаларга бой дарё ва қўл соҳилларида овчи қабилаларининг мавсумий қароргоҳлари пайдо бўлади. Улар моддий маданиятининг характериға кўра, неолит даврининг калтаминор маданиятиға

тегишли эди. Кейин бу жойларда энеолит даврининг сўнгги босқичи ва илк бронза даврида уларнинг ворислари сифатида Замонбобо маданияти ташкил топади. Замонбоболиклар хўжалик юритиш асносида калтаминор балиқ овчиларидан фарқ қилиб, мотиға деҳқончилиги ва хонаки чорвачилик хўжалиги билан шуғулландилар. Буларнинг хўжалик ҳаётига Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларининг бобо деҳқонлари ва Зарафшон водийсининг юқори қисмига келиб ўрнашиб қолган Саразм маданиятининг таъсири катта бўлган.

Унинг натижаси сифатида замонбоболиклар хўжалигида туб ўзгаришлар содир бўлганлигини кузатамиз, яъни кулолчиликда икки камерали хумдонларнинг пайдо бўлиши, қўл чархида сопол ясашга секин-аста ўтишликнинг юз бериши, қимматбаҳо рангдор тошлардан турли хил безаклар ясашда мукамал техник кашфиётлар сирларини пухта ўзлаштириш ва бошқалар. Бироқ ушбу микроинтақада сув танқислиги туфайли юз берган дашт зоналарига хос табиий-географик шароит бронза даврига келганда хўжаликнинг чорвачилик йўналишини жадал ривожланишига олиб келган. Чунки милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида бу ўлкаларга кўчманчи чорвадор орий қабилаларининг кириб келиши ҳам гужайлиларда чорвачилик хўжаликнинг устувор йўналишига айланишида катта рол ўйнаган.

Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларидаги бизга маълум бўлган навбатдаги тарихий босқич бронза даври бўлиб, бу даврнинг соҳиби эгалари юқорида эслаб ўтилган тозабоғёб типигаги дашт қабилалари эди. Бу маданият соҳиблари бу жойларга Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий районларидан кўчиб келганлар ва улар маҳаллий замонбоболиклар билан дастлаб иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлиб, сўнг улар ўзаро қоришиб кетган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо дастлаб улар ўртасидаги алоқалар қандай кечган? Бу ҳақда ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Албатта, андропова даштликлари бу заминга кириб келганда замонбоболиклар Қуйи Зарафшоннинг қайси бир жойида яшаган бўлишлари керак. Аммо у ҳақда ҳам бирор маълумотга эга эмасмиз. Бу муаммолар ечими Қуйи Зарафшон ҳавзасида келажакда олиб бориладиган археологик тадқиқотлар натижасига боғлиқ.

Зарафшон водийсининг Самарқанд теваарак-атрофидан топиб ўрганилган бронза даври дашт қабилаларининг маданиятида қадимги деҳқончилик жамоаларининг излари сезиларли даражада кўзга ташланади. Масалан, Тўқайли манзилгоҳи сопол комплексининг таркибига кўра, Тўқайлида икки хил этник гуруҳ жамоалари бирга яшаган кўринади. Чунки кулолчилик маҳсулоти комплексида сиртига учбурчак, синиқ чизикли чизма нақш солинган дашт қабилаларининг қўлда ясалган сополлари билан бирга, сирти силлиқ қилиб пардозланган оч қизғиш сирли сополлар ва кулолчилик чархида ясалган Саразм IV даврининг ғишт рангли сополлари ҳам учрайди. Шунингдек, Тўқайлида руда эритиш ва руда янчиш билан боғлиқ меҳнат куруллари ҳамда чакмоқтошдан ясалган пайконларнинг учраши, бир томондан, унинг Зарафшон водийсида топиб ўрганилган дашт қабилалари

ёдгорликлари орасида энг қадимги объект эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан, Дашт чорвадорларининг маҳаллий ўтроқ аҳолига нисбатан минтақада ҳукмрон мавқега эга эканлигидан гувоҳлик беради.

Ўша давр ижтимоий-сиёсий вазиятига кўра, бу табиий ҳол эди. Чунки чорвадорларнинг жанубий томонларга миграцияси муносабати билан Зарафшон водийсида вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият жанговар дашт суворийларининг минтақада сиёсий ҳукмронлигини таъминлади, уларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қила бошлади. Саразмда металлургия ҳаёти инқирозга учраб, воҳада сиёсий ҳукмронлик дашт жамоалари қўлига ўтгач, янгитдан ташкил топган ҳар бир аҳоли пунктида саразмликлар кучи ва иқтисодий ҳўжалик юритиш тажрибаларидан, биринчи навбатда, тоғ саноати билан боғлиқ тажрибаларидан фойдаланиш доимо дашт қабилалари эътиборида бўлди. Шу боис бўлса керак, Тўқайлида ташкил топган манзилгоҳда даштликлар қўл остида саразмликлар авлоди улар билан бирга яшашга мажбур бўлган кўринади.

IX БОБ

ИБТИДОЙ ЖАМИЯТ ТУЗУМИНИНГ ЕМИРИЛИШИ

9. 1. Ибтидоий жамият тузуми емирилишининг умумий тафсилоти ва омиллари

Ибтидоий жамият тузуми емирилишининг бош сабабларидан бири сифатида ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ва зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг доимий тартибининг вужудга келиши бўлди. Кундалик талабдан зиёд тарзда ишлаб чиқилган қўшимча маҳсулот одамни одам томонидан эксплуатация қилиш асосини яратишга олиб келди. Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш кучларининг доимий такомиллаша бориши, меҳнат қуроллари маҳсулдорлигининг ошиши, унинг турларининг кўпайиши каби омиллар ўзлаштирувчи ҳўжаликдан ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтишга замин яратди. Меҳнат қуролларининг янги технология асосида яратилиши маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини муайян даражада ошишига олиб келди. Ибтидоий жамият тузумининг емирилиши жаҳоннинг барча вилоятларида бир маромда кечмаган. Этнографик маълумотлардан маълумки, бу жараён турли минтақаларда турлича кечган бўлса-да, аммо барчаси тарихий тараққиёт қонунларининг маҳсули эди. Зарафшон ҳавзасида яшаган қабилаларда ибтидоийликнинг емирилишининг бошланиши суғорма деҳқончилик, табун чорвачилигининг ва металлургия ҳунармандчилигининг тараққиёти билан боғлиқ кечган. Зарафшон ҳавзасида бу жараённинг анча авж олиши мил. авв. 2 минг йилликнинг охирига босқичларига тўғри келди. Бронза асри ёдгорликлари Зарафшон ҳавзасида кенг тарқалган ва яхши ўрганилган соҳадир.

Ибтидоий жамиятнинг емирилишига асос бўлган ишлаб чиқариш неолит даври инқилоби ўзгаришларидан бири саналади. Ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик ҳўжаликларининг ривожланиши кундалик истеъмолдан ташқари қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу

хўжаликларнинг тобора ривож топиши асосида касбий ҳунармандчилик камол топа борди ва ишлаб чиқариш жараёнининг дифференциялашуви бошланди. Тўғри, бу жараённинг тараққиёт йўли узок вақтлар мобайнида давом этишни талаб қиларди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш маҳаллий ресурслар, айниқса, табиий-географик шароит билан ҳам боғлиқ кечган. Ўрта Осиё шароитида Жойтун неолит даври қабилалари дастлабки ўтроқ ҳаётга ўтган, деҳқончилик ва уй чорвачилигининг асосий хўжалик иқтисодига ўтишни бошлаб берган уруғ-жамолардан эди. Бу жараённинг ташкил бўлиши кўп йиллик ҳаётий тажрибаларни, унумдор меҳнат қуролларни такомиллаштиришни талаб қилган. Хуллас, ишлаб чиқариш кучларининг, айниқса, меҳнат қуролларининг янги асосда ишлаб чиқарилиши маданий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Шу билан бир қаторда ибтидоий коллективларнинг нафақат ҳаётий тажрибаси, балки дунёқарашида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Ҳаётий тажрибалар ва яшаш талаблари ибтидоий жамоаларни кўп нарсага ўргатди, уларни тошдан, суякдан, ёғочдан ясалган қуроллар қониқтирмасди. Ҳаёт тажриба ва талабларидан келиб чиқиб, одамзод табиатда тошдан ташқари яна бошқа бир жисм – металл борлигини пайқаб олишдилар ва ўз тажрибаларида табиатда учрайдиган айрим «тош»ларни ушатиш пайтида унинг синиш ўрнига эзилувчанлигини ва оловга ташлаганда юмшаганини, тўқмоқлаш ёки болғалаш туфайли бундай жисмлардан муайян кесувчи қурол яшаш мумкинлигини билиб олди. У мис эди. Шундай қилиб, одамзод дастлабки металлни – мисни кашф қилиб, ундан унумли фойдаланиш йўллари, технологик усуллари кидира бошлади. Шундай қилиб, тош қуроллар билан бир вақтда хўжаликда металлдан фойдаланиш бошланди. Эндиликда нафақат ишлаб чиқариш жараёни, шунингдек, меҳнат қуролларининг ҳам шакли ва фойдаланиш усуллари бойиб, унумдорлиги ошиб борди. Бу муҳим тарихий ўзгаришлар инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига ижобий таъсир қилмасдан қолмас эди.

9.2. Ишлаб чиқаришда металлдан фойдаланиш ва унинг оқибатлари

Металл асри икки босқичдан иборат: бронза асри ва темир асри. Бронза асри – ибтидоий давр тарихида одамзоднинг кундалик ҳаёти учун фойдаланадиган қурол-аслаҳаларнинг ишлаб чиқарилиши бронзадан тайёрланган. Шунинг билан бир вақтда турмушда тош қуроллардан ҳам фойдаланиш давом этган. Темир асрини археологик даврлашда кўпинча у «илк темир» даври ҳам деб аталиб, бу даврда металлургия кенг тарқалди ва темирдан меҳнат қуролларининг ишлаб чиқарилиши бошланади.

Мис, рух айрим вақтда сурма, кўрғошин, мишяк ёки қалай каби жисм элементларининг муайян пропорцияси аралашмасидан бронза олинган. Миснинг 90%, рухнинг 10% аралашма эритмасидан кўпинча сифатли бронза олинган. Бронзадан ясалган қуроллар мисга нисбатан анча кескир ва мисга нисбатан қаттиқроқ металл эди. Бундан ташқари, бронза мисга нисбатан (700-900 С⁰) пастроқ иссиқликда эриган, мис эса эришда 1083 С⁰ни талаб

киларди, умуман қаралганда, мис ҳам, бронза ҳам ишлаб чиқаришда тош қуроолларни турмушдан тўла сиқиб чиқара олмади. Бунинг сабабларидан бири тош қуроолларнинг қаттиқлиги ва унинг хомашёсининг доимий, ҳамма жойларда топилиши мумкин бўлган бўлса, бронза манбалари, айниқса, рух моддасининг табиатда камчил учрайдиган манба бўлганлиги сабабли бронзадан фойдаланиш дастлабки босқичларда мураккаб кечган. Бу масалани муайян даражада ёритишда Ўрта Осиё мисолида кўриб чиқишни маъқул деб топдик.

Умуман қаралганда, металлнинг меҳнат қурооллари яшаш учун кашф этилиши ибтидоий жамоа ҳўжалигида рўй берган буюк ўзгаришлардан ҳисобланади. Дастлабки меҳнат қурооллари мисдан ясалар эди. Аммо миснинг юмшоқ ва мўртлиги туфайли меҳнат қуроолларининг кўпчилиги тошдан ишланарди. Шунинг учун бу давр энеолит (мис-тош) даври деб аталади. Энеолит даври Ер қуррасининг ҳамма минтақаларида бир вақтда бошланмай, балки ҳар бир минтақанинг экологик имкониятлари ва ресурсларига қараб, ҳар хил вақтда бошланди. Масалан, Африка ва Осиёнинг қадимги деҳқончилик минтақаларида ибтидоий жамоалар металл билан аввалроқ, бошқа минтақаларда эса анча кейинроқ танишишди.

Ўрта Осиёда дастлаб металл мил. авв. IV минг йилликнинг бошларидан, яъни Жанубий Туркменистондаги Намозгоҳ I маданияти давридан маълум. Ўрта Осиёнинг шимолий районларда бу вақтда неолит даври – калтаминорликлар маданияти гулламоқда эди. Калтаминор маданияти меросхўрлари металл билан фақат мил. авв. III минг йилликнинг охиридагина танишадилар. Қадимги металлурглари маълум даврдан сўнг қалайни мисга қориштириб бронза олишни кашф этдилар.

Юқорида эслатилганидек, бронза эгилувчан ва мустаҳкам металл эди. Ундан кескир тиг берадиган қурооллар яшаш мумкин эди. Бронзанинг бу сифатлари қадимги металлурглари диққатини ўзига жалб этади. Энди бобокалонларимиз меҳнат қуроолларини бронзадан ясайдиган бўлдилар. Қисқа давр ичида бронза ибтидоий ҳўжаликнинг турли соҳаларига кириб борди.

Бронза асри тош асрига нисбатан жуда қисқа даврни ўз ичига олади. Унинг тахминий хронологик чегараси мил. авв. III минг йилликнинг бошлари – I минг йилликнинг биринчи чорагига тўғри келади. Биринчи марта бронза мил. авв. III минг йилликда Олд Осиё ва Ҳиндистонда кашф этилди. Ўрта Осиёда эса мил. авв. II минг йилликнинг бошларидан маълум.

Бронза асри металлурглари дастлаб металлни ер юзасига чиқиб ётган рудадан олганлар, кейинроқ ер ости руда конларидан фойдаланишган. Қазиб олинган руда авваллари очик гулханларда, кейинроқ эса алоҳида хумдонларда эритилиб, ундан соф металл ажратиб олинган. Металл тош ва терракада қолипларга қуйилиб, ундан турли шакллардаги қурооллар ва безаклар ясалган.

Бронзанинг кашф этилиши билан меҳнат қуроолларининг тури кўпайди, ҳарбий қуроолларнинг хилма-хиллиги ва жанговарлиги ортди. Бронзадан

ясалган уй-рўзгор буюмлари пайдо бўлди. Аммо меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун бронза нодир ва камчил металл бўлиб қолаверди. Кўпчилик меҳнат қуроллари тайёрлашда аввалгидек тош ва ёғочдан кенг фойдаланилди.

Бронзадан асосан турли безаклар, уй хўжалик буюмлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар ва меҳнат қуроллари ясайдиган махсус темирчилик, заргарлик устахоналари вужудга келди. Хунармандчиликнинг ихтисослашуви билан вилоятлараро айрабошлаш кучайди. Маданий вилоятларни иқтисодий жиҳатдан боғлаб турувчи табиий қарвон йўллари пайдо бўлди. Қуруқликдаги транспорт сифатида ҳайвонлар (хўкиз, от, эшак, туя) кучидан фойдаланиш бошланди. Ҳайвонлар қўшилган ғилидиракли аравалар вужудга келди. Масалан, бронза давридаёқ Бадахшон лалисининг Ўрта Осиёнинг ҳамма вилоятларига тарқалганлиги, ҳатто унинг Кавказ, Эрон ва Месопотомиягача бориб етганлиги фанда маълум.

Қадимги Мисрда, Олд Осиё ва Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон районларида мил. авв. IV минг йиллардаёқ савдо ва хунармандчилик ривожланган шаҳар-давлатлар вужудга келган. Давлат ҳокимияти, дин ва ёзув пайдо бўлган.

Бронза металлургияси Ҳиндистон ва Олд Осиё мамлакатларида мил. авв. III минг йиллардаёқ юқори даражадаги хунармандчилик ҳисобланарди. Қулдорчилик тузуми аллақачон ўрнатилган Қадимги Мисрда эса бронза металлургияси мил. авв. II минг йилликдагина ихтиро қилинди. Бронза Шимолий Хитойда мил. авв. II минг йилликнинг бошларида, ибтидоий жамоа тузуми ҳали мустаҳкам бўлган Ғарбий Овропада эса мил. авв. II минг йилликда кашф этилди.

Шарқий Овропа, Закавказье ва Ўрта Осиё вилоятларида ҳамда Жанубий Сибирда бронза асри мил. авв. III минг йилликнинг охирлари ва II минг йилликнинг бошларида бошланди.

Археолог олимларимизнинг Ўрта Осиё ҳудудларида, жумладан, Зарафшон водийсида олиб борган илмий ишлари шуни кўрсатадики, бронза даврида овчилик ва теримчилик ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда ўзининг дастлабки ролини йўқотди. Аҳолининг асосий яшаш манбаи чорвачилик, деҳқончилик бўлиб қолди. Аммо шимолий ўлкаларда ва даштлик саҳроларда яшовчи аҳолининг катта бир қисми узоқ йиллар ўзлаштарувчи хўжалик исканжасидан чиқа олмадилар. Масалан, калтаминорлик неолит даври қабилалари шулардан бири эди.

Ўрта Осиёда бронза даври ибтидоий жамоа хўжалиги икки минтақа бўйлаб ривожланишда давом этди. Унинг жанубий-шарқий ва марказий районларида, жумладан, Жанубий Сурхон воҳасида ва Зарафшон воҳасида мил. авв. II мингинчи йиллардаёқ суғорма деҳқончилик бронза жамоа иқтисодининг асосини ташкил этади. Фарғона водийсининг шимолий-шарқий районларида, Тошкент воҳасининг дарё ҳавзаларида, Қарши воҳасида ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари бронза даврининг сўнгги босқичларида, мил. авв. I минг йилликнинг бошларида ташкил топди. Ўрта

Осиёнинг камсув, чўл ва дашт районлари кўпроқ чорвачилик учун табиий-географик қулайликларга эга эди. Дарҳақиқат, бу ерлар қадимги чорвадор аҳолининг макони бўлди, деҳқончилик эса бу туманларда дарё ҳавзаларида, махсус суғоришни талаб этмайдиган, пасткам, ботқоқ жойларда, лимонларда олиб борилди.

Лимон деҳқончилиги учун, айниқса, Зарафшон, Амударё ва Сирдарё этаклари, уларнинг узан тармоқлари қулай бўлган. Бронза даврининг охирларига келганда, бу районларда ҳам кичик-кичик деҳқончилик воҳалари ташкил топа бошлайди. Чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашуви кучайди ва уларда ҳам кейинроқ суғорма деҳқончилик вужудга келади.

Ўрта Осиё энеолит ва бронза даври ўзининг бир қатор ўзига хос хусусиятларига кўра неолит давридан тубдан фарқ қилади. Бу даврда, биринчи навбатда, суғорма деҳқончилик базасида қад кўтарган доимий қишлоқларнинг кўпайиши, уларда яшаётган аҳоли сонининг тобора зичлашиб бориши ва янги ерларни жадал ўзлаштириш жараёнининг кучайиши кузатилади. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда қанчадан қанча маданият ўчоқлари вужудга келди, ибтидоий ҳунармандчилик хўжалигининг турли соҳаларида янгидан янги ихтиролар қилинди. Масалан, бронза металлургия ҳунармандчилиги, заргарлик, уй-жой қурилишида ғиштдан фойдаланиш, кулолчиликда чархдан фойдаланишга ўтиш уруғдошлик жамоасининг маданий хўжалик соҳасидаги йирик кашфиётларидан ҳисобланади.

Археологик материалларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиёнинг жанубий деҳқон жамоалари билан шимолий чорвадор қабилалари ўртасида ўзора иқтисодий, маданий ва қон-қардошлик муносабатлари кенг ривожланган. Бирининг маданий хўжалик ютуғидан иккинчиси фойдаланган. Бу икки минтақа ўртасидаги алоқалар ва этногенетик муносабатларнинг давом этиши натижасида ибтидоий жамоа экономикасининг асосини ташкил этган чорвачилик ҳамда деҳқончилик хўжалиги ва улар доирасида шаклланиб бораётган ҳунармандчилик янада ривож топган. Ҳар икки минтақа аҳолисининг маданий хўжалик ютуқлари ўз навбатида кўшни қабилаларга, жумладан, Зарафшон ҳавзаси маданиятига ҳам ўз таъсирини ўтказа борди. Шу билан бирга, улар ўзгаларнинг ҳам хўжалик ва маданий ютуғидан баҳраманд бўлиб бордилар.

Қабилалараро муносабатлар бронза даврида асосан «тинч йўл» билан давом этган. Чорвачиликнинг деҳқончилик вилоятларига «зўрлик билан» кириб бориши ҳам баъзан содир бўлган. Масалан, мил. авв. II минг йилларнинг ўрталарида Қозоғистон ҳудудида яшовчи «Андранова маданияти» қабилалар меросхўрлари аввал Ўрта Осиёнинг шимолий районларига, сўнг эса унинг то жанубий чегараларигача кириб бордилар. Археологик қазишма ишларининг кўрсатишича, Андранова чорвадорларининг сопол идишлари, жездан ясалган баъзи бир тақинчоқ ва меҳнат қуроллари Мурғоб воҳаси, Шеробод чўли, Копетдоғ ёнбағирларида қад кўтарган қадимги деҳқончилик қишлоқларида, Зарфшон водийсида ҳам

учрайди. Аммо бу ёдгорликларнинг бирортасида ҳам икки минтақа аҳолиси ўртасида содир бўлган «қирғинликлардан» ҳеч бир аломат сақланмаган.

Мил. авв. II минг йиллик давомида, айниқса, унинг тўртинчи чорагида «чўлли минтақа» чорвадорларининг жанубга юриши фаоллашади. Натижада Ўрта Осиё аҳолиси этник таркибида турли антропологик тил вакиллариининг аралаш жараёни жадаллашади.

Бронза даврининг сўнгги босқичларига келганда сунъий суғориш тизимида магистрал каналлар пайдо бўлади, хонаки чорвачилик ва мотиға деҳқончилигидан яйлов чорвачилигига, аниқроғи, чорвачиликнинг ярим кўчманчилик турмуш тарзига ўтиш содир бўлади.

Қадимги деҳқонлар дастлаб унча катта бўлмаган тоғолди сойлар ва дарёларнинг қуйи оқимлари ҳавзаларини ўзлаштирадilar. Бу манзара Ўзбекистон ҳудудида мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмида содир бўлди. Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий вилоятларида, яъни Копетдоғ тоғолди районларида эса бу ҳол анча олдин, неолит даврида бошланиб, энеолит даврига келганда янада кенг кўламга эға бўлди.

Археологик илмий-тадқиқот натижаларига кўра, мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмида, ҳатто ундан ҳам олдинроқ қадимги деҳқон жамоаларининг Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий минтақасидан шарқий районлари томон юришини кузатамиз.

Илк бронза даврида Мурғоб воҳасини ўзлаштирган қадимги деҳқонлар мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида Қадимги Бактрия ерларигача бориб етади. Мурғоб воҳасида, Шимолий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон ҳамда Жанубий-Ғарбий Тожикистон ҳудудларида уларнинг қишлоқлари қад кўтарди. Қишлоқлар атрофида экин майдонлари, деҳқончилик далалари пайдо бўла бошлади. Қадимги деҳқончилик қабилаларининг чорвачилик минтақалари чегараларига яқинлашиши улар ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига, подачи қабилалар минтақаларида ҳам деҳқончилик маданияти таъсирида аста-секин деҳқончилик ўчоқларининг вужудға келишига олиб келди. Бу тарихий жараёнлар Зарафшон ҳавзасини четлаб ўтмаган.

Ибтидоий жамоа тузумида Ўрта Осиё шароитида юз берган ана шу тарихий жараёнларнинг археологик тафсили ҳақида М.Жўракуловнинг «Ўрта Осиё ибтидоий археологияси» китобида атрофлича ёритилган.³⁴ Демак, металлнинг турмушға кириб келиши инсоният томонидан яратилган буюк кашфиётлардан бири бўлиб, бу ҳодиса ишлаб чиқариш кучларининг кескин ривожланишига олиб келди. Кундалик эҳтиёждан ортиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар муайян жамоалар ихтиёридаги бойликка айланиб борди ва кишини киши томонидан эксплуатация қилиш асослари ташкил топди. Ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган маҳсулотлар қўшимча қиймат сифатида товарға айланди ва савдо-сотикқа кенг шароит яратилди. Шу тарзда хусусий мулкчиликнинг шаклланиши уруғ-жамоаларининг, шунингдек, ибтидоий

³⁴ Жўракулов М.Ж. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси. –Тошкент, 1984. –Б. 141-205.

тузумнинг емирилишига ва дастлабки синфий жамиятнинг пайдо бўлишига олиб келди.

9.3. Металлнинг ер юзи бўйлаб тарқалиш тарихидан

Мис ва қалай сероб вилоятларда яшаган қабилалар металл ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган бўлиб, бу районлардан қўшни мамлакатларга ҳам тарқалган. Миср, Эрон, Кичик Осиё, Арабия ва Арманистон мамлакатларида дастлаб кенг тарқалган. Қалай, рух эса Эрон ва Арабия мамлакатларида сероб бўлган. Овропада қадимги мис конлари Испания, Франция, Австрия, Венгрия ва Англия каби мамлакатларда очилган эди. Қадимги қалай ва рух конлари Испания ва Англияда сероб топилган. Мис ва қалай Жанубий Хитойда, Шимолий Ветнамда маълум эди. Бронза асрига оид йирик металлургия марказлари аввалги Иттифок ҳудудидаги Кавказда, Уралда, Қозоғистонда, Иртишбўйи ва Енисей хавзасида маълум эди. Металлдан ишлаб чиқарилган энг қадимги қуроллар ўзининг шакл-шамойили билан тош қуролларни такрорлаган. Одамзод аста-секин металлдан ҳўжалик учун зарур қурол шакллари яратишга эришади. Дастлабки металл қуроллардан болта, болға, тўқмоқ, кайла, мотиға, ўроқ, пичоқ, ханжар, қилич, секирлар, найза тиғи, пайкон ва бошқаларни ишлаб чиқишганлар.

Бронза асрининг аниқ хронологик чегарасини кўрсатиш қийин. Дастлаб бронза мил. авв. III мингинчи йилликнинг ўрталарида Жанубий Эрон, Месопотомия ва Жануби-Шарқий Осиёда маълум эди. Мисрда ва Ҳиндистонда энг қадимги бронза қуроллари мил. авв. II минг йиллик бошларидан маълум. Бронзадан Хитойда мил. авв. XVIII асрда кенг фойдаланилган. Америкада эса фақат мил. авв. I мингинчи йиллардан маълум.

Мил. авв. III ва II минг йилликлар давомида бронза индустрияси Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Кипр ва Крит оролларида, мил. авв. II минг йиллик давомида бронза бутун Овропа ва Осиёда кенг тарқалган. Овропа мамлакатларида бронза асри асосан мил. авв. II минг йилликка тўғри келади. Темирнинг ҳаётга кириб келиши билан бронза одатда ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқарилади. Бу жараён анча узоқ кечган.

Илк темир асри хронологик жиҳатдан анча қисқа даврни ўз ичига олади. Темир бирмунча кенг тарқалган металл бўлишига қарамасдан, ундан фойдаланиш анча мураккаб кечган. Чунки темир соф ҳолда учрамайди ва уни рудадан ажратиб олиш мураккаб иш бўлган. Уни қайта ишлаш ҳам қийин кечган. Энг қадимги вақтларда темир метроит сифатида одамларга таниш бўлган. Ўша замонларда ундан айрим тақинчоқ ва безаклар ясалган. Миср қабрларидан мил. авв. IV мингинчи йилликнинг бошларига тегишли темир предметларнинг топилганлиги маълум. Мил. авв. 3 мингинчи йилликнинг биринчи ярмида Миср, Месопотомия ва Кичик Осиё мамлакатларида табиий темирдан майда предметлар ясалганлиги маълум. Энг дастлабки вақтларда рудадан темирни ажратиб олиш махсус камерада оловни пуркаш орқали ҳаво босимини юбориш йўли билан олинган. Бу технологик усул мил. авв. II

мингинчи йилларга келиб ташкил топади. Бу технологик усул дастлаб мил. авв. XV асрда хеттлар томонидан ўзларига бўйсундирилган бўлиб, Арманистон тоғларида вужудга келди. Сўнгра бу технология орқали майда предметлар ишлаб чиқариш Овропада, собиқ Иттифоқнинг жанубий вилоятларида, шунингдек, Германия ва Италия бўйлаб тарқалади. Мил. авв. 2 минг йилликка келиб, темирдан турли қуроллар, шунингдек, жанговар қуролларни ишлаб чиқариш Олд Осиё бўйлаб кенг тарқалади. Ундан Греция, Ҳиндистон, Сибир ўлкаларига етиб боради. Бу вақтга келиб Шарқий Овропалик аҳоли ҳам темир ишлаб чиқариш билан танишадилар. Мил. авв. I мингинчи йилларга келиб, Марказий, Шимолий ва Ғарбий Африка вилоятларида темирдан фойдаланиш бошланади. Мил. авв. VIII-VII асрларда темир қуроллар собиқ Иттифоқнинг Овропа қисми даштлари ва Ўрта Осиё бўйлаб тарқалади. Шу вақтда бу жараён Месопотомия ва Эрон ҳамда Овропанинг Алп тоғлари Шимолий вилоятларига тарқалди. Мил. авв. V асрга келиб темир Овропанинг узок шимолий туманларига ҳамда Хитойга кириб борди. Индонезия ва Ҳиндихитой музофотларига темир янги аср бошларида кириб борган. Америка, Австралия ва Тинч уммонининг кўпгина оролларида темир милодий 2 мингинчи йилликдан маълум. Бу ҳудудларга европаликлар темирни ўзлари билан бирга олиб келган. Қадимги металлурглarga рудадан темир олиш анча қийин кечган.

Рудани суяқ ҳолга келтириш учун 1528⁰ иссиқлик бериш керак бўлган. Шунинг учун ҳам дастлабки вақтларда фақат темир хамирини олишга муваффақ бўлишганлар. Бундай темир хамирини олиш учун махсус мосламадан оловни босим орқали пуркаш учун ҳаво босими юборилган. Темир рудасига углерод аралашмасини қориштириш билан 1100-1350⁰ температура берилганда темир олиш мумкин бўлган. Бу ишлар махсус печларда рудани тахлаб солиб, чармдан ясалган ҳаво босими юбориш мосламаларидан фойдаланилган. Печнинг тагида хамирсимон темир массаси тўпланган. Унинг оғирлиги 1 кг дан 8 кг гача бўлган. Бу олинган темир массаси (хамир) болғалаш йўли билан тиғизлаштирилган ва шлакдан тозаланган. Сўнгра ундан зарур қурол-аслаҳалар тайёрлашга киришилган. Темирнинг турмушга кириб келиши оқибатида бронза ва тош буюмлар ҳўжалик юритишдан сиқиб чиқарилди.

Темирнинг кашф қилиниши ва ундан турмушда фойдаланиш жиддий муҳим аҳамиятга эга эди. Айниқса, деҳқончилик ва чорвачилик, шунингдек, кўпгина ҳўжалик тармоқларини ривожланишини таъминлашда темир муҳим рол ўйнади.

Неолит ва энеолит даврларида пайдо бўлган деҳқончилик техник жиҳатдан анча заиф, қолоқлиги билан ажралиб турарди. Хусусан, тошдан ва мисдан ишлаб чиқилган қуроллар билан чакалакзорни, ўрмонли жойлардан деҳқончилик қилиш учун ер тайёрлаш қийин кечарди ва кўп вақтни талаб қиларди. С.А.Семеновнинг тажрибаларига қараганда, мисдан ишланган қуроллар билан ер очиш меҳнатни икки баравар камайтирган, холос. Бронзадан тайёрланган болта қуроллар янги ерларни тайёрлашда меҳнат

унумдорлигини муайян даражада оширган. Дехқончилик майдонлари кенгайган ва кўпайган. Заранг ерларни юмшатишда, шудгор қилишда дастлаб одамлар гуруҳи кучидан фойдаланган бўлса, бронза даврида ер ҳайдашда, уни шудгорлашда ҳайвон кучидан фойдаланишга ўтилган. Хуллас, металлнинг хўжаликка кириб келиши билан қўл омовчи билан ер юмшатишда, аниқроғи, шудгор қилишда ерни металл тишли омовчилар билан ҳайдашга ўтилди. Дастлабки вақтларда ер ҳайдаш ва шудгор қилишда тортувчи куч сифатида одамлар меҳнатидан фойдаланилган. Омовчи одамлар кучи билан юритганлар. Кейинчалик, бронза давридаёқ ерни шудгорлашда эшак ва ҳўкиз кучидан фойдаланишга ўтганлар.

Бронза ва темирдан фойдаланиш ҳунармандчиликнинг ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бу борада металлургиянинг вужудга келиши катта аҳамиятга эга бўлди. Эндиликда металлдан турли қуроллар, уй-рўзгор буюмлари, тақинчоқлар, жанговар қуроллар тайёрлана бошланади. Масалан, бронзанинг пайдо бўлиши билан қилич ва жанговар арава пайдо бўлди, ҳимоя буюмлари кенг тарқалди. Темир ҳунармандчилик ассортиментининг янада кўпайишига олиб келди.

Хуллас, темирнинг пайдо бўлиши ҳунармандчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Маълумки, тошдан, суякдан меҳнат қуроллари ясаш, кулолчилик, ип йиғириш, ҳатто бронзани қолипларга қуйиш ишлари ҳар бир жамоа аъзосининг қўлидан келарди. Аммо металлургия эса алоҳида махсус қурилма печларнинг ташкил қилинишини, бунинг учун катта ва бой тажриба ҳамда билимни талаб қиларди. Металл олишни профессионал ихтисосга эга кишилар бажара олиши мумкин эди. Этнографик материалларга қараганда, ибтидоий замонларда чилангарлар аҳолининг алоҳида тоифасини ташкил қилиб, улар жуда ҳурматланганлар. Археологлар томонидан ўрганилган алоҳида чилангарлар қишлоқлари бу жараёндан гувоҳлик беради. Масалан, Зарафшон водийсида Тўқайли, Жом, Қортепа металлурглари қишлоқлари ўрганилган. Чилангар – темирчи усталар ҳунармандчиликнинг профессионал ташкилотчилари эди. Жамоалар орасида ҳунарманд профессионаллар чиқа бошладилар ва улар аҳолининг алоҳида тоифасини ташкил қиларди. Шу тарзда инсоният тарихида иккинчи ижтимоий меҳнат тақсимоти – деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши содир бўлди.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг вужудга келиши билан айрабош ишлари ривожланди. Савдога чиқарилган маҳсулот эндиликда товарга айланди. Маълумки, ибтидоий уруғчилик босқичида ҳам «табиий» мол алмашув бўлган. Аммо меҳнат тақсимотининг вужудга келиши билан мол айрабош ҳақиқий иқтисодий айрабошга айланди. Масалан, деҳқонлар ўзларида йўқ чорва маҳсулотлари бўлган жун, тери, гўшт, айниқса, ишчи ҳайвон қабиларни чорвадорлардан ўз деҳқончилик маҳсулотларига айрабош туфайли фойдаланган. Чорвадорлар ҳам ўз навбатида деҳқончилик маҳсулотларини, хусусан, ғалла, кулолчилик буюмлари, металл ашёларни заруриятга қараб деҳқонлардан мол алмашув орқали олишганлар.

Жамоалараро айрабошнинг вужудга келиши ва ривожланиши қатор ижтимоий институтларнинг, жумладан, меҳмондорчилик, бир-бирини ҳурмат қилиш, ҳаётини асраш ва буюмларини сақлашга кафиллик бериш кабиларнинг ташкил топишига олиб келди. Эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисми товар сифатида ажратилиб қўйиладиган бўлинди. Бу маҳсулотлар мол алмашувга чиқариларди. Мол алмашувнинг иқтисодий омилларидан бири бўлган товар эквиваленти (баҳоси) белгиланадиган бўлди. Дастлабки вақтларда товар эквиваленти (баҳоси) бўлиб турли предметлар ҳисобланган: ақула тиши, чиғаноқ, турли тақинчоқлар, мато парчаси, тош халқа ва бошқалар. Масалан, Мальдовск оролларда қаура чиғаноғи мол алмашувда эквивалент ролини ўйнаган. Самарқанд сўнгги палеолит маконидан махсус тешилган денгиз чиғаноқлари топилган бўлиб, улардан тақинчоқ сифатида мол алмашувда ҳам фойдаланилган. Бу топилмаларнинг асли ватани Ҳинд уммони ва Қизил денгиз қурфазлари ҳисобланади. Демак, бу хилдаги чиғаноқлар Зарафшон водийсида жамоалараро бўлган маданий ва иқтисодий алоқаларнинг натижаси бўлса керак.

Мол алмашувнинг такомиллашиб бориши туфайли қарвон йўллар қурилади, ғилдиракли аравалар пайдо бўлади. Мил. авв. 2 мингинчи йиллардан транспорт воситаси сифатида отлардан фойдаланишга киришилади.

Ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши, меҳнат тақсимотларининг тобора кучайиши ҳунармандчиликда ҳам, деҳқончиликда ва чорвачиликда ҳам кундалик эҳтиёждан ташқари зиёд маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши орқали унинг муайян қисми бойлик келтирувчи товарга айланади. Бу жараённинг доимий такомиллашиб бориши қўшимча меҳнатни талаб қиларди. Бу ҳодиса бир кишининг ишлаб чиққан маҳсулотини иккинчи киши томонидан ўзлаштиришга олиб келди. Бу жараённинг тобора ривожланиши эса эксплуатациянинг вужудга келишига замин яратди. Шундай қилиб, биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимотининг ташкил топиши жамиятнинг биринчи марта икки синфга – ҳукмдорлар ва қуллар, эксплуатация қилувчилар ва эксплуатацияга гирифтор бўлган аҳолининг пайдо бўлишига олиб келди.

Хуллас, ибтидоий уруғ-жамоаларининг емирилиши асосида ишлаб чиқаришнинг йирик сакраши, ишлаб чиқариш кучларининг кескин ривожланиши, айниқса, бу борада деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликда эришилган буюк ютуқлар негизида металлнинг турмушга татбиқ қилиниши, ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви каби омиллар ётарди.

9. 4. Ибтидоий жамият тузумининг емирилиш шакллари

Ибтидоий жамият тузумининг инқирозга учраши ер юзи китъаларида турлича кечган. Бу инқироз қонуниятлари жаҳоннинг барча вилоятлари ибтидоий жамоалар тузумига тааллуқли бўлиб, айрим экологик жиҳатдан маъқул минтақаларда мил. авв. 3-2 минг йилликларда бу жараён бошдан

кечирилган. Жумладан, Месопотомия, Миср ва Ҳинд хавзаларида, шунингдек, табиий-географик жиҳатдан маъқул бўлган Океания, Африка ва Американинг айрим вилоятларида ҳам бу жараён сўнгги даврларгача давом этган. Ибтидоий жамиятнинг емирилиши турли аниқ шарт-шароит билан боғлиқ бўлиб, у ёки бу жамоаларда хўжалик фаолиятлари билан ҳам боғлиқ бўлган. Айрим вилоятларда бу тараққиёт жараёни цивилизацияси анча эрта пайдо бўлган ҳолда қўшни қабилалар ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ибтидоий жамиятнинг қандай жараён билан боғлиқ ҳолда емирилишидан қатъий назар уруғчилик тузумининг емирилиши икки асосий шаклдан иборат бўлиб, уни патриархат ва сўнгги матриархат деб аташ мумкин. Патриархат атамаси юнонча сўздан олинган бўлиб, патер – ота ва архе – бошланиш, ҳукмронлик мазмунини англатади.

Археологик ва этнографик манбаларнинг берган маълумотларига қараганда, Зарафшон водийси ибтидоий жамоаларида ҳам бу жараён динамикаси кўпгина бошқа минтақаларга муайян даражада ўхшаш кечган. Юқорида биз ишлаб чиқариш кучларининг янги ва кескин юксалганлигини кўриб ўтдик. Бу жараён жинслар орасида меҳнат тақсимотининг кескин даражада ривожланиш тартибини келтириб чиқарди. Дастлабки мотиға деҳқончилигидан кескин фарқли ўлароқ, шудгорлаш билан боғлиқ деҳқончилик асосан эркаклар меҳнати билан боғлиқ эди. Чорвачилик ҳам фақат эркаклар иши эди. Металлургия ихтисоси ҳам эрлар машғулотидан иборат эди. Секин-аста эрлар меҳнатига бўлган эҳтиёж доимий равишда кучайиб борди. Масалан, ер ҳайдаш, чакалакзорлар ва ўрмонзорларни қирқиб янги ерлар очиш, сув иншоотлари барпо этиш каби оғир меҳнат эрларнинг меҳнатига бўлган талабнинг тобора ошиб боришини тақозо қиларди. Аёллар меҳнати аста-секин уй хўжалиги билан боғлиқ бўлиб қолади. Шу жумладан, кулолчилик ва тўқимачилик ҳам аёллар иши бўлиб, кейинчалик бу соҳалар ҳам ихтисослашган ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига ўтилган.

Меҳнат тақсимотининг ўзгариши муносабати туфайли жинсларнинг ижтимоий аҳволи ҳам ўзгариб борди. Эрлар ишлаб чиқаришда асосий ролни эгаллаши билан уларнинг мавқеи оилада ва жамоада ҳам ошиб борди ва она уруғининг ота уруғи билан алмашивуга, яъни патриархатнинг бошланишига олиб келди. Бу икки бошланган қарама-қарши кучларнинг кураш жараёни патриархал тузумининг бошланишига олиб келди. Бу жараён турли вақтларда турлича кечган бўлса-да, бутун жаҳон аҳолиси уни ўз бошидан кечирган. Демак, диалектик нуктаи назардан матриархат уруғчилик тузumi патриархатга ўз жойини бўшатиб берди. Бу жараён жаҳоннинг турли минтақаларида бир зайлда кечмаса-да, бироқ у содир бўлган. Чорвадор ва плуг-омоч деҳқончилиги билан машғул бўлган жамоаларда патриархал тузumi жадалроқ кечган бўлиб, уруғдошлик жамоаларининг емирилиши патриархал шаклда кечган. Бироқ айрим мотиға деҳқончилиги билан машғул бўлган жамоаларда патриархал тузумга ўтиш анча секин содир бўлган. Уларда ҳали она уруғдошлик муносабатлари кучлироқ сақланган бўлиб, ибтидоий уруғчилик жамоаларининг емирилиши сўнгги матриархат тузumi

билан боғлиқ кечган. Бу жараён анча секин содир бўлса-да, патриархат тузумда матриархат анъаналари узоқ вақтлар кучли сақланиб қолган.

9. 5. Патриархат

Она уруғдошлик муносабатларидан патриархал тузумга ўтиш уруғнинг барча хўжалик, ижтимоий ва мафкуравий ҳаётини қамраб олган эди. Бу жараён, биринчи навбатда, янгитдан вужудга келган ва иқтисодий ячейкани ташкил қилган алоҳида оила ва бутун оила-никоҳ муносабатларини қамраб олган эди.

Оилаларнинг алоҳида хўжалик юритиши унинг мустаҳкам коллектив бўлиб яшашини талаб қиларди. Шу муносабат туфайли унча мустаҳкам бўлмаган никоҳ билан боғлиқ жуфт оилалар жамоадан сиқиб чиқарилади ва мустаҳкам оила қуриш учун эр-хотинларнинг мустақил оила ташкил қилиши талаб қилинади. Бу мустаҳкам оила шакли моногам никоҳ бўлиб, оналарга нисбатан оталарнинг роли янада ошиб борди. Шунингдек, эркакларнинг хўжаликдаги ролининг янада кучая бориши никоҳ муносабатларининг локаллигига ўзгариш киритишни тақозо қиларди. Шу муносабат билан эндиликда аёлларникига эрлар эмас, балки аёлларнинг эрлар томонга ўтиб оила қуриш йўлга қўйилади. Аниқроғи, оила муносабатларида янги шакл никоҳ муносабатлари йўлга қўйилди. Агар илгари уруғ-жамоалари ҳукм сурган босқичда эрлар жуфт оила қуришга киришиб, келин томонга, унинг қавм-қариндошига камгина буюм, маҳсулот кабиларни совға қилиб оила курган бўлса, патриархал тузумнинг бошланиши ва моногам оила шаклининг ҳаётга жорий қилиниши билан эрлар бўлажак завжасини ўзига олиб кетиши муносабатлари йўлга қўйилди. Бунинг учун киши аёлининг баҳосини тўлаши керак бўларди. Бу ҳолат эса унинг меҳнат кучи учун ҳам ҳақ тўлаш дегани эди. Шундай қилиб, сотиб олиш никоҳи вужудга келади. Бунинг учун куёв бўлмиш келин томонга совғалар қилиб, хуллас, уни сотиб олиш билан боғлиқ оила муносабатлари ташкил топади. Бу ҳолат славянларда сотиб олиш, туркларда қалин, арабларда маҳр деб аталган. Шунинг билан бир вақтда унча кенг тарқалмаган урф-одат бўлса-да, айрим халқларда мажбурий никоҳ қилиш, аёлни олиб қочиш одатлари ҳам бўлган. Кўпгина этнографлар оиланинг бундай шаклининг вужудга келишини келин томонга қавм-қариндошлар билан доимий ўзаро алоқани узмаслик учун қилинган деб тушунтирадилар.

Моногам оила муносабатларига ўтиш узоқ вақтни талаб қилган, албатта. Унинг сабабларидан бири иқтисодиёт ёки хўжалик юритишда эрларнинг меҳнатига талаб ва эҳтиёж борлиги билан ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, С.Крашининников Камчаткада яшовчи маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини ўрганиб, никоҳ, оила муносабатларини ҳам ўрганган. Унинг берган хабарига қараганда, эр киши бўлажак келин томонли қавм-қариндошникига келиб, унинг хўжалигида меҳнат қилиб, ўзининг муносиб томонларини кўрсата олгандан сўнг келинни ўзи билан олиб кетишга розилик олган. Бу ҳолат патриархал жамиятнинг ривожланган босқичида ҳам

хамон матриархал аломатларнинг излари сақланиб қолганлигидан гувоҳлик беради.

Патриархал тузумга ўтиш ва моногам оиланинг ташкил топиш комплексида узоқ вақтлар фарзанд кўриш ҳисоби она томонида бўлган. Аёл никоҳга ўтгандан сўнг эркак хонадонига келган бўлса-да, туғилган бола муайян ёшга етгунга қадар она билан яшаб, сўнгра она уруғи қавмлариникига қайтган. Бу одат узоқ вақтлар ва кўпгина халқлар турмуш тарзида сақланиб келган. Бола она уруғига қайтгач, унинг энг яқин қариндоши боланинг онасининг акаси – тоғаси ҳисобланади. Сўнгра бола ўз онаси бобосининг ихтиёрига ўтган. Куёв эса бобоси уйида яшаб, унинг хўжалигида меҳнат қилган ва унинг насихатларига эътибор қилган. Бу оила ва унга тегишли бўлган аъзолар, болалар, унинг куёви бирлашмаси авенкулат оила деб аталган. Хуллас, она томон оила қариндошлари куёв ва унинг бобоси болалари авенкулат, яъни она томонидан бобоси оилада алоҳида нуфузга эга эди. Кўпгина халқларда, жумладан, кавказликларда, кельтларда, германларда, славянларда бу тартиб оталиқ деб аталиб, она томон бобонинг ихтиёрига тааллуқли бўлган бўлиб, ўз боласи эмас, балки бошқа оиланинг тарбиячиси ҳам эди. Умуман олганда, бу шаклдаги никоҳ шакли кўпгина халқлар ҳаётида узоқ сақланган. Хуллас, онанинг акаси оилада коллективда асосий ўрин эгаллаши билан у шу оила болалари ва набираларининг ҳимоячиси ҳам эди.

Алоҳида оилаларнинг вужудга келиши билан улар ўз хўжаликларини юритиб, ўз уруғидан ташқарида ўз оила мулкига эга эдилар. Эрлар бу мулкларни ўз болаларига беришга ёки қолдиришга ҳаракат қилардилар. Умуман қаралганда, матриархатдан патриархатга ўтиш жараёни узоқ ва кўпгина қарама-қаршиликлар орқали содир бўлган.

Патриархат тузумга ўтиш секин-аста амалга ошса-да, эндиликда оила бошлиқлари эрлар ҳисобланарди. Ҳар бир оила ўз уруғи таъсиридан чиқиб, мустақил оила қилишга ҳаракат қиларди. Бу ҳолат ибтидоий уруғчилик тизимининг аста-секин емирилишига сабабчи бўлди. Ҳар бир оила иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишга ҳаракат қиларди. Бу ҳолат эса уруғ жамоасининг аста-секин емирилишига олиб келган. Дастлабки алоҳида оила шакли катта оила ҳисобланган. Бу шаклдаги оила аслида оила жамоаси бўлиб, патриархал оила эди. Катта патриархал оила ота томонидан бир қатор яқин қавм-қариндошлар: ука-укалар, уларнинг болалари, набиралари ҳамда катта ёшдаги эркакларнинг хотинларидан иборат эди. Катта патриархат оила таркибига қуллар ҳам кирар эди. Этнографик тахминларга қараганда, шундай катта оиланинг одам сони икки юз, ҳатто уч юз кишидан иборат бўлган. Оила аъзолари битта ҳовлида бирга яшаганлар. Оиланинг ер хўжалиги, чорваси бўлган, ишлаб чиқаришни бирга олиб борган, ҳосил бўлган маҳсулотдан биргаликда фойдаланган. Умумий заҳира ҳисобидан уст-бош, кийим-кечакка эга бўлган. Оилада эрларга оила бошлиғи эркак киши, аёллар бўйича унинг хотини «катта хотин» бошчилик қилган. Бошлиқ эркак қобилятсиз бўлса, унинг ўрнига бошқа қобилятли киши «бошлиқ» этиб сайлаб қўйилган. «Катта бошлиқ» эр ва «катта хотин» бутун хўжалик ва жамоатчилик

ишларига, тартиб-қоидаларнинг сақланишига барабар раҳбарлик қилган. Заҳирадаги мулкнинг тартиб билан харажат қилинишига ҳамда оила култига раҳбарлик қилган. Умумий харажатлар, шунингдек, ёшларни уйлантириш, кизларни турмушга чиқариш каби масалалар катта ёшдаги оила аъзолари ҳисобидан сайланиб қўйилган умумий кенгашда ҳал қилинади. Бу кенгашга катта ёшдаги аёллар ҳам аъзо бўлиши мумкин эди. Шундай қилиб, патриархат оила аввалги уруғ-жамоачилигидан фарқли равишда муайян ижтимоий ва иқтисодий ячейкага айланган бўлиб, бироқ ҳали ибтидоий тизим коллективчилиги сақланиб қолган эди. Патриархал оила кенгайиб бориши оқибатида кичик оилалар ташкил бўлиб, улар бир-бирига қавм-қариндош ҳисобланиб, оилавий қўшничилик тартибида яшашганлар. Катта патриархал оиланинг ўз тасарруфида хўжалик ери, моли, томорқаси бўлиб, ундан фойдаланишда ҳамда меҳнат қилишда, умумий мулк заҳирасини бойитишда кичик алоҳида яшаётган оилалар ҳам баббаравар иштирок қилишган. Бинобарин, катта патриархал оила қон-қардошлик таркибидан иборат эди. Катта патриархал оила ўз номига эга бўлган. Бу таркибдаги кичик оилани этнограф М.О.Косвен «Патраномия» деб ҳам атаган (патер – ота, онома – исм). Патриархал оила ўзининг келиб чиқиш аждодлари ҳисобига патриархал уруғ ҳам деб аталган.³⁵ Патриархал уруғга ер мулки, ички тартиблар, кичик патраномия оилалар ҳам тегишли эди. Бундай оилада молу мулкни авлодларга мерос қолдириш одати ҳам бўлган. Патриархал уруғ жиддий экзогам шаклда эди. Ижтимоий жиҳатдан уруғ аъзолари бир-бири билан ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик қилишда, бир-бирини ҳимоялашда, мафкуравий соҳада эндиликда тотемистик диний тасаввурлар эмас, балки антропологик культга эга эдилар. Диний ва дунёвий урф-одатлар, байрамлар биргаликда, ҳамжиҳатликда ўтказиларди. Патриархал уруғ оиланинг кенгая бориши билан ундан кичик оилалар ташкил топиб, аста-секин муайян қишлоқлар ташкил қилинган. Кўп ҳолатларда бу қишлоқлар бошқа патриархал оила ҳисобидан ҳам кенгайиб ёки кўпайиб бориши оқибати уруғчилик муносабатларига путур етказди. Эндиликда бир қишлоқдаги оилалар ҳар хил уруғлардан кўчиб келиб, ўрнашиб қолиш жараёнида уруғчилик жамоалари ўрнига кўни-қўшничилик жамоалари ташкил топади.

Патриархат тузумнинг тобора ривожланиши туфайли аёлларнинг оилавий ва жамоатчилик фаолияти пасая борди. Бундай бўлишга кўп ҳолатларда никоҳнинг сотиб олиниши ҳам сабаб бўлган. Агар ибтидоий уруғдошлик даврида уйланиш ёки никоҳга ўтиш турли совғалар билан кифояланган бўлса, патриархал оила даврига келиб, аёллар сотилган ва сотиб олинган. Эндиликда аёллар муайян предмет сифатида сотиларди ва сотиб олинарди. Агар аёл киши ўз туғишганлари уйига қайтмоқчи бўлса, бундай ҳолатларда хотинлик учун қилинган харажатлар тўланиши ёки қайтариб берилиши шарт эди. Турмушга бериладиган киз ўзининг катта уруғдошига сўзсиз бўйсиниши талаб қилинарди. Агар турмуш курган аёлнинг эри вафот

³⁵ Косвен М.О. Матриархат. История проблемы. –М.-Л., 1948. –Б. 93-94.

этган такдирда ҳам аёл киши уни сотиб олган оила қариндошларининг мулки ҳисобланарди. Шу муносабат билан левират одати ҳам келиб чиққан. Яъни эри ўлган аёл ўлган эрнинг бирор-бир акаси ёки укасига хотин бўлиш таркиби жорий қилинган. Аста-секин аёлларнинг ҳуқуқи бола тарбиясидан ҳам четлатила бошланади. Агар эр-хотин ажралишса, бола ота билан қоларди. Эндиликда аёллар томонидан содир этилган ахлоқий ёки бевафолик тартибсизлиги учун у қаттиқ жазоланарди, ҳатто айрим қабилаларда ўлим чораси қўлланилган. Ф.Энгельснинг ибораси билан айтганда, патриархат тузумининг ривожланиши билан аёллар барча имтиёзлардан маҳрум бўлди, оддий қулга айланди ёки бола туғиш қуролига айланди.

9. 6. Хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг вужудга келиши

Ибтидоий уруғчилик жамиятининг емирилиши қайси бир шаклда кечган бўлишидан қатъий назар бу даврнинг асосий мазмуни хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Юқори сатрларда эслатилганидек, ибтидоий тузумнинг емирилишида хусусий мулк, синфлар ва давлатчиликнинг пайдо бўлиши бош масала эди. Умумий тарзда қаралганда, хусусий мулкчилик, синфлар ва давлат ибтидоий жамиятнинг емирилиш муносабати билан вужудга келди.

Хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ҳақида сўз борганда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлиги ошиши билан ишлаб чиқаришнинг индивидуаллашуви юзага келди, шу асосда эҳтиёждан зиёд қўшимча маҳсулот пайдо бўлди. Бу зиёд маҳсулотларни бир киши ишлаб чиққан бўлса, иккинчи киши ундан текинга фойдаланиш жараёни вужудга келади. Ишлаб чиқаришнинг тобора ривожланиши билан эҳтиёждан ташқари мол алмашув доимий жараёнга айланиб, товар ишлаб чиқарилиши билан доимий мол алмашувни таъминлади. Шу тариқа хусусий мулк эркинлиги пайдо бўлиб, бу ҳодиса аввалги уруғчилик тузуми давридаги айрабошдан тубдан фарқ қиларди. Хуллас, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши дастлабки эксплуатация муносабатларига йўл очиб берди. Аслини олганда, меҳнат тақсимотининг вужудга келиши ҳар бир индивидуумнинг мустақил меҳнат қилишига ва хусусий мулкка эга бўлишига имконият яратди. У ўз мулкини ёки маҳсулотини бозор савдосига чиқаришга имконият туғилди.

Дастлабки вақтларда хусусий мулкчилик, эҳтиёждан зиёд маҳсулотлар бойлик сифатида алоҳида оилалар ихтиёрида ташкил топди. Бундай бойлик дастлабки вақтларда озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари, металл, ишлаб чиқариш инвентарлари, қуроллар қабилар бўлган, чорвачиликни билган оилаларда моллар ҳам хусусий мулкчиликка тааллуқли бўлган. Энг дастлабки хусусий мулклардан бири қуллар ҳам эди. Аста-секин, табиийки, кимки зиёд маҳсулотларга эга бўлса, уни янада кўпайтириш чораларини кўриб, бойликни ҳазинага айлантириш ва шу тарзда товар ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат замирида маҳсулот ёки товарнинг қиймат эквиваленти ва баҳосини белгиловчи пул предметлари вужудга келади.

Этнографик манбаларга қараганда, бойликнинг тўплана бориши, аввало, уруғ-қабилавий бошлиғи, доҳийларнинг ихтиёрида бўлган.

Тушунарлики, айнан улар бойликни сақлаш ва тақсимлаш, савдога чиқариш ҳуқуқига эга эдилар. Аслида бу бойлик ва маҳсулотлар бутун жамоаники ҳисобланарди. Масалан, мелонизиялик қабилаларда бошлиқлар жамоанинг барча бойликларига хўжайинлик қиларди. Бундай бойлик денгиз чиғаноқлари бўлиб, зарур вақтда ижтимоий заруриятга йўналтириларди. Бошлиқлар кам таъминланган оилаларга қуроллар ишлаб чиқариш ишларига бошчилик қиларди ва жамоага тааллуқли бойликнинг маълум бир қисми сарфланарди. Бошлиқлар бойликлар заҳирасининг доимий равишда кўпайиб боришига ғамхўрлик қилишарди. Бошлиқнинг бойлик ҳисобида 4 йирик қайиқ, 4 қул, 40 денгиз мушугининг териси, 120 дан зиёд бошни ёпиб юрадиган соябони, бошқа бир бошлиқнинг ҳам 4 та катта қайиқ, 6 та қул, 60 теридан тикилган одеял ва 200 бошга ёпиниб юрадиган соябон бўлиши мумкин эди.

Хусусий мулк ҳақида археологик манбалар ҳам қизиқарли маълумот беради. Масалан, энеолит даври қабрларида турли буюмларни учратиш мумкин. Қўйилган нарсаларга қараб алоҳида оила ёки ҳукмдорларга тегишли эканлигини билиб олиш мумкин. Шундай қилиб, шахсий ва уруғ бошлиқларининг қабр дафнларини билиб олиш мумкин. Энеолит, бронза ва илк темир асрларига келиб, мўмай тангалар ҳазинасини, ёмби металл бўлагини, жанговар қурол ва қурол аслаҳаларни учратиш мумкин. Бундай ҳазиналар ўз даврида пул қийматини ҳам ўтаган бўлиши мумкин. Масалан, мил. авв. 2-минг йилликнинг охирига оид Майкоп қўрғонидан 2 м чуқурликда 6 м кумуш қубур устуни бор қабрда турли ашёларга бой эркак киши дафн қилинган бўлиб, у билан бирга кўпгина олтин безаклар, лазурат тақинчоқлар, ферузадан ишланган буюмлар, нақш бериб ишланган олтин ва кумуш идишлар, мис қурол-аслаҳалар қўйилган эди. Унинг билан бирга 2 та қул аёл жасади топилган бўлиб, уларга аталиб лаҳад қилинган буюмлар анча камбағал эди. Майкоп қўрғонига ўхшаш «князлар» қўрғонлари номи билан аталган дафн қўрғонлар Овропа ва Осиёнинг кўпгина вилоятларида кузатилган. Масалан, Зарафшон водийсининг Пайарик туманидаги Кўктепа илк шаҳарчаси бағридан бой маликанинг қабри топилган ва унинг билан бирга кўпгина олтин ва кумушдан ишланган безаклар топилган. Шунингдек, Ургут тоғи бағрида ўрганилган Мўминобод қишлоғи атрофидан аёлларга тегишли 6 та қабр ўрганилган. Дафн қилинган жасадларга тегишли турли-туман бой, ноёб заргарлик буюмлари топилган.

Хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши уруғ-жамоа анъаналари коллективи ўртасида жиддий қарама-қаршилик курашлар орқали кечган. Бой бўлиб бораётган одам жамоа орасида ўз обрў-эътиборини кучайтириш мақсадида, айниқса, бошлиқлар, доҳийлар турли зиёфатлар уюштирардилар, кўни-қўшни ва уруғдошларга хайриялар, совғалар берардилар. Хасис бойлардан унинг мол-мулкни зўрлаб тортиб олиш одатлари ҳам бўлган. Масалан, XVII-XVIII асрларда Сибирда яшаган буғубоқар чорвадорлардан айримларида алоҳида оилаларнинг 100 бошдан ортиқ буғуга эга бўлишига йўл қўйилмасди. Ортиқча буғуларни камбағал оилаларга ўз хоҳиши билан

тарқатиши одат бўлган. Башарти, бой буғучи хасис бўлса, унинг моли қўшни ёки қариндошлари томонидан мажбуран тортиб олинган. Этнограф Л.Посписилнинг маълумотига қараганда, Янги Зеландиялик папу кабилаларида ҳам агар бой мол-мулкдан камбағалларга ихтиёрий тартибда тарқатмаса, ундан мол буюмларини мажбуран тортиб олиш одати бўлган. Айрим халқларда, шу жумладан, шимолий-ғарбий ҳиндларда дастлабки вақтларда ўлган одамнинг мол-мулки атайлаб йўқ қилинарди. Кейинчалик эса бундай мулк, бойлик одамларга ҳадя сифатида тарқатиш удуми ҳаётга кириб келган. Шунингдек, ўлган одамларнинг буюм ашёларини байрамларда тарқатиш, байрам харажатлари учун унинг бойлигидан фойдаланиш одатлари ҳам қўлланилиб, бу ҳодисалар «патлач» номи билан аталган байрамларда ижроси таъминланарди. «Патлач» байрамлар ўтказиш орқали айрим кишилар ўз обрўсини оширарди, шу орқали бойлик орттирарди ва жамоада кўринарли вазифаларни ҳам эгаллашарди. Бундай урф-одатлар бир томондан хусусий мулкчиликка қарши бўлса, иккинчи томондан айрим шахсларнинг тобора бойиб боришини таъминларди.

Хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ерга бўлган жамоа мулкини сақлашга путур етказарди. Чунки жамоа ер мулки умумий меҳнат манбаларидан бири бўлиб, кўпчиликнинг турмушини таъминлашга қаратилган эди. Эндиликда ишлаб чиқариш қуроллари хусусий мулкка айланган бўлса-да, чорва яйловлари айрим оилалар томонидан ишлов бериладиган ер, ов ва балиқ тутиш бандаргоҳлари емирилиб бораётган коллектив мулки ҳисобланарди.

Меҳнатнинг индивидуаллашуви аста-секин хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлишига кўмаклашарди, шу асосда ерга бўлган мулкчилик ташкил топган. Бу жараён кескин курашлар туфайли содир бўлган. Бинобарин, шудгорланган ерлар, емишга сероб участкалар, ов майдонлари жамоа мулки ҳисобланарди. Лекин айрим оилалар бу имкониятдан фойдаланиб келардилар. Айрим кишилар ўзларининг ерларига бўлган манфаатли муносабатларини қаттиқ ҳимоя қилишардилар.

Хусусий мулкчилик муносабатлари катта оилага ҳам кириб келди. Бу эса катта оиланинг коллективлик тартибига путур етказди, унинг бошлиғи барча хўжалик ва бошқа ишларга шахсан раҳбарлик қилиш ва бу лавозимдан жудо бўлмасликка ҳаракат қиларди. Шунингдек, ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш тарафдори эди. Бу ҳаракатларга айрим алоҳида оилалар, унинг эр-хотинлари қарши чиқиб, ўзлари мустақил оила бўлишни истардилар. Улар ҳам ўз мулкига эга бўлишни хоҳлардилар. Шу муносабат билан катта оила таркибидан алоҳида оилалар чиқиб, мустақил яшаш учун кураш олиб борардилар. Катта оила обшиналари ҳам бундай ҳаракатларга жиддий қаршилиқ қилолмас эдилар.

Шундай қилиб, хусусий мулкчилик жараёни оила тараққиёти билан солиштирилса, унда бу жараённинг уч босқичдан иборат кечганлигини кузатиш мумкин: биринчи босқич – уруғдан катта оиланинг ажралиб чиқиши бўлиб, бу ҳолатда барибир қавм-қариндошлик уруғлар, коллективлар орасида

давом этган; иккинчи босқич – катта оила бошлиқларининг алоҳида мулкининг пайдо бўлиши бўлиб, аввалги коллектив ва катта оила мулкининг алоҳида ташкил топиши; учинчи босқич – кичик оилалар мулкининг ташкил топиши бўлиб, бу ҳолат хусусий мулкчиликнинг доимий сақланиб қолиш муносабатларининг узоқ сақланиб қолиши билан характерланади.

9. 7. Талончилик урушларининг ривожланиши ва оқибати

Зарафшон водийсида ижтимоий уруғдошлик жамиятининг емирилиши билан боғлиқ археологик ёдгорликларда талончилик уруш аломатлари аниқланмаган. Юқорида таҳлил этилган бобларга тегишли сатрларда Жанубий Сибир ва Қозоғистон ҳудудларидан бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларига кириб келган кўчманчи чорвадор Андронova қабилаларининг кириб келиши ва уларнинг бир қисми деҳқончилик музофотларида ўтроқлашиб яшашга ўтиб, маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетганлиги ҳақида муайян маълумотлар берилиб ўтилди. Бу қабилаларнинг асосий мақсадларидан бири палеометалл заҳираларини эгаллаш бўлиб, кейинчалик уларнинг иштирокида Саразм мисолида металлургиянинг ривожланганлигини кўриб ўтдик.

Шуни айтиш керакки, бронза даврида, аниқроғи, ибтидоий уруғ-жамоаларининг емирилиши даврида Зарафшон водийси қабилалари ҳам жаҳоннинг бошқа минтақаларидек қабилавий иттифок, қабилавий конфедерацияси, шунинг билан бир вақтда, хусусий мулкчилик ва синфларнинг ташкил бўлиш жараёнини ҳам бошдан кечирган. Бу жараён тарихий жараён бўлиб, ибтидоий тузумнинг емирилишини деярли барча халқ ўтмишдошлари ҳам ўз бошидан кечирганлиги тарихий тараққиёт динамикасининг маҳсули эди.

Эҳтиёждан ортиқ ишлаб чиқилган маҳсулот ва қўшимча қийматнинг вужудга келиши урушларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлди. Қабилалараро тўқнашувлар авваллари ҳам бўлиб турган. Бундай урушлар қабила чегараларини бузиш, қабиладошларни бирор сабаб билан ўлдириб қўйиш, хафа қилиш ва бошқа сабаблар қабила оқибатида келиб чиққан. Бироқ бундай урушлар нисбатан кам бўлган. Классик уруғдошлик жамоалари бундай урушлардан манфаатдор эмас эди. Қуролли тўқнашувлар дастлабки вақтларда камроқ сарф-харажатлар билан ярашиш туфайли тинчиган. Эндиликда бойликнинг пайдо бўлиши ва унга бўлган очкўзлик вазиятнинг ўзгаришига олиб келди. Урушлар орқали янги яйлов ва экинзор ерларни эгаллаш, мўмай бойлик орттириш, тўплаш қаби амаллар кундалик тартибга айланиб борди. Энгельснинг таъбири билан айтганда, ибтидоий тузумнинг емирилиши арафасида олиб борилган урушлар «доимий машғулотга» айланиб борган. Урушда ғалабага эришганлар урушда енгилганларнинг деярли барча мол-мулкни – қимматбаҳо буюмларини, хазинасини, қуролларини, молларини, қулларини тортиб оларди. Кейинчалик аҳолининг кўпайиб бориши муносабати билан кўни-қўшнилари ерларини, ҳосилдор туманларини, энг ўтлоқ яйловларини ва ов объектларини ўзларига қаратиб олиш одат тусига айланди. Аввало, ибтидоий жамият кишиларининг

психологияси ҳам ўзгарган эди. Талончилик фахрли касбга айланди, тинч меҳнат эркак жангчи учун уят ҳисобланарди. Бундай ғоялар кўпгина эпик дoston ва эртакларда ҳам ўз аксини топган. Айниқса, бу ҳодиса ибтидоий жамият тузумининг емирилиши даврида анча авжига чиқди ва ривожланди.

Урушларнинг пайдо бўлиши билан бу соҳа доимий фойда келтирадиган амалга айланди, ҳарбий техника ва ҳарбий ташкилотчилик ривожланди. Айни шу даврга келиб, ов қуролларидан фарқли ўларок жанговар найза, қилич, қалқон, дубулға каби уруш анжомлари ишлаб чиқарилди. Аҳолига сероб қишлоқлар атрофлари муҳофаа деворлари ва чуқур, сувга тўлдирилган ҳандаклар билан ўраб олинарди. Темир асрининг бошларига келиб, Овропа ва Осиёнинг кўпгина мамлакатларида уруш вақтида бошпана топадиган кўрғон-қалъалар, ҳарбий миноралар ташкил топган. Уруш вақтида бундай муҳофаалашган қалъаларда аҳоли нафақат ўз ҳаётларини, шунингдек, зарур мулкларини ҳам сақлашган. Ҳарбий машқлар ўтказиш кун тартибига айланди. Жанг қилиш, муҳофаада сақланиш техникавий йўллари машқлар туфайли такомиллашиб борди. Ҳарбий юришлар тартибга келтирилди. Қабилавий ташкилотлар аввалги уруғдошлик жамоаларидан кескин фарқланиб, эндиликда улар ҳарбий қабилавий ташкилотга айланди. Урушлар олиб бориш мақсадида қабилалар бирлашиб бориб, қабилавий иттифоқлар ва конфедерациялар ташкил топади.

Бу даврга келиб, ҳарбий бошлиқ нуфузи оша борди. Ҳар қандай урушнинг ғалабаси унинг ташкилотчилик санъатига боғлиқ эди. Дастлабки вақтларда бундай ҳаракатларга муайян бошлиқ раҳбарлик қилган бўлса, кейинчалик бу вазифани ҳарбий саркардалар олиб борадиган бўлди. Қабила иттифоқига ҳарбий ҳолатга бардошли уддабурон жангчи эрлар қабул қилинарди. Ҳарбий саркарда жанговар жанглардан иборат ўз дружинасига эга эди. Шундай қилиб, ўзига хос ҳокимиятчилик ташкил топди ва уни К.Маркс ва Ф.Энгельс «ҳарбий демократия тузumi» деб аташи ҳам бежиз эмас эди. Бу демократик тузум ҳам ҳали ўз мазмунида ибтидоий давр демократиясининг асосий тамойилларини сақлаб келарди. Унинг умумий йиғилиши, қабила доҳийлари таркибидан иборат оқсоқоллар кенгаши бўлган. Шунингдек, ҳарбий иттифоқнинг сайланган доҳийси унга раҳбарлик қилган. Бошқа томондан қаралганда, бу демократия ҳарбий демократия бўлиб, аввалги демократиялардан ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан фарқ қиларди. Унинг мажлис ёки кенгаш аъзолари фақат ҳарбий кишилардан иборат эди. Бу давр ҳарбий йўлбошчиси ўз дружинасининг қўллаб-қувватлашига таяниб иш кўрарди. Муҳим масалалар – уруш ва тинчлик масалалари умумий ҳарбийлашган мажлисда кўриб чиқиларди. Ҳарбий демократия тизимида барча ҳарбийлар ўз ҳуқуқларига эга эдилар. Талончилик урушларда қатнашган жангчи ўзига тегишли мулкни олишга ҳақли эди. Бироқ ҳарбий юришлардан тушган қимматбаҳо буюм ва бойликнинг аксарият қимматли қисмини ҳарбий доҳийлар ва уларнинг дружиналари олардилар. Масалан, XVIII асрнинг ўрталарида яшаган алеутларда ҳарбий демократия бўйича ўзгача тартиб жорий қилинган бўлиб, унга кўра ҳарбий доҳийлар урушдан

тушган барча асирларни, қимматбаҳо буюмларни ўзларига олиб, қурол-аслаҳа ва бошқа айрим хўжалик предметларни жангчиларга бўлиб бериш одати бўлган. Араб кўчманчи қабилаларида эса ҳарбий дохий асирга олинган йилқиларни ҳамда жанговар туяларни ўзиники қилиб оларди.

Жаҳоннинг барча вилоятларида яшаган халқлар ҳам ибтидоий демократиянинг у ёки бу шаклини бошдан кечирган. Этнографик маълумотларга қараганда, унинг бошланғич шакли Африкадаги банту қабиласида, Шимолий Америка ва Сибирнинг қатор қабилалари ҳаётида узоқ сақланган. Шу билан бир вақтда, олимларнинг ҳулосаларига қараганда, ҳарбий демократия айрим халқларни четлаб ўтган бўлиши мумкин. Масалан, Океания оролларида яшаган қабилаларда ҳарбий демократия билинар-билинимас тарзда кечган. Ҳуллас, талончилик урушлари бойлик тўплашнинг манбаи сифатида олиб борилган бўлса-да, ўз навбатида хусусий мулкчиликнинг ривожланишига, натижада синфларнинг ва давлатнинг пайдо бўлишига олиб келган.

9. 8. Ижтимоий синфлар ва эксплуатациянинг вужудга келиши

Эҳтиёждан зиёд тўпланган мулкӣ бойлик, хусусӣ мулкчилик ижтимоӣ-иқтисодӣ табақаланишни ва шу билан бирга кишини киши томондан эксплуатация қилишни келтириб чиқарди. Ибтидоӣ жамиятнинг емирилиш арафасида вужудга келган бойлик коҳинлар, қabila дохийлари, саркардалар ихтиёрида тўплана борди. Бошқа жамоа аъзолари кўлида шахсий меҳнат қуролларидан ташқари арзимайдиган ёки аранг яшашга етадиган маҳсулот мавжуд эди. Ҳуллас, оддий жамоатчиларнинг бошқалар билан баробар яшаш учун шароити йўқ эди. Бу мулкӣ тенгсизликнинг тобора кучайиб бориши табиӣ жараён эди. Бу тоифадаги жамоатчилар турли хўжалик тўловлари натижасида ҳам қашшоқлашиб борарди. Бу табақаланишнинг доимӣ кучайиб бориши натижасида қулчилик ёки қулдорлик келиб чиқди. Тўғри, дастлабки пайтларда уруғ-жамоаларда эҳтиёждан зиёд маҳсулот бўлмаганлиги туфайли қулдорлик ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам асирга тушган қулларнинг ишга яроқсизлари одатда жисмонан йўқ қилинади, уларнинг болалари ва хотинлари асраб қолинади ва ишга яроқлиларидан фойдаланиш йўлга қўйилган эди. Айрим ҳолатларда, жумладан, қирғинбарот урушда одам талафоти катта бўлса, айрим асирларни оилага ўғил қилиб олиш одатлари ҳам бўлган. Масалан, XVII аср хабарларига қараганда, шимолий америкалик ҳиндуларда ҳарбий асирлар урушда боқувчисини йўқотган оилаларга ўғил сифатида берилган. Асирларни оилаларга қабул қилиш уларни заҳматли азоб-уқубатлардан асрарди, улар тенг ҳуқуқли оила аъзолари эдилар. Лекин уларнинг ўз ватанига қайтишига ижозат берилмасди. Ҳарбий асирларнинг кўпчилиги қийноқ туфайли нобуд бўлган.

Қўшимча қийматга эга маҳсулотнинг пайдо бўлиши ҳарбий асирларнинг меҳнатидан фойдаланишни келтириб чиқарди. Ҳарбий асирлар эндиликда қулга айлантирилган. Дастлабки пайтларда ҳарбий асирлар меҳнатидан уй хўжалигида фойдаланилган. Масалан, юкагир қабилаларида

харбий асирлар барча аёллар ишини бажарган. Нахво қабилаларида қулдан сув ташиш, ўтин тайёрлаш, овқат пишириш, итни овқатлантириш юмушларида фойдаланганлар. Қулар ўз хўжайинлари билан бирга яшаган, улар билан бир уйда ухлашган, бир дастурхон атрофида овқатланган. Айрим ҳолатларда қул ўз қулбасига, кичикроқ хўжалигига эга ҳолда ўз хўжайинига ёрдамлашарди. Айрим қабилаларда қул озод аёлларга уйланиши, жамоат ва диний ҳаётда иштирок этиши мумкин эди. Айрим халқларда эса қулдорлик абадий эмас эди. Баъзан қул маълум муддат ишлаб бергандан сўнг у озод бўлиши, хоҳласа бошқа хўжайин ихтиёрига ўтиб кетиши мумкин бўлган. Айрим қабилаларда қул дохйи учун 3 йилдан 6 йил муддатга ишлаб берса, у қуликдан озод қилинган. Қулдорликнинг ривожланишига қараб, қулнинг болалари, набира ва чеваралари эркин кишилар эди. Хуллас, қулчиликнинг дастлабки босқичида вужудга келган қулчиликда қулардан кичик оила аъзолари сифатида фойдаланиларди, улар ишлаб чиқаришда иштирок этмасди. Шунинг учун ҳам бу давр қулчилиги уй қулдорлиги ёки патриархал қулдорлик деб аталган. Аста-секин қулар сони кўпайиб борган. Эндиликда уларнинг меҳнати уй – оила чегарасидан чиқиб, катта аҳамият касб эта бошлайди. Масалан, шимолий-ғарбий ҳиндуларда қул меҳнатидан нафақат уй хўжалигида, шунингдек, балиқчилик бассейнлари, уй қуриш, ер ҳайдаш, қайиқларни сувда ҳаракатга келтириш каби ишларда ҳам кенг фойдаланилган. Аммо китларга ов қилиш каби фахрий ишларга қулар аралаштирилмасди. Айрим қабилаларда аҳолининг 15-20 % ни қулар, бошқаларида эса 30 % гача қулар ташкил қилган. Дастлабки қулчиликнинг асосий манбаи ҳарбий асирлар бўлса, кейинчалик унга қулар савдоси келиб кўшилди. Қуларнинг болалари ҳам қулга айланттирилди. Қуларнинг аҳволи кескин ёмонлаша борган. Қулар ҳеч қандай шахсий мулкка эга эмас эди, ўз хоҳиши билан уйлана олмасди. Уларнинг фавқулодда бўлган никоҳи ижтимоий аҳамиятга эга эмас, балки вақтинчалик бирга яшашдан иборат эди. Эркин аҳолидан фарқланиш учун қулар сочларини калтартириб олиб юрардилар. Қул билан беписанд муносабатда бўлишган. Қадимги Спартадагидек кўзғалон бўлмаслиги учун қуларнинг қулбаларига босқинчиликлар уюштирилиб турилган ва ҳар доим ваҳима кўтариб туришган. Янги уй, қайиқ ясашда, дафн маросимларида қулар қурбонлик қилинарди. Бундай одатлар архаик шаклда бўлиб, кейинчалик қулар меҳнатидан ишлаб чиқаришда кенг ва унумли фойдаланишга ўтилди. Қулар эндиликда ҳуқуқсиз меҳнат кучига айланди.

Бироқ қулдорликнинг пайдо бўлиши яна бир бошқа ижтимоий характерга эга бўлди, патриархал қулчилик эркин жамоат аъзолари орасида табақаланишни кучайтирди. Эндиликда қул бошқа ҳарбий асир буюмлари сифатида қабила бошлиқларининг ва дохйилар ҳамда уларнинг дружиналари ва қавм-қариндошлари мулкига айланди. Қуларни эксплуатация қилиш билан бойлик орттириш орқали дохйилар ўз мавқеини, ҳурматини оширишда фойдаланишга ўтилди. Хусусий мулкчилик институтининг тобора ривожланиб бориши туфайли савдо ишлари авжига чикди, бундай аҳвол

кабилавий уруғ бошлиқларининг ихтиёрида катта бойлик тўпланишига олиб келди. Уларнинг ихтиёрида энг яхши сурув моллар, шудгорланган ҳосилдор ерлар, ов хўжалик майдонлари, ўтлоқ даҳалар, хунармандчилик маҳсулотлари тўпланган эди. Шунингдек, ўз шахсий хўжалиқларини юритишга қурби етмаган оила уруғлар ҳам мулкдорлар ҳисобига қарамликка тушиб қоларди. Кўпгина камбағал оилалар хўжалиқни эплай олмай қашшоқлашиб, қарзларидан қутила олмай қулликка тушиб, мулкдорларга қарам бўлиб қоларди. Хуллас, қулчиликнинг асосий манбаи урушлар ва қул савдосидан ташқари қашшоқлашган қабиладорлар ҳам қулга айланарди. Булардан ташқари, ўзига тўқ оилалардан, бойлардан ижарага олинган ер, мол ва бошқа қарзларни вақтида қутила олмасдан қул ёки қарамликка тушиб қолганлар сони ҳам ўсиб борган. Жамоачилар аста-секин тўла мустақил эксплуатация объектига айланиб борган. Юқори сатрларда айтилганидек, бошлиқлар ва доҳийлар жамоатчиларнинг бойлиқларини ўзлаштиришга киришиб, янада тобора бойиб бориш иштиёқида яшардилар. Коҳинлар, оқсоқоллар ва ҳарбий вакилларнинг кучайиб бориши билан коллективларнинг ҳаётий хўжалиғи устидан назорат янада кучая борди. Улар жамоатчиларнинг ишлаб чиққан маҳсулотларининг аксариятини ўзлаштирган ҳолда бу маҳсулот бойлиқларнинг катта қисми қабила ва қабила иттифоқи бошлиқларининг хазинасига тушарди. Ҳар хил ташкилотчилик билан машғул бўлган шахслар ва қабила дружиналари жамоатчилар мулки ҳисобидан яшарди ва оқибатда эксплуатация янада кучайиб борарди. Хорижий ва аввалги иттифоқ олимлари жамоа маҳсулотларини бундай тартибда ўзлаштиришини, яъни вертикал ўзлаштиришни «редистрибуция» (яъни «таксимлайман») деб атадилар. Хуллас, жамоатчиларнинг ер мулки, хўжалиғи, маҳсулотлари устидан чиновникларнинг кундалик назорати ва ўзлаштириши ярим феодал эксплуатациянинг ўзгинаси эди. Феодал эксплуатациянинг кўҳна илдизлари айнан шу даврга бориб тақалади.

Эксплуатациянинг яна бир турини талончилик урушлар келтириб чиқарди. Камбағаллашган жамоатчилар ҳар хил талончилик урушлардан хавотирланиб қўшни қабила бошлиқларига ўз ихтиёрлари билан контрибуциялар тўлаб турарди. Шу асосда келажакда ўлпон тўлаш вужудга келди. Бу ҳам эксплуатациянинг бир шакли бўлиб ўлпон тўлашнинг феодаллашуви эди. Шундай қилиб, ички ва ташқи эксплуатация жараёни вужудга келди. Масалан, уй қулчилиғи, коҳинларга турли совғалар қилиш кабилар ички эксплуатация бўлса, жамоаларнинг қўшни қабилалар доҳийларига катта миқдорда ўлпонлар тўлаши ташқи эксплуатация шаклининг бир кўриниши эди.

Синфларнинг пайдо бўлиши қулдорлик жамиятининг ташкил топишида, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти базасида феодал тузумнинг асослари яратилди. Бу пешма-пеш тараққиёт ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, ишлаб чиқариш кучларининг доимий такомиллашуви кўшимча қийматни, шу асосда ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқарди.

9. 9. Ҳокимиятнинг институтлашуви ва давлатнинг шаклланиши

Ижтимоий табақаланиш ижтимоий қарама-қаршиликни янада давом эттиришга олиб келди. Бойлик ва қоҳинларнинг манфаати камбағал қашшоқ аҳоли ва қуллар томонидан бўладиган ҳар хил норозилик ва хуружлардан ҳимоя қилиниши талаб қилинарди. Уруғ-қабила ташкилотлари ибтидоий халқ тузуми кайфиятида бўлганлиги сабабли эндиликда бу вазифани уддалаша олмасди ва унинг учун яроқсиз эди. Шунинг учун ҳам улар ўз жойини янги шаклдаги ҳокимият ташкилотига бўшатиб беришга мажбур эди. Шундай ташкилотнинг дастлабки уюшмаси яширинча иттифоқлар бўлган. Кўпгина қабилаларда яширинча иттифоқ ўз тараққиёт йўлида, асосан, бой кишилардан иборат бўлиб, бу иттифоққа аъзо бўлиш ёки кириш учун йирик ҳажмда натура ёки пул кўринишида аъзолик бадали тўлашга имконияти бор кишилар бўлиши талаб қилинарди. Иттифоқнинг юқори ижтимоий лавозимларини эгаллаш учун ҳам пул ишлатиларди. Масалан, Мелонизияда иттифоқ лавозими пулдор, бой кишиларга тегишли эди. Шунинг билан бирга яширинча иттифоқ ўз аъзоларини уруғ-жамоалари ҳукмронлигидан ажратиб олиб, уларнинг мулкани, нуфузини сақлаш билан бирга норозилик билдирганлар устидан террорлик ўтказарди. Масалан, Ғарбий Африка мамлакатларида яширинча иттифоқ уруғ қабила бошлиқларини очикча ҳимоя қилар, уруш ва ярашиш сулҳлари тузар, жамиятчилик тартибини сақлар, ҳукмдорларнинг бойлигини кўриқларди. Норози уруғ-қабила бошлиқлари устидан тергов ва суд олиб борарди. Бу тузумнинг аҳамияти ўз вақтида катта ва аҳамиятли бўлиб, бу анъана ҳатто илк синфий жамият даврида ҳам ўз таъсирини сақлаган ҳолда сиёсий ташкилотнинг ривожланиши урушларни янада кучайтириши, муҳофафзаланиш мақсадида қабилавий бирлашмаларнинг янада жипсроқ бирлашишларини тақозо қиларди. Шу мақсадда қабилавий бирлашмалар ҳокимиятининг кучайиши ҳарбий демократия асосида фаолият юритишни талаб қиларди. Бу ҳокимият ҳарбий иархиядан иборат бўлиб, аслида бу ташкилот синфий диктатуранинг ташкил топиши билан боғлиқ эди. Бу вақтга келиб, ҳарбий саркардаларнинг роли ошиб боради, у бутун бойликка, асирга тушган қулларга, камбағал-қашшоқлар устидан ўз дружиначилари билан ҳукмронлик қиларди. Қабила саркардаси дружинаси сафига унинг яқин қавм-қариндошларидан ташқари саркардага содиқ бўлган бегона кишилар, танлаб олинган қуллар (асирлар) ҳам кириши мумкин бўлган. Қабила саркардаси ўз дружинасининг ҳарбий кучига таяниб, қабилавий қавм-қариндошлик анъаналарини ҳам менсимай, бойлик орттиришга уринарди. Бу жараён аста-секин ўсиб бориб, саркардалар ҳарбий дружиналар кучига таяниб, ҳарбий демократия эса ҳокимият ташкилоти шаклига айланди. Аста-секин ҳарбий кенгашга қабила саркардаси бошчилик қила бошлайди ва унинг ихтиёрида бутун ҳокимият тўпланган эди. Шундай қилиб, ҳарбий бошлиқлар кенгашидан ҳарбий саркарда доҳий даражасига кўтарилиб, қабилавий бирлашмалар ҳарбий иархия тамоилида фаолият юритадиган бўлди. Эндиликда доҳий ҳукмронлиги меросий сақланган ёки ҳукмронлик доҳийнинг меросхўрларига тегишли бўлган. Шундай қилиб,

харбий демократия даврида вужудга келган ҳокимият ёки ҳукмронлик секин-аста уруғ-қабилавий ташкилотлардан узоқлашиб, мустақил ҳукмрон ташкилотга айланди ва оқибатда ўз халқини эзиш, эксплуатация қилиш кууролига айланди.

Синфий диктатуранинг ташкил топиши давлатнинг ёки сиёсий ташкилот уюшмасининг вужудга келиши билан боғлиқ эди. Дастлабки вақтларда қабилавий бирлашмалар унча кучли бўлмаган. Бундай бирлашмалар 2-3 қабиладан иборат бўлиб, моддий ва сиёсий жиҳатдан ҳали анча заиф эди. Бу ҳолат харбий дружиналарнинг фаолиятини оширишни талаб қиларди ва қобилятли, тадбиркор саркардалар қабилавий бирлашмаларнинг кучини оширишга ҳаракат қилиб, ўз ҳудудларини кенгайтириб, талончилик юришлар туфайли бойлик орттириш, хуллас, ўз мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилардилар. Шу асосда йирик қабилавий бирлашмалар ташкил топиб, уларнинг дохийлари чегарасиз ҳукуққа эга эдилар. Шундай қабилавий бирлашмалардан князликлар, қирол, подшоҳлар дохий сифатида ҳукмронлик қилиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлларига оладилар. Бундай дохийларнинг яқин қариндошлари эса жойларда ўз дохийсига содиқ ҳолда ҳукмронлик қилардилар. Бу вақтга келиб, дружина харбий қўшинга айланади ва унинг кучига таяниб, давлат ҳокимияти ўз функциясини бошқарарди, жумладан, норози, эксплуатация азобига бардош беролмай кўзғалон кўтарган халқ норозилигини куч билан бостириш, урушлар эълон қилиш қабиларнинг ижросини таъминларди. Бу вақтга келиб давлат ташкилотининг асосий органларидан бири суд ва унинг иархик ташкилотлари эди. Суд ишлари ҳукмрон шахс томонидан ёки унинг жойлардаги вакиллари томонидан олиб бориларди ва оқибатда дастлабки тюрмалар-қамокхоналар вужудга келди. Давлат ҳокимиятининг яна бир муҳим сиёсий қурилмаси – бу мафкуравий таъсир кўрсатиш, яъни культ – шахсга сиғиниш каби диний ҳаракатлар билан ҳукмронлик сиёсатини кучайтиришдан иборат эди.

Дастлабки давлатчиликнинг ташкил топиш хусусиятларидан яна бири – аҳолининг уруғ-қабилавий бирлашмаси эмас, балки ҳудудий бирлашмалардан иборат эди. Бу жараён қавм-қариндошлик, қон-қардошликдан қўни-қўшничилик ҳаётига ўтиш билан боғлиқ эди. Ҳудудий бирлашмаларнинг ташкил топиши уруғ-қабилавий тузумга путур етказди. Шу билан бирга қабила-уруғ бошлиқлари бўлиб ҳукм суриб келаётган қоҳинларнинг ҳам манфаатига путур етади. Хуллас, ҳудудий бирлашмаларнинг ташкил топиши дастлабки давлатчиликнинг вужудга келишида муҳим омил бўлди.

Давлатнинг ташкил топиши кескин синфий қарама-қаршилик курашининг натижаси бўлиб, бу ҳодиса жамиятнинг синфларга ажралиши билан боғлиқ эди. Бу эса аҳолининг гуруҳларга бўлиниши улардан бирининг иккинчиси меҳнатини ўзлаштириш ва оқибатда бири иккинчисини эксплуатация қилишдан иборат эди. Давлатчиликнинг пайдо бўлиши ибтидоий дехқонлар қўшничилигининг барбод бўлиши ва қабилавий

конфедерациянинг вужудга келиши билан боғлиқ эди. Тўғри, дастлабки вақтларда қабилалар ўз ҳолича ижтимоий бирлашмалардан иборат эди. Секин-аста уларнинг қабилавий бирлашмаларга қўшилиши натижасида ҳам ижтимоий, ҳам ҳарбий жиҳатдан кучли ҳокимиятга бирлашиш жараёни содир бўлади. Эндиликда мустақил давлат сиёсати кучга киради ва олий ҳукмронлик пайдо бўлади. Бу жараён доимий равишда такомиллашиб, кучайиб боради. Эндиликда жамоатчилик муносабатлари, турли норозиликлар куч ишлатиш йўли билан идора қилинади, турли тартибларни сақлайдиган қоидалар ишлаб чиқилади, мафкуравий соҳалар давлат манфаати йўлида хизмат қилишга, дохийни улуғлашга ўтилади. Хуллас, давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан мажбурлаш сиёсати ҳам бирга юзага келади.

Х БОБ

ИБТИДОЙ ЖАМИЯТНИНГ ЕМИРИЛИШИ АРАФАСИДА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ

10. 1. Маънавий маданиятнинг айрим хусусиятлари ҳақида

Ибтидоий жамият тузумининг емирилиш жараёни Ер куррасида яшовчи халқлар ҳаётида бир маромда кечмаган бўлса-да, аммо бу тарихий жараённи баъзилар аввал, баъзилар эса кейинроқ бошдан кечирган. Бу тарихий тараққиёт ҳодисаси Зарафшон ҳавзасида яшаган халқларни четлаб ўтмаган, албатта. Зарафшон ҳавзаси бўйлаб олиб борилган археологик тадқиқотларнинг натижалари Зарафшон ҳавзасида яшаган ибтидоий аجدодлар бу жараённи мил. авв. 2 минг йиллик охирларида бошдан кечириб бошлаганликларидан гувоҳлик беради. Аввало шу жараённи қайд этиш лозимки, ибтидоий уруғчилик жамиятида иқтисодий ва ижтимоий жараённинг жадал ривожланиб бориши вужудга келаётган билимларнинг янада такомиллашуви ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Деҳқончилик, айниқса, у билан боғлиқ ўтроқ суғорма деҳқончиликлари ривожланишида ирригациянинг тобора ривожланиши суғорма ишларининг ҳам муайян фасл ёки вақтда таъминланишини талаб қиларди. Бу ҳаётини талаб календар, яъни тақвимнинг тартибга солинишини талаб қиларди. Бу ҳодиса астрономик кузатув ишлари билан боғлиқ эди. Этнографик маълумотларга қараганда, кўпгина халқларнинг турмушида энг қадимги ҳисоблаш тизимининг узоқ асрлар сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Масалан, мелонизияликлар коинотдаги юлдуз ва бошқа сайёраларни ҳали фарқлай олмаган бўлса, полинезияликлар эса кўпгина алоҳида сайёралар ва улар билан йўлдош юлдузларни фарқлай олганлар. Бундай билимларнинг такомиллаша бориши синфий жамиятнинг ташкил бўлиш арафасида оддий кўринишдаги астрономик асбобларнинг пайдо бўлганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, қадимги майяликлар сайёралар ҳаракати нуқтасини аниқлаш учун бир-бирига кўндаланг айқаштирилган иккита таёқчадан фойдаланганлар. Дастлабки тақвимлар, аввало, ой ҳисобланиб, унинг ҳаракат фазаси аниқланган бўлиб, бу ҳисоблаш календари кўпгина қадимги халқларда узоқ сақланиб келган. Масалан, оймуна ва календар бирлиги,

англичанларда ҳам ой-мооп – луна ва month – ой календар ойи тахминан 29,5 кечаю кундуздан иборат бўлиб, ой йили қуёш йилидан 11 кун қисқа бўлиб, уларни ҳаёт йўлида фойдаланишда математик ҳисоблашнинг тўғри олиб борилиши талаб қилинарди. Бундай йўналиш жараёни билан чорвадорлар ҳаёти ҳам боғлиқ эди. Масалан, чорва молларнинг қанча бош эканлигини аниқлаш, мол алмашувининг ҳисоб-китобини олиб бориш, саноқ, баҳолаш ва ўлчамларни ҳисоблаш кабиларни билишда математик билимларни билиш талаб қилинарди. Одамларда абстракт тушунчанинг ривожланиши саноқ, санаш аломатларининг пайдо бўлишига олиб келди. Этнографик маълумотларга қараганда, дастлабки саноқ воситаси бўлиб қўл бармоқлари ҳисобланган. Тропик Африкада яшаган қабилаларда қўлнинг беш бармоғини санаб 5 лик, 10 бармоқни санаб 10 лик, оёқ бармоқларни қўшиб 20 гача санашни билишганлар. Тўртта 20 та саксон саноғини келтириб чиқарган. Аста-секин математик ҳисоблашнинг дифференциялашуви вужудга келади. Хусусан, хусусий деҳқончиликнинг вужудга келиши, ҳисоб-китобларни тўғри олиб бориш талаби геометрияни, яъни «ер ҳисоблаши» фанининг ташкил топишига олиб келди.

Шундай тарзда бошқа соҳалар бўйича ҳам ижобий билимларнинг пайдо бўлиши бошланган. Масалан, қурилиш, сув иншоотларни барпо қилиш, ғилдиракли аравалар – транспорт воситаларининг пайдо бўлиши, дарёда, денгизда сузиш воситалари кабиларнинг пайдо бўлишида ижобий билимларнинг тараққий қилишига муҳим омил бўлди. Қуруқликда, сувда, денгизда сузиш воситаларининг ривожланиши нафақат математика, шунингдек, механика соҳасидаги билимларнинг ривожланишига ҳам олиб келди. Ҳарбий юришлар, талончилик урушлар ҳамда астрономик кузатувлар география ва картографиянинг пайдо бўлишига асос бўлди. Металлни эритиш, қолипларга қуйишнинг ташкил топиши металлчиликнинг муайян жиҳатдан химиянинг пайдо бўлишига олиб келди. Этнографик маълумотлар бу ҳақда қизиқарли фактларни беради. Масалан, полинезияликлар денгизда узоқ сузиш давомида тош ва чўплардан қилинган карталардан фойдаланишганлар, тошлардан оролларнинг жойлашиши харитасини яратган, шамолнинг йўналишига қараб унинг кучини аниқлашни билишганлар. Ҳарбий тўқнашувлар, урушлар хирургиянинг пайдо бўлишида муайян рол ўйнаган, нафақат жароҳатлар, синган суякларни даволаш, шунингдек, қадимги ҳинд ва майяликлар бурунларни пластик операция – жарроҳлик йўли билан даволашни билишганлар. Ҳар хил юқумли касалликларнинг кўпайиши юзага келганда, бундай касалликлар билан ибтидоий тиббиёт кураш олиб борган.

Бошқа билимларга қараганда, ижтимоий билимлар бирмунча секин ривожланган. Бунинг сабабларидан бири мифологик тасаввурларнинг кенг ривожланганлигида ва табиат ходисаларини илмий асосда тушунмаслик эди. Масалан, Геродот скифларнинг келиб чиқиши ҳақида қуйидаги афсонани айтиб қолдирган. Скифлар барча халқлардан анча ёш халқ. Уларнинг келиб чиқиши дашт, сахро билан боғлиқ бўлган. Шундай кимсасиз даштликда

биринчи одам туғилган, унинг исми Тарғитай деб аталган. Унинг ота-онаси Зевс ҳисобланиб, у Борисфена дарёсининг қизи бўлган. Тарғитайдан 3 ўғил: Липаксай, Аркапсай, энг кичиги Калаксайлар пайдо бўлган. Улар эгаллаб турган скифлар ерига самодан олтин омончи, эгар, қўл болта, коса ёғилган. Энг катта ўғил уларни олишга келади. Лекин олтин буюмлар чўғ бўлиб эриб турганлиги учун уларни ололмайди. Бу ашёларни олиш учун иккинчи – ўртанчи ўғил келганида ҳам шундай ҳодисага дуч келади ва нарсаларни ололмайди. Сўнгра энг кичик ўғил бу буюмларни олишга келганда аланга сўнган эди ва олтин буюмларни у олади, икки катта ака-ука бундай ҳодисани кўриб, бутун ҳокимиятни кичик укасига хоҳиш-иродаси билан топширган. Бу каби мифик ҳикоялар мазмунида тарихий ҳақиқат мавжуд бўлиб, скифлар келгинди эмас, балки жойли халқ эканлигини ҳам англатади. Бундан ташқари, бундай қадимги афсоналар билан боғлиқ ҳикоялар аҳамиятли бўлиб, айрим, жумладан, скиф халқларининг генеологиясини билишда ҳам манба бўлиб хизмат қилади.

Бу вақтга келиб, ҳали диний қарашлар билан боғлиқ ҳуқуқий билимларнинг ривожланишини кузатиш мумкин. Бу жараёни, айниқса, ибтидоий сувда сузиш воситаларини қуришда кўриш мумкин. Бу қурилишда «байроқнинг юқори» кўтарилиб туришини ташқи кучга боғлашган ва илоҳийлаштирилган. Бундай байроққа эга бўлиш учун худо олдида қасамёд келтирилган, байроқдор киши жангларда ўлмайди, деган диний фикрда бўлиб, байроқдор киши уни абадий сақлаш учун қасамёд келтирган. Бу вақтга келиб жиний ишларни тасдиқлашда жойларни текшириб кўриш, гувоҳларни сўроқ қилиш, айбдорларни топиш каби ҳуқуқий қоидалар ташкил топади. Бу даврга келиб санъат янада ривож топади ва унинг янги шакллари вужудга келади. Мудрофаа иншоотларини қуриш, минг йилларга аталган макбара ва долменларини қурилиши тошдан қурилган монументал бинокорликнинг вужудга келишини келтириб чиқарди. Деҳқончиликдан ҳунармандчилик касбининг ажралиб чиқиши амалий санъатнинг муайян даражада ривожланишига туртки бўлди. Эндиликда, қабила бошлиқлари ва саркардаларга мўлжалланган заргарлик буюмлари ишлаб чиқарила бошланади. Шунингдек, қимматбаҳо қуроллар, идишлар, кийим-бошлар ишлаб чиқарилиб, уларни турли заргарлик манбалари билан безаш ишлари йўлга қўйилади. Шу муносабат билан торевтика (юнон: ўймакорлик, чеканка) вужудга келади. Бадиий ўймакорлик, заргарлик ривож топади. Айниқса, бундай заргарлик ва ўймакорлик, металлга, қимматбаҳо тошларга санъат даражасида ишлов беришни скиф кўрғонларидан, шимолий-ғарбий вилоятларда яшовчи ҳиндларда кенг кузатиш мумкин, металлга ўймакорлик ва заргарлик санъати бу вақтга келиб Зарафшон водийси уруғ-жамоаларида кенг тараққий қилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Саразм, Замонбобо, Сополлитепа ҳамда Жарқўтон маданиятига доир ёдгорликлардан бой коллекциялар қўлга киритилган. Мўминобод, Чакка, Жом қишлоқлари атрофларида ўрганилган қабрлардан ҳақиқий ибтидоий санъатни намоён этадиган ўймакорлик ҳамда заргарлик ҳунармандчилигига тегишли бой

археологик манбалар кўлга киритилган. Айниқса, бу даврга келиб талончилик урушлари билан боғлиқ достонлар, халқ эртаклари анча ривож топади. Масалан, қадимги бобил достончилигида Гилгамиш ҳақидаги, Бешкитобнинг эпик бўлимлари, Илиада ва Одессия, Эдда ва Ирланд сағлари, Рамайна ва будда эртакларидан Антар ҳақида, Калевала ва нарт эртакчилиги кабилар ибтидоий уруғ-жамоаларининг инқирозга учраган босқичида вужудга келган халқ достончилигининг намуналаридан эди, дейилса бўлади.

10. 2. Диннинг ривожланиши

Зарафшон водийси бўйлаб ўрганилган бронза даври ёдгорликлари манбалари асосида оташпарастлик динининг воҳада ривожланишини юқори сатрларда кўриб ўтган эдик. Илмий экспедицияларнинг сўнгги йиллардаги ютуқларини кўриб чиқадиган бўлсак, диний эътиқод билан боғлиқ мемориал комплекслар, ибтидоий санъатнинг ривожланишини ифодалайдиган қоятош суратларини ўрганишда қизиқарли илмий маълумотлар тўпланган. Шулардан Жуков диний мемориал комплекси ва Сармишсой қоятош суратлари қизиқарли манбаларга эга.

Жуков диний мемориал комплекси. Археологларнинг ёзишича, дарё соҳилидаги жар кесмасида, ер сатҳидан 4-5 метр ораликдаги чуқурликда тош конструкцияли диаметри 5 метрга яқин иншоот қолдиғи (тош ғов), сопол парчалари, тим қора кўмир кукунлари аралаш қатлам очилади. Тош ғов остида овал шаклидаги йирик-йирик тош бўлакларидан қурилган пойдевор борлиги аниқланади. Қурилманинг бузилиб кетган тош девори 40 смгача баландликда сақланган. Қурилма ичидан ерга ўйилган оловхона (эхтимол, алтардир) ва уларнинг ичидан кул ва куйган ҳайвон суяклари, иккита тошболта, тош ҳовонча сопи, чақмоқтошдан ишланган пайкон ва бошқа тош қуроллари топилган. Тошғовнинг ғарбий қисмида яна бир чуқурча бўлиб, унинг усти сопол парчалари билан ёпилган, ичи эса оҳра (қизил бўёқ)га тўла, оҳра ичида эса оппоқ садаф мунчоқлар ва 2 та кўй ошиғи топилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, бу жой аجدодлар топинадиган очик «ибодатхона» бўлиши мумкин. Объект топилмалари, айниқса, сополлар ва уларнинг нақшлари, тош ғов конструкцияси ёдгорликнинг тарихий илдизлари дашт қабилалари маданий дунёси билан боғлиқ эканлигидан гувоҳлик беради.

Бронза даврига келганда Зарафшон водийсининг ўрта ҳавзаси ибтидоий аجدодлар томонидан кенг ўзлаштирилган туманлардан бирига айланади. Бир томонда Зарафшон водийсини жанубий минтақалари билан боғловчи Жом савдо йўли ёқасида *Жом савдо қарвон саройлари*, улар билан боғлиқ турли этник гуруҳ вакиллариининг қабристони (Галашерик) пайдо бўлади, иккинчи томонда Зарафшон ёқалаб *диний мемориал комплекси (Жуков)*, руда эритиш, металл хомашёсини ишлаб чиқаришга мослашган қишлоқлар (Тўқайли) ва ниҳоят, давр сўнгида қадимги шаҳарлар (Кўктепа, Афросиёб) қад кўтаради.

Зарафшон водийси ўтмиш тарихининг яна бир моддий маданият тури қоятош суратлари бўлиб, улар Зарафшон тоғ тизмалари таркибига кирган

Нурота, Оқтоғ, Қоратоғ, Овминзатоғ, Букантоғ, Зирабулоқ тоғлари ва улар орасида сой, дара тошларида, ғор, унгур, камар деворлари ва шифтларида кўплаб учрайди. Улар орасида Қоратоғнинг Сармишсой дарасида чизилган суратлар алоҳида аҳамият касб этади.³⁶

Сармишсой қоятош суратлари 1958-йилда Х.Мухаммедов томонидан очилган. Уни дастлаб археологлар Н.Х.Тошкенбоев, Ж.Кабиловлар ўрганганлар. Кейинги йилларда уни ўрганиш иши билан археолог М.Хўжаназаров мукаммал шуғулланди (29-расм).

Ж.Кабилов Сармишсой қоятош суратларини ўрганар экан, улардаги турли манзара ва сюжетларни ўз ичига олган 48 та гуруҳ тасвирлар тавсифини беради ва уларни 40 хилга яқин турини аниқлайди. Шунингдек, уларни нафақат аждодлар томонидан чизилган ноёб санъат асари, балки ўзбек халқининг ўтмиш тарихи ҳақида бой диний ва дунёвий маълумотлар берувчи ёзма манба сифатида таъкидлайди, уларнинг даврий санаси ва унинг босқичларини аниқлайди. Уларнинг энг қадимийлари мил. авв. III-II минг йилликларда ишланган, деган хулосага келади. М.Хўжаназаров эса Сармишсойда ҳар хил сюжетли 4 мингга яқин тасвирлар борлигини аниқлайди. Уларни антопоморфлар, зооморфлар, ҳарбий ва меҳнат куруллари тасвири, эпиграфик ёзувлар ва қуёш белгиларига ажратиб, бу суратлар нафақат ов манзараларини тасвирлайди, балки ўтмиш тарих қабрига бурканган диний ва дунёвий тафаккур маҳсули, моддий оламнинг маънавий ифодасидир, деган хулосага келади. Уларнинг санаси масаласида Ж.Кабилов фикрига қўшилиш билан бирга, Сармишсой суратлари орасида мезолит ва неолит, ҳатто юқори палеолит даврида яшаган ҳайвон турларининг суратлари ҳам борлигини таъкидлайди (56-расм).

Ибтидоий жамият тузумининг емирилиш арафасида диний қарашлар жаҳон бўйлаб янги асосда ва шаклда ривожланишини кузатиш мумкин. Патриархал тузумнинг юзага келиши билан эркаклар культига сиғиниш пайдо бўлди. Бу жараённинг тобора кучайиши натижасида аввалги аждодларнинг руҳиятига топиниш, уруғ ва оила культлари вужудга келади. Деҳқончилик ва чорвачилик ҳўжаликларининг ривожланиши оқибатида ҳосилдорлик култи вужудга келиб, ҳосилдорликни ошириш ниятида одамларни ўлдириб кўмиш одатлари ҳам келиб чиқади. Бу ҳодиса одам куч-қудрати деҳқончилик қилинаётган ерга ўтиши мумкин деган тасаввурлар пайдо бўлади. Қабилавий ташкилотнинг кучайиб бориши, қабилавий иттифоқларнинг ташкил бўлиши билан қабила раҳнамоси култи ташкил топади. Бу вақтга келиб, култ – сиғиниш шакллари сирли руҳларнинг кўрқинчли ва даҳшатли эканлигини тарғиб қилиш, руҳ – раҳнамо ҳар қандай ишда ўзининг ҳомийлигини кўрсатиши мумкин деган тушунчалар пайдо бўлади. Айниқса, доҳийлар, қабилавий иттифоқи билан боғлиқ сиғинишлар бирмунча ривож топади. Бундай тушунчаларнинг кенг тарқалиши доҳийлар ва қабила бошлиқларини даҳлсиз, алоҳида табиат кучи ва руҳиятига эга деб

³⁶ Хўжаназаров М. Древнейшие наскальные изображения Сармишсая. ИМКУ. –Ташкент, 2005, № 32.

тушунганлар. Бундай тушунчаларнинг тобора ривожланиб бориши политеистик (юнон: кўп худолик) қарашларнинг ташкил бўлишига олиб келади. Эндиликда оила – уруғчилик, қабилавий раҳнамолик, аграр ва космик рухлар, яширинча иттифоқларнинг сирли ва кўрқинчли рухлари каби тушунчалар кенг тарқалади ва аслида бу тушунча ҳодисаларнинг якуний қараши ҳар бир соҳанинг ўз худоси бўлади, деган тарғибот тушунчалар эди. Шундай қилиб, кўпгина қадимги халқлар ҳаётида уруш, жанговар, ҳосилдорлик, ёмғир, осмон, қуёш каби худоларга сиғиниш ташкил топади.

Диннинг тобора ривожланиши билан культга хизмат қилувчи гуруҳ тоифадаги одамлар пайдо бўлади. Бундай бир шароитда культ эгалари алоҳида руҳиятга эга кишилар деб тушунилган. Бундай хизмат тоифасига эга кишилар коҳинлар саналарди. Коҳинлар устидан доҳийлар назорат олиб борган. Доҳий қабилавий бирлашманинг бош коҳини ҳисобланган. Коҳинлар бир томондан кўрқинчли, даҳшатли сиёсатлар олиб бориб, доҳийларни қўллаб қувватлашса, иккинчи томондан бойлик орттиришни назарда тутарди. Шундай қилиб, аста-секин дин оддий жамоатчиликни кўрқинч остида ушлаб турувчи куролга айланади. Хуллас, теократиянинг вужудга келиши давлат ҳокимиятининг ташкил топишидаги қўшимча омил эди. Шундай қилиб, дин аста-секин эксплуатациянинг мафкуравий қуролига айланиб боради ва давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг фаолиятида мажбурлаш қоидаларининг ташкил топишига олиб келади.

10. 3. Ёзувнинг вужудга келиши ҳақида

Синфий жамиятнинг вужудга келиши ибтидоий жамият тузумининг емирилиши арафасида маънавий маданият билан боғлиқ тараққиётларнинг муҳимларидан бири тартибга келтирилган ёзувнинг пайдо бўлиши эди. Ёзувнинг ўтмиши пиктография, яъни ёзувдан олдин айрим нарса ва воқеаларнинг умумий мазмунини англатадиган ёзув бўлиб, уни идеографик ёки логографик (юнонча: идея – ғоя, логос – ёзаман) ёзувдан иборат бўлиб, битилган белгилар айрим сўзларни ёки нарсаларнинг маъносини берган. Кўп ҳолатларда белги ёзувлардан бўғинлар юзага келган. Масалан, шумерликлар, мисрликлар, эламликлар, критликлар, хитой, майя ва бошқа халқларнинг ёзувлари иероглифик (юнонча: тошга ўйиб ёзаман) ёзувдан иборат эди. Кейинчалик идеографик ёзувдан бирмунча ривожланган бўғин ва ҳарфли-товушли (алфавит) тизимидаги ёзув пайдо бўлиб, бу дастлабки ёзув картинкавий характерга эга эди. Идеографик ёзув Хитойда сақланиб қолган.

Тартибга солинган ёзувнинг пайдо бўлиши синфий жамиятнинг ва давлатнинг ташкил бўлиш талаби билан боғлиқ бўлиб, турли ёзишмалар олиб бориш, ҳўжалик юритиш, диний урф-одатларни тарғибот қилиш кабилардан иборат бўлиб, асосан, ҳукумат бошқаруви учун қўлланиларди. Дастлабки вақтларда содда пиктографик идеограмма жуда мураккаб бўлганлиги туфайли оммавий тарзда қўлланилмаган. Бундан ташқари, дастлабки вақтларда идеография коҳинлар, мурувватли кишилар томонидан фойдаланиб, кўп ҳолларда бу ёзув шакли қаттиқ маҳфийликда сақланарди. Шунинг учун ҳам кўпгина илк синфий жамиятда ёзув коҳинлар ва доҳийлар,

мурувватли кишилар ихтиёрида бўлган. Шунга қарамасдан ёзувнинг келиб чиқиши билимларни тарқатишда маданий тараққиётнинг муҳим қуроли бўлиб ҳаётга кириб борди ва унинг тарқалиш ҳудуди тобора кенгайиб борди. Дастлабки бу ёзув тизими мил. авв. 4 минг йилликда Шумер ва Мисрда қўлланилган.

Аслида, шаҳар маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим элементлардан бири – тартибга солинган ёзувнинг пайдо бўлишидир. Албатта, бу масала жуда мураккаб ва махсус лингвистик профессионал тадқиқотни талаб қилади.

Ўрта Осиё архелогия тарихида биринчи ёзувнинг пайдо бўлишини, одатда антик давр билан боғлашади. Аммо ёзув юқорида эслатилганидек, қадимги шарқ мамлакатларида анча аввал пайдо бўлганлиги исботланган. Масалан, юқори сатрларда айтилганидек, мил. авв. 4 минг йиллик охири 3 минг йилликда шумерликлар пиктографик белгилар асосида ёзувни кашф этдилар. Қадимги Шумер ёзувининг анча мураккаб шакли мил. авв. 3 минг йилликнинг иккинчи ярмида протоэлам ёзуви номи билан Месопотомияда маълум. Мил. авв. 3 минг йиллик охири ва 2 минг йилликнинг биринчи ярмида пиктографик белгилар асосида Ҳинд цивилизациясининг Хараппа ёзуви пайдо бўлди.

В.М.Массон Олтинтепа қадимги илк шаҳар харобаларида олиб борган кўп йиллик дала тадқиқот ишлари давомида юздан ортиқ аёл маъбудаларга чизилган пиктографик белгиларни топди. Бу белгилар ўзининг шакли, характери бўйича хараппа, шумер ҳамда протоэлам ёзувларидан деярли фарқ қилмайди. Намозгоҳ IV, айниқса, Намозгоҳ V маданияти ҳайкалчаларида тез-тез учраб турадиган бу пиктографик белгилар, асосан, маъбуда елкасида, кўкрак устида учрайди ҳамда худди ўша белги фигура белнинг пастки қисмида қайтарилади. Баъзида эса бир хил белгилар ҳайкалча танасида бир неча бор қайтарилган. Шу билан бирга ҳар хил белгили ҳайкалчалар ҳам учрайди. В.М.Массон томонидан 6 та гуруҳларга бўлиниб ўрганилган баъзи бир белгилар Жанубий Туркманистоннинг энеолит даври сополларида рангли гул сифатида ишлатилган. Аммо уларнинг деярли кўпчилиги келиб чиқиши жиҳатидан протошумер ва протоэлам ёзувларига бориб такалади. Дарҳақиқат, қадимги Ўрта Осиё ибтидоий жамоалари билан Месопотамия ва Хараппа аҳолиси ўртасида бўлиб турган фаол маданий алоқалар (бунга олтин бошли хўкиз ёрқин мисол бўла олади) Намозгоҳ 2 маданияти даврига келиб қадимги шарқ ёзувининг, айниқса, протоэлам ёзувининг бевосита таъсири Жанубий Туркманистонда ҳам пиктографик ёзувнинг пайдо бўлишига олиб келган, деган мулоҳазани ўртага ташлашга асос бўлади. Баъзи бир белгиларнинг қўшилиш нукталари қўшимча чизиқлар билан мураккаблаштирилган. Бу вариант пиктографик белгиларнинг клинопис шаклда қайтарилиши бўлса керак.

Жанубий Туркманистон деҳқон жамоалари тарихида пиктографик белги асосида бронза даврида ёзувнинг пайдо бўлиши йирик маданий революция эди. Бу белгилар фақат аёл маъбудалардагина битилмай, балки

улар бошқа предметларда ҳам баъзида учраб туради. Бундай белгилар Намозгоҳтепа, Тойчаноқтепа ва Хапузтепада ҳам топилган. Бу белгиларнинг қадимги ёзув эканлигини тасдиқлайдиган муҳим фактлардан бири шуки, белгиларнинг хиллари чегарали фигураларда аниқ бир хил учрайди.

В.М.Массоннинг баъзи бир инографик объект белгиларига қараб қилган семантик тахминига кўра, маъбудалардаги белгилар ҳар хил худоларнинг пиктограмма симболидир. Масалан, Олтинтепанинг нурли юлдуз белгилари маъбудаси осмон худоси Инанна Иштар образини, бошоқли ўсимлик белгили маъбуда ҳосилдорлик худоси Нахид образини, зигзаг белгили маъбуда эса сув худоси образини тасвирлайди.³⁷

Жанубий Ўзбекистоннинг Сополлитепа шаҳармонанд илк шаҳрини ўрганиш давомида А.А.Асқаров сопол идишлар сиртига солинган ҳар хил белгиларни кузатган. Бундай белгилар 60 та идиш сиртида кузатилган. Тадқиқотчининг дастлабки фикрларига қараганда, бу ҳолат пиктографик ёзув билан боғлиқ бўлиб, кулолчи усталарнинг номлари битилган бўлиши мумкин.³⁸

Зарафшон водийсининг тоғли кўпгина жойларида қоятош суратлари жуда сероб учрайди. Айниқса, бу манзарани Сармишсой қоя суратлари галлериясида кузатиш мумкин. Аммо ҳозиргача бу сурат белгиларининг семантикаси аниқланган эмас. Протоэлам ёзуви бронза даврида Ўрта Осиёга кенг тарқалганлигини ҳисобга олсак, бу ўрганилаётган пиктографик белгиларнинг семантик мазмунини аниқлаш муҳим вазифа бўлиб турибди. Протоэлам ёзувининг тарқалиши Жанубий Ўзбекистон ва Зарафшон водийсини четлаб ўтмаган бўлиши мумкин.

10. 4. Илк шаҳар ҳақида тушунча

Мил. авв. 2 минг йилликнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиёнинг жанубий сарҳадлари воҳаларида ибтидоий тузумга зил кетиб, биринчи синфий жамиятнинг пайдо бўлиши бошланди. Кўпгина воҳаларда шаҳарлашиш жараёни вужудга келди, жумладан, Зарафшон воҳасида ҳам бир қатор илк шаҳарлар қад кўтара бошлади. Масалан, Афросиёб, Кўктепа ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ушбу навбатдаги сатрларда биз, аввало, илк шаҳарлар ҳақида қисқача бўлса-да тушунча бериб ўтишни ўринли деб билдик.

Қадимги шаҳар ҳақида гап борганда, одатда ишлаб чиқариш куроллари, маданий потенциали юқори бўлган махсус профессионал ҳунармандчилик ва савдо функцияларини бажарувчи қурилиш иншоотлари, зич йирик аҳоли пунктлари тушунилади. Аммо қадимги иншоотлари зич бўлган ҳамма йирик аҳоли пунктлари ҳам шаҳар бўла олмаган. Масалан, энеолит даври ёдгорликларида шу манзарани кузатиш мумкин. Намозгоҳтепа, Қоратепа, Олтинтепаларнинг энеолит даврига оид қуйи катламлари, шунингдек, бронза даврига оид Сополлитепа уй-жой хўжалик комплекслари қадимдан йирик аҳоли пунктлари эди.

³⁷ Массон В.М. Алтин-депе. –М., 1981.

³⁸ Асқаров А.А. Сапаллитепа. –Ташкент, 1973.

Дехқончилик минтақаларида йирик аҳоли пунктларининг шаҳар даражасига кўтарилиши учун, аввало, майдонлари зич фуқаролар қурилиш бинолари орасида баланд монументал архитектура иншоотларининг бўлиши такозо этилади. Иккинчи муҳим зарурият – бу ана шу йирик аҳоли пунктлари атрофида мудофаа деворларининг пайдо бўлишини тақозо қилади. Қадимги мудофаа иншоотлари ҳар хил функцияни бажаришга қаратилган. Мудофаа иншоотининг характери қадимги шаҳар қиёфасини белгилайди. Биринчи навбатда ижтимоий ҳарбий функцияни ҳисобга олган бўлиши керак. Бу ҳолда мудофаа деворлари баланд, қалин ва мураккаб мудофаа элементлари (бурж, мустаҳкам дарвоза, нишон тўйнуқчалари ва бошқалар) билан таъминланган бўлади. Баланд, монументал архитектура ансамбллари бевосита ижтимоий, диний-мафкуравий кварталлари жойлашган шаҳар маркази ҳисобланарди. Бу марказ ўз навбатида шаҳар ҳокими хонадони ва қўҳинлар яшайдиган «аристократия квартали» бўлиб, унинг асосини ҳоким саройлари, ибодатхона иншоотлари ташкил этади. Инглиз прогрессив археологи Г.Чайлд ана шундай ибтидоий шаҳарларда 5 мингдан кам бўлмаган аҳоли яшаган бўлиши керак, дейди.³⁹ Дарҳақиқат, 10-12 гектардан кам бўлмаган қадимги шарқнинг шаҳар-давлатларида аҳоли зичлиги бир гектарда 400-500 кишига тўғри келади. Аммо қадимги шундай шаҳарлар ҳам бўлганки, (масалан, Кичик Осиёдаги Кнос шаҳри), уларнинг майдони 3,5 гектар бўлгани ҳолда, уларда шаҳар структура тузилишига хос бўлган барча элементлар мавжуд эди.

Қадимги шаҳарларнинг яна бир муҳим хусусияти – уларда махсус маҳаллалар, магистрал кўчалар ва канализация системасининг ташкил этилиши билан боғлиқдир. Булар қадимги шаҳарларга хос ташқи белгилар эди. Шу билан бирга унинг ички структураси мазмуни билан боғлиқ элементлар ҳам борки, уларсиз шаҳар хос, тўлиқ маънодаги шаҳар бўла олмайди. Шаҳарнинг ички структураси, биринчи навбатда, унинг ривожланиш босқичига боғлиқ.

Дастлабки шаҳарлар қишлоқ хўжалик округининг маркази сифатида шаклланди. Унинг ички мазмунини савдо – ҳунармандчилик, ҳарбий-маъмурий бошқариш системаси ва маданий-мафкуравий марказлар ташкил этади. Қадимда ўз ички мазмуни билан кўпроқ савдо-ҳунармандчилик функциясини бажарувчи шаҳарлар ҳам бўлган. Лекин улар доим деҳқончилик ва чорвачилик минтақалари билан фаол алоқада бўлганлар. Шуни унутмаслик керакки, қадимги шаҳарларнинг функционал типлари ҳеч қачон абстракт ҳолда вақт ва тарихий жараёнлардан ташқарида ташкил топган эмас, балки мураккаб ижтимоий организм бўлиб, у бутун ижтимоий, иқтисодий системанинг асосий қисми, унинг муҳим ички мазмуни ҳисобланади.

Қадимги шаҳарларнинг келиб чиқиши бирмунча шарт-шароитларга боғлиқ. Ана шундай шароитлардан бири – аҳолининг озиқ-овқатга бўлган

³⁹ Чайлд Г. Прогресс и археология. –М., 1949.

талаби йўлида хўжалик ихтироларининг яратилишидир. Бу эса ўз навбатида аҳолининг деҳқончилик минтақаларида бир марказга бирлашишига имкон беради.

Ана шундай хўжалик ихтироси ибтидоий овчи хўжалигидан деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш, деҳқончиликда сунъий суғоришни жорий этиш, ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари, биринчи навбатда (кулолчилик чархига асосланган ҳунармандчилик) металлургия, тўқимачилик, заргарлик ва бошқаларнинг юксак ривожланишини тақозо этади.

Америка археологи Брайвуднинг ёзишича, Қадимги Шарқнинг деҳқончилик жамоаларида аҳоли зичлиги термачи – овчилар замонасига нисбатан 100 марта ортган.

Қадимги шаҳар марказларининг вужудга келишига туртки бўлган иккинчи омил – ҳунармандчиликнинг деҳқончилик хўжалигидан ажралиб чиқиши эди. Ф.Энгельс бу факторни ибтидоий ишлаб чиқариш жамоаларида содир бўлган иккинчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти деб атайди. Шу буюк тарихий воқелик туфайли ҳунармандчилик хўжалигининг марказлашиш жараёни содир бўлди. Бу соҳада қатор мутахассисликлар бўйича профессионал соҳалар вужудга келди. Ижтимоий ишлаб чиқариш системасидан ҳунармандчиликнинг алоҳида мутахассислик сифатида ажралиб чиқиши унинг қатор профессионал соҳаларининг туғилиши билан бир вақтнинг ўзида шаҳар ички структурасининг шаклланишини таъминлади.

Шаҳар маданиятини шакллантириш жараёнининг учинчи омили жамиятда ижтимоий тенгсизликнинг келиб чиқиши, шу билан бирга жамиятни бошқариш органларининг ўзгариши ва мураккаблашиши эди. Деҳқончилик қишлоқ хўжалигида даврий компаниялардир. Ўрта Осий шароитида уни бошқариш, кенгайиб бораётган деҳқончилик далаларини суғориш ва у билан боғлиқ йирик магистрал каналлар қозиш, тўғонлар барпо қилиш, баҳорги сув билан таъминлаш энди уруғ жамоаларининг қўлидан келмас эди. Деҳқончилик воҳаларида ерларни ўзлаштиришга бўлган талаб ва шуларнинг ҳаммаси ибтидоий жамоаларни бошқаришни ўзгартиришни талаб қиларди. Энди аввалги уруғ жамоалари бошқарувчи уруғ ва қабила кадхудатлари ўрнига йирик аҳоли пунктларини бошқарувчи диний ва дунёвий ҳокимият – коҳинлар ва мурувватли аристократия вужудга келди. Бу шаҳар ижтимоий, иқтисодий структурасида содир бўлган мулкий тенгсизликнинг келиб чиқиши, синфий жамиятнинг туғилиши билан, шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ эди.

Шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган бошқа бир омил ерни ишлашда, ҳосилни йиғиб олишда ҳайвон кучидан кенг фойдаланишга ўтишдир. Бунинг учун шаҳарда кенг магистрал йўллар бўлиши ва уларда ҳайвон қўшилган ғилдиракли транспорт қатнайдиган бўлиши керак эди. Жанубий Туркменистон ёдгорликларида мил. авв. IV минг йилликнинг охири ва III минг йилликнинг бошларидаёқ тўрт ғилдиракли кажавали аравача

моделлари пайдо бўлган. Мил. авв. III минг йилликнинг ўрталарида Намозгоҳ IV даврига оид қатламда туя қўшилган тўрт ғилдиракли арава модели топилган. Инглиз архелог С.Пигготнинг хабар беришича, Месопотамияда қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиш даврига оид ғилдиракли арава транспорт бўлганлиги аниқланган. Шаҳар маданиятининг шаклланиш факторларидан яна бири диний таассуротлар структурасининг ўзгариши билан боғлиқдир. Энди шаҳар аҳолиси учун умумий бир худо образи майдонга чиқади. Олтинтепада Намозгоҳ V даври илк шаҳарнинг ана шу бош худоси Ой бўлиб, у осмон ҳўкизи образида тасаввур қилинган. Олтинтепаликлар тасаввурича, у қачонлардир осмондан ерга тушиб, мамлакатда ҳокимлик қилиши керак. Унга атаб умумшаҳар монументал ибодатхонаси қурилган. Ибодатхона яқинида ёрдамчи ҳўжалик бинолари, қоҳинлар учун уй-жой комплекслари қад қўтаради.

Ана шулар базасида шаҳарнинг диний-мафкуравий маркази шаклланди. Бу жой аста-секин шаҳарнинг марказий майдонига айланди, шу майдонда шаҳар ҳокимининг саройи, бошқариш органларининг маҳкамаси, улар яшайдиган «аристократлар квартали» шаклланади. Шаҳар тараққиётининг навбатдаги босқичлари давомида марказий майдон атрофи муҳофаа истеҳкомлари билан ўраб олинади. Шундай қилиб, шаҳар ичида арки аъло пайдо бўлади. Шаҳарлар таркибида арки аълонинг шаклланиши, унинг ривожланиш тарихидаги иккинчи босқич мазмунини ташкил этади. Шу пайтдан бошлаб илк шаҳарлар энг қадимги давлат уюшмаларига айланади. Улар Месопотамия мисолида шаҳар-давлатлар деб номланган.

Олтинтепа, Кўктепа, Афросиёб, Жарқўрғон масаласига қайтганда шуни айтиш мумкинки, бу ёдгорликлар Намозгоҳ V даврида ўзларининг ички мазмуни ва ташқи шаклларида кўра илк шаҳарлар эди. Бу шаҳарлар маълум бир қишлоқ ҳўжалик округининг маркази, ҳўнармандчилик ва умумдиний мафкуранинг марказлашган пункти эдилар.

Кенг миқёсда қаралганда, шаҳар савдоси ҳақидаги бой материаллар ҳали оз бўлса-да, Олтинтепадан, Қадимги Ҳинд Хараппа цивилизациясига оид фил суягидан ишланган материалларнинг топилиши, вилоятлараро савдо туфайли мис рудаси ва ложуварднинг муомалада кенг бўлиши, протоэлам таъсирида Жанубий Туркманистонда пиктографик ёзувнинг туғилиши ва осмон худоси образида Ой худосининг шаҳарнинг бош худосига айланиши воҳалараро савдо мунооабатлари туфайли юз берган маданий алоқаларнинг натижаси эди.

Илк шаҳарлардан Ўрта Осиёда Олтинтепа ёдгорлиги яхши ўрганилганлиги туфайли, шу мисолда қисман тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз.

Олтинтепада топилган айрим археологик материаллар Намозгоҳ V, яъни бронза даврининг ривож топган даври бўлиб, илк шаҳар жамиятининг ижтимоий характери ҳақида баъзи бир мулоҳазалар юритиш имкониятини беради. Шаҳар марказий майдонида «аристократлар квартали»нинг очилиши, у билан боғлиқ бўлган мавзолейнинг топилиши ўша замон жамияти

ижтимоий стратиграфиясининг муҳим элементи эди. Масалан, «коҳинлар қабридан» (60 мазор) олтин узуклар, қумуш муҳр топилган. «Коҳинлар қабри»даги бошқа бир скелет ёнида 96 та мунчоқ бўлиб, шундан 35 таси олтин ва қимматбаҳо тошлардан қилинган экан. Бошқа бир «руҳоний қабри»да (362 мазор) олий ҳокимлик белгиси – туғро, «шаҳар олияси қабри»да (252 мазор) қумуш ва фил суягидан ясалган аёллар косметика буюмлари топилган. Бундай бой мерослар уларнинг шаҳар «аристократлар квартали» табақасига мансуб эканлигидан, Олтинтепадаги шаҳар маданияти эса ҳали ўзининг илк босқичини ўтаётганлигидан далолат беради.

Олтинтепада ижтимоий-иқтисодий дифференция жараёнининг бу қадар секин бориши олтинтепаликлар жамиятининг қабилалараро жанжаллар гирдобига тортилмаганлиги – тинч, барқарор ҳаёт кечирганлигидан бўлса керак. Тарихий фактларнинг кўрсатишича, қадимги жамиятларнинг милитаристик руҳи қанчалар паст бўлса, уларда синфий дифференциация ва давлатнинг вужудга келиши шунча секин кечади. Дарҳақиқат, илк давлат уюшмаларининг барпо этилишида ҳарбий зодагонларнинг, уларнинг дружиналарининг роли катта бўлган. Ана шу дружиналар базасида подшонинг мунтазам армияси таркиб топган.

Ҳарбий асир қул шумерлар этимологиясига кўра, энг қадимги ва синфий жамиятнинг илк босқичларида кенг тарқалган қул формасидир. Шундай қул формаси Олтинтепа жамиятида ҳам бўлмаган бўлса керак. Чунки Олтинтепада одам суякларини ўрганган антропологларнинг хулосасига қараганда, суяклар орасида уруш жароҳатларидан гувоҳлик берувчи аломатлар учрамайди.

Шундай қилиб, Олтинтепани бронза даври жамиятида шаҳар-давлат бўсағасида турган илк шаҳар, ибодатхона-шаҳар сифатида тасаввур этиш мумкин.

Пойтахт-ёдгорлик – Олтинтепада Намозгоҳ V давридан сўнг шаҳар ҳаёти давом этмади. Аҳоли шаҳарни аста-секин ташлаб, Мурғоб водийси томонга кўчиб кетади. Бунга деҳқончилик хўжалигини ривожлантириш учун зарур бўлган сувнинг Олтинтепа туманида жуда чегарали бўлиши сабаб бўлган бўлса керак. Намозгоҳ VI даврига, яъни мил. авв. 2 минг йиллик охирига келиб, қадимги йирик деҳқончилик марказлари ўрнида яқинда ўзлаштирилган ерлар ҳисобига янгидан янги қишлоқ воҳалари пайдо бўлади, янгидан янги деҳқон қишлоқлари қад кўтаради.

Жанубий Туркманистон ҳудудида Намозгоҳ VI даври ёдгорликлари асосан унинг икки туманида марказлашади. Биринчи туман – бу Копетдоғнинг тоғолди туманлари, унинг қадимги деҳқончилик зонасидир. Бу минтақада Оқовтепа (жанубий), Елкантепа, Намозгоҳтепа, Теккемтепа ва бошқаларда ҳаёт давом этади.

10. 5. Ибтидоий жамиятнинг емирилиши даврида этник ва тил жараёнлари

Ибтидоий жамиятнинг емирилиши даврида муайян этник ва тилларнинг таркиб топиш жараёни бошдан кечирилган. Бу тарихий ҳодисани

Ер куррасида яшаган барча халқлар, жумладан, Зарафшон ҳавзасида яшаган халқлар ҳам бошдан кечирган. Биз ушбу сатрларда бу масаланинг умумий тарихий жараёнда кечганлиги ҳақида сўз юритамиз.

Ибтидоий даврнинг энг ривож топган босқичида этник бирлашманинг асосини қабила ташкил қилган. Бу тараққиёт босқичига келиб ҳар бир қабила ўз тил шеvasига, худо бирлигига, ўз ишлаб чиқаришига эга бўлган. Дастлабки вақтларда аввалларига қараганда, қабила ўзининг икки хусусияти билан фарқланарди. Биринчидан, ҳали қабила ижтимоий синфларга бўлинмаган бўлиб, унинг маданияти ҳам бир хил эди. Иккинчидан, қабила ўзини қон-қардош ҳисоблаб, ўзининг ўтмиши, келиб чиқишини бир муайян уруғ авлодидан деб ҳисобларди.

Ибтидоий жамият тузумининг емирилиши аста-секин қабилавий этнос хусусиятини йўқотишга олиб келди. Қабилавий ички табақаланишнинг бошланиши синфий тенгсизликни келтириб чиқарди ва умумхалқ маданиятининг вужудга келиши бошланади. Аввало, ҳукмрон табақалар орасида ижтимоий тенгсизлик вужудга келади ва бу ҳодиса аста-секин бутун бир аҳоли табақаларини қамраб олади. Бу жараёни олимлар ҳар бир миллий маданиятда икки маданиятнинг фарқли равишда ташкил топишидан иборат эди, деб таърифлайдилар. Бу даврга келиб қон-қардошликдан иборат қабила жамоаларининг емирилиши бошланади. Натижада, қон-қардошлик жамоасидан кўни-қўшничилик ташкил топиб, оқибатда, қавм-қариндошлар ўртасидаги яқин алоқадорликка путур етади. Талончилик урушлар, қабилавий тўқнашувлар аҳолининг тинч яшашига путур етказиб, турли халқларнинг аралаш-қуралаш бўлишига, уруғ ва қабилалар жамоаларининг аралашиб кетишига олиб келди. Этник аралашув оддий ёки дастлабки кулдорчиликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу даврда ҳали кулларни озодликка чиқариш, уларнинг озод аҳоли билан никоҳга ўтиши, кулларни гаров воситаси сифатида ушлаб туриш ҳолатлари кенг тарқалган эди. Қабилавий этногамия ўз таъсир кучини йўқотиб, умумқабилавий жамият ташкил топиб, аввалги оқсуяк қоҳинлар генеологиясидан фарқ қиларди. Хуллас, таркиби бир хил бўлган қон-қардошлик жамияти ўрнига эндиликда қабилавий бирлашмалар, яъни, янги этник бирлашмалар ташкил топди. Бу вақтга келиб барча жойларда уруғлар ва қабилалар аралашиб кетган ҳолда улар таркибида озод фуқаролар, куллар ҳам бегона мамлакат ҳукмронлигида яшарди. Ибтидоий жамиятнинг бу тарзда емирилиши ўрнига янги жамиятнинг ташкил бўлишида олимлар турли атамаларни қўллашган: гуруҳ ёки қабилавий оила, гуруҳлараро ёки қабилалараро жамият бирлашмаси деб атайдилар. Шундай қилиб, қабилавий аралашувдан этник бирлашмалар ташкил бўлган. Бу жараён, асосан, ибтидоий жамият тузумининг емирилиши билан боғлиқ эди.

Қабилалараро бирлашмаларнинг пайдо бўлиши билан жамиятнинг икки табақага, яъни антаганистик синфларнинг ва давлатнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу жараён ижтимоий-маданий дифференция билан боғлиқдир. Шунга қарамадан, ҳали хусусий қон-қардошлик аломатлари излари

сақланиб қолган эди. Бу жараёнда давлат катта рол ўйнаган бўлиб, қабилавий бирлашмаларни таъсис қилиб, кейинчалик ҳудудий бирлашмалар, округлар ташкил топади ва муайян даражада маданий тараққиёт давом этади. Айрим ҳолатларда давлатнинг ҳудудий жойлашиши кенгайиб кетган вақтларда вилоятларга, князликларга, графликларга бўлинган. Бундай давлат бўлинмаларида тил ва маданий турмуш хусусиятлари узоқ вақтлар сақланиб қолган. Давлат томонидан идора қилинган қабиладорчиликда аста-секин этник бирликлар ўрнига халқлар вужудга келади. Тўғри, бу масала юзасидан олимлар орасида турли қарашлар мавжуд.

Тил оилаларининг ташкил топиши ҳақида сўз борганда шуни айтиш лозимки, аслида қабилавий тилдан қабила бирлашмалари ва ундан халқ тили ташкил топиб, тил оилалари, яъни ўзининг туб асосдаги грамматик тузилиши, муайян сўз, луғавий захираси мавжуд бўлган тақдирда тил оилалари ташкил топади. Тил оилаларининг дастлабки келиб чиқиши ҳақида олимлар орасида иккита қараш мавжуд. Масалан, С.П.Тостов Д.В.Бубрихнинг тахминига мойиллик билдириб, ибтидоий тилнинг доимий давомийлиги ҳақидаги тахминни илгари қўяди. Унинг фикрича, ибтидоий давр инсонияти турли тилларда мулоқот олиб борган бўлиб, аста-секин бири-бирини тўлдириб, луғавий жиҳатдан бойитиб борган. Сўнгги палеолитнинг охири ва мезолит даврининг бошларида катта бир гуруҳга тўпланиб, тил оиласи вужудга келади. Бу жараён тарихий нуқтаи назардан жуда узоқ давом этган. Кўп ҳолатларда қабилалараро, давлатлараро бирининг иккинчиси ҳудудларини эгаллаш, ассимиляция ҳодисалари ҳам бўлиб турган. Умумий миқёсда қаралганда, ибтидоий даврнинг охирларида йирик тил оилалари вужудга келган. Масалан, жаҳон миқёсида қаралганда, тил оилалари турли манзарага эга. Шимолий ва Шарқий Африкада ва Олд Осиёда семит-хамит тил оиласи ташкил топган. Бу тил оиласига Қадимги Миср, Семит халқлари – аккадлар, бобилликлар, оссурияликлар, финикияликлар, қадимги яҳудийлар, араблар ва бошқалар кирган. Шунингдек, бу тил оиласига Кушитлар (самолияликлар, галлар) ва бербер гуруҳлари кирган. Бундан шимолроқда Кавказ тил оиласи, ундан жануброқда – Ўрта Африкада банту тил оиласи кирган ҳолда, кейинчалик Жанубий Африканинг бутун ҳудуди бўйлаб тарқалган.

Жанубий Осиёда тил оилаларидан дравидлар, мунда ва мон-кхмер, Жанубий-Шарқий Осиёда ва Океанияда автронезия (малайско-полинезийская) тил оиласи мавжуд бўлган. Шарқий Осиёда хитой-тибет тил оиласи ташкил топган бўлиб, у иккига, яъни хитой – тибет гуруҳларга бўлинади. Марказий Осиёда олтой тил оиласи бўлиб, унга турк, мўғул ва тунгус-манчжур халқлари киради. Жанубий-ғарбий Сибирда Урал (финн-угросамадско) тил оиласи киради. Бу тил кейинчалик шимолий ва шарқий ҳудудларга кенг тарқалган.

Болтиқ денгизи Ўтра Осиё оралиғида дунёдаги энг йирик тил оилаларидан бири ҳинд-европа тил оиласи кенг тарқалган. Бу тил оиласига аввал ўлик ҳолига келган кўпгина тил бирликларидан ташқари ҳозирги

славянлар, болтиқбўйи, германлар, келтлар, роман, эрон, индоорий ва шунингдек, арман, грек ва албан тиллари киради. Асосий қитъаларнинг чегараларида, оролларда яшаган аҳолилар тил оиласи ассимиляциясига кам ёки умуман учрамаган. Масалан, австралияликлар, ҳиндулар, шунингдек, кўпгина Сибир халқларида ҳам тил бирлиги анча эрта ташкил топган бўлиб, узлуксиз ривожланишда бўлган. Аслида тил бойлигининг ошиб бориши халқларнинг ишлаб чиқариш маданияти билан боғлиқдир. Синфий жамият мил. авв. 5 минг йилликда ташкил топа бошлаган. 4 минг йилликнинг охирида давлатчилик ташкил топади. Бу тарихий ҳодиса дастлаб Нил ва Месопотамия водийларида юз беради. 3 мингинчи йилликнинг ўрталарига келиб, Ҳинд ҳавзасида ва 2 мингинчи йилликда Эгей денгизи ҳавзасида, Кичик Осиёда, Финикия, Жанубий Арабия, Хуанхе, мил. авв. 1 минг йиллик ва милодий 1 минг йилликда Эски дунёнинг катта қисм ҳудудларида ва Марказий Америкада ташкил топади.

Жаҳон тарихини даврлаштириш масаласи ҳақида сўз борганда шуни айтиш мумкинки, қадимги давлатчиликнинг вужудга келиш жараёни натижасида синфий жамият тарихи бошланди. Тўғри, бу жараён жаҳоннинг ҳамма вилоятларида бир зайдда кечмаган. Масалан, Қадимги Миср давлатининг ташкил топиши муҳим тарихий воқеалардан бўлиб, бу жараённинг цивилизацияга таъсири кўпгина қўшни мамлакатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Лекин ибтидоий жамиятнинг кулаши ҳамма жойларда ҳам бир вақтнинг ўзида содир бўлмаган. Дарҳақиқат, ибтидоийликнинг сарқитлари синфий жамиятда ҳам узоқ сақланиб келган бўлса, иккинчидан бундай сарқитлар синфий жамият ташкил бўлган чегарадош қабилаларда ҳам узоқ сақланган.

Ибтидоий жамият муносабат сарқитлари илк синфий жамиятда, унинг давлатчилигида кучли сақланган бўлиб, у илк феодалистик тузумда ҳам тўла йўқолган эмас эди. Айниқса, бундай сарқитлар кўчманчи чорвадор қабилаларда узоқ сақланган. Шуни айтиш ўринлики, ибтидоий қўни-қўшничилик иллатлари ва ибтидоийликнинг кўпгина иллатлари аксарият халқларда сўнгги феодал ва илк капиталистик тузумга ўтилган вақтда ҳам сақланган. Масалан, Узоқ Сибир, Узоқ Шарқ, Жанубий Сибир халқларини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги замонга келиб миллий озодлик ҳаракати натижасида Африка, Осиё, Лотин Америкаси, Америка, Океания халқларида колониал тузумнинг емирилиш, империализмнинг фаоллашуви туфайли юз берди. Қабилавий, яъни трибалистик (лотинча: трабус - қабила) ҳаракатлар ҳам инқирозга юз тутди.

ХОТИМА ЎРНИДА

Зарафшон ҳавзаси ҳудудида ҳикоя қилинган тарихий жараёнлар узлуксиз кетма-кетликда кечган. Бу ҳавза ўзининг жуғрофик жойлашиши, табиий экологик шароитларининг мўътадиллиги билан кишилиқ тарихининг илк даврларидан бошлаб одамзод эътиборини тортган. Зарафшон водийсида Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларига қараганда (Жанубий Туркманистондан ташқари), суғорма ўтроқ деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик

хўжаликлари анча эрта ташкил топган, бу соҳаларнинг ривожланиши учун барча ресурслар мавжуд эди.

Мил. авв. III минг йиллик охирлари ва II минг йилликларда ўтроқ суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва металлургия саноати гуркираб ривожланишда бўлди. Бу омиллар ҳавзада ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва мулкӣ дифференциациялаш жараёнининг пешма-пеш ривожланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Шу боисдан ҳам бу кенг ўлкада мулкӣ табақаланиш, синфӣй жамият ва давлатчилиكنинг вужудга келиши мил. авв. 2 мингинчи йилларнинг ўрталаридан унинг иккинчи ярмига тўғри келади. Шаҳарлашиш жараёни ташкил топади, қабилавий конфедерациялар ва илк давлатчилик пайдо бўлади. Сув ресурслари билан боғлиқ воҳаларда ном типдаги давлатлар, қабилавий бирлашмалар ташкил топиб, улар ўзларининг чегара худуди ва пойтахтига эга бўлганлар. Бундай тараққиёт жараёнини манбалар асосида исботлаш учун айрим археологик далилларга мурожаат қилиш ўринли деб ўйлаймиз.

Бу сатрларда биз икки туркум қабилалар маданиятига тегишли ёдгорликлар тавсифи ҳақида фикр юритамиз. Биринчи туркум-ёдгорликлар хўжалик юритиш асосига кўра, асосан, қадимги деҳқончилик маданияти қабилаларининг ёдгорликлари бўлса, иккинчи туркум-ёдгорликлар иқтисодий-хўжалик ҳаёти, асосан, чорвачилик негизига қурилган дашт қабилалари маданиятига тегишлидир. Уларнинг ҳар иккиси иқтисодий-хўжалик асосига кўра, Зарафшон водийсининг табиӣй-географик шароити тақозо этган туманларда жойлашган. Биринчи туркум ёдгорликларга Зарафшон водийсининг юқори ҳавзасида топиб ўрганилган *Саразм ёдгорликлар комплекси* киради.

Саразм ёдгорликлар комплекси водийнинг энеолит ва илк бронза даври қадимги деҳқончилик қабилаларининг маданиятидир. Ушбу маданият юзасидан олиб борилган археологик изланишлар натижаларига кўра, қадимги Саразмда аҳоли ҳаётининг 4 тарихий босқичи аниқланган, ҳар бир босқичда юз берган туб социал-иқтисодий ўзгаришлар кузатилган.

Саразм I даврида (сўнгги энеолит) бу жойда янги этник гуруҳ қишлоғи пайдо бўлади, уй-жой комплекслари ярим айлана мудофаа девори билан ўраб олинади. Бу даврга оид энг муҳим топилмалардан бири Саразмда ўрганилган уруғ жамоаси сардорининг хилхонаси бўлиб, у Жанубий Сибирнинг Афанасьева маданияти хилхоналари сингари доира шаклидаги тош ғов билан ўраб олинган. Хилхонанинг марказий мозори аёл кишига тегишли бўлиб, у ердан топилган ашёвий далиллар мазор эгаси уруғ жамоасининг сардори эканлигидан гувоҳлик беради.

Саразм II (илк бронза) – Саразм маданиятининг шаклланиш даври. Бу даврда қишлоқ кенгаяди, алоҳида қурилган кўп хонали ҳовлилар, улар таркибида доира шаклидаги алтарли оилавий ибодатхоналар, қишлоқ марказида монументал ибодатхона қад кўтаради. Уй-жой комплекслари таркибида тўқимачилик ҳунармандчилигига мослаштирилган хоналар пайдо

бўлади. Меъморий комплекс бурчакларини тўрт қиррали устунлар билан безаш бошланади. Полихром нақшли сополлар камайиб, монохром нақшли сополлар кўпаяди. Керамика комплекси таркибида Калтаминор маданиятига тегишли парчалар учрай бошлайди. Демак, бу Саразм маданиятининг шаклланишида маҳаллий аҳолининг иштироки борлигидан далолат беради. Саразмликларнинг ташқи алоқалари доираси кенгаяди (Белужистон-Кветта, Сеистон-Шаҳри-Сохта). Зарафшон тоғ конларидан руда қазиб олиш ва уни эритиб металл олиш юксак даражада ривожланади.

Саразм III даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ўзининг юксак чўққисига кўтарилади. Саразмнинг 100 гектарга яқин майдони уй-жой қурилиши ва ҳунармандчилик кварталлари билан қопланади. Ҳунармандчилик соҳасида ихтисослашув юз беради. Кулолчилик дастгоҳи пайдо бўлади. Қорамтир қизғиш ангоб билан пардозланган қора ва кулранг сополлар кескин камаяди, уларнинг ўрнини тиниқ қизғиш ва қизил ангобли сополлар эгаллайди. Бу хилдаги топилмалар илк Номозгоҳ VI даври учун характерли бўлиб, бундай услубда сопол ишлаб чиқариш Сополлитепа идишлари учун ҳам характерлидир.

Саразмда баланд платформалар устида диний ва дунёвий характердаги монументал бинолар пайдо бўлади. Масалан, Саразмнинг III – қазилма ҳудудида 225 кв. метр майдонни эгаллаган 70 см баландликдаги платформа устида 12 та хонани ўз ичига олган яхлит квадрат шаклидаги монументал бино қад кўтаради. Унинг марказий хонасида айлана шаклида алтар топилган. Ушбу монументал комплекс Саразм III даври қишлоқ (Авестода вис) жамоаси сардорининг қароргоҳи бўлганлигига шубҳа йўқ. Бу даврга келиб, Саразм металлургия марказининг довуғи жанубий ва шимолий минтақалар жамоаларига бориб етади. Натижада Саразм метали дастлаб жанубий минтақаларга, қадимги деҳқончилик маданияти жамоалари дунёсигача кириб боради. Бу ҳақида Панжикент яқинидан Зарча Ҳалифа деб аталган жойдан Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига тегишли савдогар мазорининг топилиши таҳсинга сазовордир. Айнан шу типдаги бошқа бир қабрнинг Жом савдо факторияси қошидаги Галашерик қабристонида топилган фикримизни яна бир бор тасдиқлайди (45-47 расмлар).

Саразм IV даврида кўчманчи чорвадор орийларнинг жанубга миграцияси туфайли Саразмда шаклланаётган илк шаҳар ҳаёти инқирозга юз тутди. Саразмликлар иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган тоғ кон саноати, руда конларига эгалик қилиш орий қабилалари кўлига ўтиб, Саразмнинг туб жой аҳолиси водий бўйлаб тарқалиб кетади. Саразм харобалари чорвадорларнинг муқим ҳаёт тарзига юз тутган табақалари масканига айланади. Саразмнинг энг юқори қатламига тегишли чуқурчалардан оч қизил рангли нақшли сопол парчаларининг топилиши бундан далолат беради.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Саразмда юз берган сиёсий ва иқтисодий инқироздан сўнг Зарафшон водийсида илк бор қад кўтарган қадимги деҳқончилик маданиятига тегишли ёдгорлик *Кўктепа*

бўлди. У Самарқанд вилоятининг Батрок ва Чандир қишлоқлари оралиғидан 1988 йилда топилди. Ёдгорлик деярли квадрат шаклида бўлиб, майдони 23 гектар. Унинг микротопографиясида қадимги шаҳарни ўраб олган мудофаа чизиклари, дарбоза ўринлари, қалъа марказига жойлашган бош оташгоҳ ўрни, ёдгорликнинг жанубий-шарқида шаҳар қалъасининг ўрни яққол кўзга ташланади. Бу ерда олиб борилган кенг кўламли стационар қазилмалар ва унинг турли жойларида солинган стратиграфик шурфлар ёдгорликнинг тарихий топографияси ва шаҳар ички таркиби ҳақидаги кузатувларни тасдиқлади.

Бу ерда олиб борилган стратиграфик кузатувга кўра, Кўктепа уч тарихий даврни босиб ўтган. Унинг қуйи қатламидан (Кўк I босқичидан) оч қизил ангоб билан пардозланган қорамтир рангда содда нақш берилган сопол парчалари ва бронзадан ишланган турли меҳнат қуроллари топилган. Археологик комплекснинг характерли намуналари кўлда ясалган рангин нақшли сополлардан ташқари, тош ва бронзадан ишланган ўроқлар, бир тиғли бронза пичоқлари, икки парракли зўғатали бронза пайконлари, от сувлиғидан иборат. Аҳолиси бу даврда саразмликлар каби монументал меъморчилик анъаналарини билмайди, Қадимги Фарғонанинг Чўст маданиятига хос ярим ертўлаларда истиқомат қилишган.

Ёдгорликнинг Кўк II босқичида Кўктепада илк шаҳар ҳаёти бошланади. Шаҳар атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинади, “дев ғиштлар” ва пахса блоклардан ташкил топган платформа устида ижтимоий-сиёсий ва зардуштийлик диний характеридаги монументал ибодатхона ва шаҳар ҳокимининг қароргоҳи қад кўтаради. Тадқиқотчи археологларнинг хулосаларига кўра, бу давр моддий маданиятида Саразм маданиятига хос меъморий анъаналар тикланади ва у ўзининг юксак босқичига кўтарилади. Ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари қадимги шарқ цивилизацияси анъаналари асосида ривожланишда давом этади. Айниқса, кулолчиликда туб сифат ўзгаришлар юз бериб, унинг маҳсулотлари бозоргир, рақобатбардош товар характери олади.

Хуллас, Кўктепа тўла қонли шаҳар бўлиб шаклланади. Унинг атрофининг икки қатор мудофаа деворлари билан ўраб олиниши, девор ташқарисида кенг хандак изларининг сақланиши, Кўктепа I қатламлари устида шаҳар ҳокимининг қасрининг қад кўтарилиши ва унинг теварак-атрофи ҳам қалин мудофаа деворлари билан ўралиб, қасрга шаҳарнинг жанубий дарвозаси томонидан пандус орқали кириб бориши, шунингдек, шаҳар марказида диний монументал ибодатхонанинг таркиб топиши, яъни буларнинг ҳаммаси Кўктепа нафақат шаҳар-давлат ҳокимиятининг, балки илк Суғд ихшидларининг пойтахти, резиденцияси бўлганлигидан гувоҳлик беради. Кўктепа II тарихий босқичи Зарафшон водийси шаҳар маданияти тарихида археолог М.Х.Исомиддиновнинг тадқиқотлари туфайли қадимги суғд даври бўлиб, фанда асосли ўз ўрнини топади. Ҳозирги кунда Кўктепа II даври маданий қатламлари Зарафшон водийсининг Афросиёб шаҳар харобасининг қуйи қатламларида, Лолазор, Хўжабустон каби ёдгорликларида

топиб ўрганилган. Демак, илк темир даврига келганда қадимги шаҳарсозлик маданияти Зарафшон водийси бўйлаб кенг тарқалади.

Кўктепа III босқичи бу ерда топилган археологик материаллар таҳлиliga кўра антик давр билан характерланади. Бу даврда Зарафшон водийсида шаҳар маданияти гуллаб-яшнади, юзлаб қатор катта-кичик ҳажмдаги шаҳарлар қад кўтаради.

Зарафшон водийсида ўрганилган энеолит ва бронза даврига доир иккинчи туркум ёдгорликлар қорвадор қабилалари маданияти билан боғлиқ бўлиб, уларнинг водий ҳудудидаги энг қадимийси *Замонбобо маданияти*дир.

Замонбобо маданиятига тегишли биринчи ёдгорлик 1950 йилда Я.Ғ.Ғуломов томонидан Бухоро воҳасининг Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзасида шу номли кўлнинг шимолий соҳилидан топилган. 1950-1953 йилларда Я.Ғ.Ғуломов тақирлик остида 41 та қабр топиб ўрганади ва бу қадимги қабристон энеолит ва бронза даври хонаки қорвачилик ва мотиға деҳқончилиги билан шуғулланувчи дашт қабилаларининг маданиятига тегишли эканлигини айтади. 1950-йилларнинг охирида ёдгорликда археологик тадқиқот ишларини давом эттириш ва замонбоболикларнинг турар-жой манзилини ўрганиб, ўша давр тарихини тиклаш муаммосини у шогирди археолог А.Асқаровга топширади. А.Асқаров қабристон майдонидан яна 5 та мазор топади ва икки жойдан шу маданиятга тегишли манзилгоҳларни топиб ўрганади.

Биринчи манзилгоҳ Замонбобо кўли яқинида, Гужайли ўзани соҳилида, баланд қир остида топилган. Манзилгоҳнинг сой томони эса марзага айланган қалин девор билан ўраб олинган. Унинг майдони кўчма қумлардан тозалангач, очилган тақир майдондан турли археологик материаллар ва қурилма қолдиқлари учратилади. Манзилгоҳ марказида 170 метр квадрат майдонни эгаллаган ярим ертўла, унинг ичидан ертўла томини тутиб турувчи тиргак-устунлардан қолган чуқурчалар, ўчоқ қолдиқлари, уларнинг атрофидаги қалин маданий қатламдан сопол парчалари, ҳайвон суяклари, тош ва металлдан ишланган турли археологик ашёлар топилган. Манзилгоҳ майдонидан яна иккита қапа (чайла) ўрни, икки камерали сопол пишириш хумдони ва бир неча жойдан хўжалик ўралари, қорайиб қуюндига айланиб кетган бошоқли дон қолдиқлари топилган. Ертўла ичида тўпланган маданий қатлам уч горизонтдан иборат бўлиб, унинг энг пастки горизонти археологик материалларга бой бўлган.

Иккинчи Замонбобо манзилгоҳи кўлдан тахминан 6-7 км ғарбда, сой соҳилидан топилган, лекин манзилгоҳда маданий қатлам сақланмаган, унинг устидан териб олинган сопол парчалари, металлдан ишланган турли меҳнат қуролларининг бўлаклари ҳамда тош қуроллар мажмуаси Замонбобо қабристони ва манзилгоҳ 1 материалларидан фарқ қилмас эди.

Замонбобо материаллари комплекси ичида сополлар ва катта миқдордаги уй ва ёввойи ҳайвон суяклари – кўҳна чиқиндиларидан ташқари терракота урчуқтошлар, антроморф фигуралар, чақмоқтошдан ясалган турли

хил меҳнат ва ов қуроллари, тошмунчоқлар, ёрғучоқ ва тош келисоплар, суяк бигиз, мис куракча парчалари учратилган.

Иқтисодий хўжалик жиҳатидан Замонбобо маданиятига яқин ёдгорликлар комплекси Ўрта Зарафшондан, Тўқайли ва Жуков қишлоқлари оралиғидан 1987-йилда топилиб, у “*Жуков диний мемориал комплекси*” деб ном олди. Бу ҳақда юқори сатрларда ҳикоя қилинди.

Кейинги ўн-ўн беш йил давомида Жом қишлоғи ҳудудидан 6 жойдан бронза даврига оид аجدодларимизнинг моддий маданият излари топиб ўрганилди. Уларнинг деярли кўпчилиги Жом қишлоғини оралаб ўтган Жомсой билан боғлиқ бўлиб, унинг ўзани Эски анҳор каналига уланиб кетган. Эски анҳор канали эса қадимий ўзан устига қурилган. Эҳтимол, Эски анҳор каналига асос бўлган ана шу ўзан қачонлардир Жомсойнинг давоми бўлган.

Жом археологик комплекси *Галашерик қабристон*и, *Қоратена феруза кони* ва яна тўрт жойдан топилган топилмалар: икки тигли бронза болта, икки парракли зўғатали пайкон, тош болта, ховонча соплари бўлиб, улар Жом қишлоғи ва унинг теварак-атрофи бронза даврида кенг ўзлаштирилганлигидан далолат беради. Бу жойдан иккита маданий хўжалик ва икки хил этник гуруҳларга тегишли моддий маданият ашёларининг топилиши эса (Зарча Халифа ва Жом) бир жиҳатдан икки этник гуруҳлар ўртасида давом этган иқтисодий ва этномаданий алоқалар ҳақида гувоҳлик беради.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларида Замонбобо маданиятидан тубдан фарқ қилувчи ва унинг ўрнини эгаллаган дашт минтақаларининг Тозабоғёб типигаги андронова маданияти қабилалари эгаллайди. Бу маданият соҳибларининг келиб чиқиш тарихий илдизлари Қозоғистон чўллари, Ўралорти туманлари, умуман, Жанубий Сибирнинг бронза даври чорвадор андронова жамоалари маданиятига бориб тақалади. Бу тарихий ҳақиқат ўз даврида биринчи бор С.П.Толстов томонидан айтилиб, у бошқа тадқиқотчиларнинг илмий монография ва мақолаларида ҳам ўз исботини топган. Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқидан кириб келган ана шу андронова қабилалари Евразия даштларининг бронза даври орийлари бўлиши мумкин.

Кейинги 50-60 йил давомида уларнинг излари мавсумий манзилгоҳлар, қадимги мазор ва қабристонлар сифатида Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган ҳудудларида юзлаб пунктларда топиб ўрганилган. Маълумки, Авестонинг лингвистик таҳлилига кўра, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида Евразия чўлларида жанубга томон орий қабилаларининг миграцияси юз беради. Эрон ҳамда Шимолий Ҳиндистонда орийлар ҳукмронлиги ўрнатилиб, шу даврда Авесто ва Веда каби муқаддас китоблар пайдо бўлади. Бу жараён Ўрта Осиёнинг бронза даври археологик материалларида ҳам тасдиқланади. Аммо орийларнинг илк ватани ва унинг даври масаласида фанда илмий баҳслар давом этарди.

Кейинги йиллардаги Россия археологларининг жанубий-шарқий Ўралорти туманларида Синташта ва Аркаим каби ёдгорликлар комплексларида олиб борган изланишлари муаммога анча аниқлик киритди. Айнан шу туманлар чорвадор жамоалари орасида мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмида мулкрий табақаланиш кескин юз берганлиги, ҳар бир жамоанинг чорва мулки қабила сардорлари, сипоҳий ҳарбийлари қўлида тўплана бошлагани яққол кўзга ташланади. Оқибатда Авестода эслатилган жамоанинг эркин, озод ва мулкдор тоифаси, уларнинг ташаббускор ва тадбиркор жанговар қатлами, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг аслзодалар табақаси – орийлар пайдо бўлади. Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан эътиборан Ўрта Осиёга кириб келган чорвадор дашт қабилалари орийларнинг бир қисми эди. Уларнинг моддий маданият излари Ўрта Осиёда, айниқса, унинг шимолий ва марказий вилоятларида кенг учрайди. Уларнинг Зарафшон водийсида топиб ўрганилган ёдгорликлари: *Гужайли манзилгоҳи ва қабристон*, *Тўқайли ва Сазагон манзилгоҳи*, *Дашти Казо*, *Мўминобод*, *Чакка*, *Сайгус*, *Сиёб*, *Қизилқир*, *Чорбоғ*, *Дашти Ўрдакон* қабилар мазорлар сифатида бизгача етиб келган (51-55 расмлар).

Дарҳақиқат, Зарафшон водийси ёдгорликларининг кўплиги, хилма-хил ва турли даврларга оидлиги билан Ўрта Осиё маданият тарихида муҳим ўрин тутди. Унинг ҳудуди қадимги тош даврининг мустъе босқичидан бошлаб ўзлаштирилган. Минтақа қадимги маданиятларининг хилма-хиллиги, ҳар бир давр ва уларнинг тарихий кетма-кетликда жадал ривож топган босқичлари инсоният тарихига катта маданий мерос қолдирган.

Зарафшон водийсининг ибтидоий тўда ва уруғ жамоалари даври тарихи бўйича тўпланган археологик манбаларнинг тарихга янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида таҳлил қилиниши туфайли қуйидаги асосий хулосаларни келтириш мумкин.

Зарафшон водийсининг одамзод томонидан илк бор ўзлаштирилиши қадимги тош даврининг мустъе босқичидан бошланган. Шу даврдан бошлаб, Зарафшон водийси кишилиқ тарихининг барча давр ва босқичларида кенг ўзлаштирилиб келинган.

Кишилиқ тарихига хос жамиятнинг минтақавий ривожланиш қонунияти Зарафшон водийсида неолит даврининг охирлари ва асосан энеолит давридан ишлаб бошлаган. Бу ҳолатнинг юз бериши қадимги деҳқончилик маданияти таркиб топиши билан боғлиқ эди.

Зарафшон водийсида илк бор қад кўтарган ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорлиги воҳанинг ўрта ва қуйи қисмларида эмас, балки унинг энг юқори қисмида пайдо бўлди. Чунки у биринчи навбатда маъдан конлари билан боғлиқ эди.

Қадимги деҳқончилик маданиятининг Саразмда шаклланиши муносабати билан Зарафшон водийсида йирик Саразм металлургия маркази ташкил топди. Бу марказнинг металл хомашёсининг жанубий минтақаларга

кириб бориши туфайли Жом дашт савдо карвон йўли ва Жом савдо карвон саройи ташкил топди.

Энеолит ва илк бронза даврида интенсив ривожланишда давом этган урбанистик жараёнлар милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан инқирозга юз тутди. Бу ҳолат чорвадор кўчманчи қабилаларнинг шимолий-шарқдан жанубий ўлкаларга миграцияси билан боғлиқ эди.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида юз берган сиёсий инқирозлар Зарафшон водийсининг металлургия маркази сифатида мавқеини тушириб юбормади, аксинча, маъдан конларининг янги хўжайинлари – чорвадорлар хўжаликнинг бу тармоғидан келадиган мўмай даромаддан манфаатдор эдилар.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва сиёсий воқеаларга бой давр бўлганлиги билан характерланади. Биринчидан, “кечаги” чорвадор қабилаларнинг катта қисми воҳанинг табиий-географик шароитлари деҳқончиликка қулай жойларда ўтроқ ҳаётга ўтиб, муқимлашадилар; иккинчидан, воҳада мунтазам мўътадил ҳаёт таркиб топади ва воҳадаги турли этник гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва этномаданий алоқалар ривожланиб, ўзбек этногенезининг куртаклари ниш ура бошлайди; учинчидан, чорвадор қабилаларнинг кириб келиши билан инқирозга юз тутган урбанистик жараёнлар милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларидан яна жонланиб, воҳада Кўктепа, Афросиёб, Хўжабўстон каби илк шаҳарлар қад кўтаради ва воҳаларда ном типигаги давлатлар, қабилавий конфедерациялар ташкил топади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент: «Шарқ», 1998.
- Аванесова Н.А. Эпохи бронзы Средней Азии. –Самарканд, 1989.
- Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. –Самарканд, 1993.
- Аскарлов А.А. Культура Заманбаба в низовьях Зарафшана. ОНУ. –Ташкент, 1962. № 11.
- Аскарлов А.А. Поселение Заманбаба. КСИА. Вып. 93. –М., 1963.
- Аскарлов А.А. Сапаллитепа. –Ташкент, 1973.
- Аскарлов А.А. Ўзбекистон тарихи. –Тошкент, 1994.
- Аскарлов А., Жўракулов М. Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё. –Самарканд, 1984.
- Богачев Г.В. Район Зирабулакский гор. Геология УзССР. Т. II. –Тошкент, 1937.
- Борисковский П.И. Кишиликининг энг қадимги ҳаёти. –Тошкент, 1959.
- Виноградов А.В. Древние охотники и рыбаловы Среднеазиатского междуречья. –Москва, 1981.
- Гулямов А.Г., Исламов У.И., Аскарлов А.А. Превобытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент, 1965.
- Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскарлов А.А. Превобытная культура и орошаемое земледелие низовьев Зарафшана. –Ташкент, 1966.
- Гуломов Я.Ғ., Исламов Ў.И., Аскарлов А.А. Ибтидоий маданият ва Зарафшон этакларида суғорма деҳқончиликининг вужудга келиши. –Тошкент, 1966.
- Джуракулов М.Д., Мамедов Э.Д. Геология археологических памятников Зарафшана. –Ташкент, 1986.
- Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. –Ташкент, 1991.
- Джуракулова Д.М. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. –Тошкент, 2011.
- Жўракулов М.Ж., Аванесова Н.А., Амиркулов Б.А. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. –Самарканд, 1995.
- Жўракулов М.Ж. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси. –Тошкент, 1984.
- Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии. СА. XIX. 1954.
- Ефименко П.П. Превобытное общество. Изд. 3. –Киев, 1953.
- Исаков И.А. Саразм (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины). –Душанбе, 1991.
- Исомиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. –Ташкент, 2002.
- Косвен М.О. Матриархат. История проблемы. –М.-Л., 1948.

- Косвен М.О. Очерки истории первобытной культуры. 2-е изд. –Москва, 1957.
- Ковалевский М.М. Очерк происхождения и развития семьи и собственности. –Москва, 1939.
- Массон В.М. Алтин-депе. –М., 1981.
- Мирсаатов Т. Древние шахты Учтута. –Ташкент, 1973.
- Мирсоатов Т. Горные разработки в эпоху камня. –Ташкент, 1977.
- Морган Л.Г. Древнее общество. –Л., 1934.
- Неструх М.Ф. Происхождение человека. –М., 1957.
- Окладников А.П. Становление человека и общества. Сб. «Проблемы развития в природе и общества». –М-Л., 1958.
- Першиц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. –Москва, 1982.
- Ранов А.В., Несмянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. –Душанбе, 1973.
- Расулов А.Р., Ҳакимов Ф.Ҳ. Ўзбекистоннинг сув ресурслари. –Т., 1989.
- Рогинский А.М. Проблемы антропогенеза. –Москва, 1969.
- Румянцев А.М. Возникновение и развитие первобытного способа производства. –Москва, 1981.
- Семенов С.А. Развитие техники в каменном веке. –Ленинград, 1968.
- Семенов С.А. Происхождение земледелия. –Ленинград, 1974.
- Семенов Ю.И. Происхождение брака и семьи. –Москва, 1974.
- Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –Ташкент, 1980.
- Тетюхин Г.Ф. Четвертичные отложения УзССР. Сб. Основные проблемы по изучению четвертичного периода. –М., 1965.
- Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. –Москва, 1962.
- Токерев С.А. Ранние формы религии и их развития. –Москва, 1964.
- Токерев С.А. История этнографической науки (до середины XIX в.). –Москва, 1978.
- Хужаназаров М. Древнейшие наскальные изображения Сармишсая. ИМКУ. –Ташкент, 2005, № 32.
- Чайлд Г. Прогресс и археология. –М., 1949.
- Юрьев А.А. О возросте терасс р. Зарафшана в связи с геолого-морфологическим изучением окрестностей пещеры Аманкутан. Изв. всесоюз. геогр. общ-ва. Т. 8. 1964.
- Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3-жилд. –Тошкент, 2002.

Иллюстрация – расмлар

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш сўзи ўрнида.....	3
I боб. Зарафшон водийсининг қисқача палеоэкологияси ва кадимги жўғрофияси.....	6
II боб. Зарафшон ҳавзаси ибтидоий тўда даври.....	17
2. 1. Ибтидоий тўда тараққиётда овчиликнинг роли.....	19
2. 2. Ибтидоий коллективчиликнинг тараққиёти.....	20
2. 3. Ибтидоий тўда босқичида жинсий муносабатлар.....	21
2. 4. Ибтидоий қон-қардошлик ҳақидаги масала.....	22
2. 5. Фикр ва нутқнинг пайдо бўлиши.....	23
2. 6. Дастлабки мафкуравий тасаввурларнинг пайдо бўлиши.....	24
III боб. Антропогенез жараёнининг тугалланиши ва уруғ-жамоа тузумининг ташкил топиши	
3. 1. Антропогенез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги замон туридаги одамнинг пайдо бўлиши.....	26
3. 2. Ишлаб чиқариш кучларининг юксалишию ҳақида.....	27
3. 3. Уруғ-жамоасининг ташкил топиши.....	28
3. 4. Дастлабки ойкуменларнинг кенгайиши масаласи ҳақида.....	30
IV боб. Илк уруғ-жамоа овчи, теримчи ва балиқчилар ҳаёти.....	33
V боб. Зарафшон водийсида уруғ-жамоаларининг гуллаши	
5. 1. Зарафшон водийси мезолит ва неолит даврлари уруғ-жамоалари.....	37
5. 2. Зарафшон водийсининг қуйи воҳаларида яшаган уруғ-жамоалар ҳаёти.....	40
5. 3. Зарафшон водийси уруғ-жамоаларининг тош устахоналари ва шахта конлари.....	42
5. 4. Никоҳ ва оила масаласи ҳақида.....	45
5. 5. Уруғ, оила ва жамоа масаласи нисбати.....	46
5.6. Уруғ – қабила ташкилоти ва дастлабки ҳокимиятнинг ташкил бўлиши.....	47
VI боб. Маънавий маданият.....	49
VII боб. Зарафшон водийси уруғ-жамоалари диний эътиқодида оташпарастликнинг шаклланиши ва унинг моддий маданиятда акс этиши.....	52
VIII боб. Зарафшон водийсида ибтидоий уруғ-жамоалари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёти	

8.1. Зарафшон водийси илк уруғ-жамоаларининг ўзлаштирувчи хўжалик характери ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари.....	57
8. 2. Зарафшон водийси ибтидоий уруғ-жамоаларининг ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарилувчи хўжаликка ўтиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари.....	59

IX боб. Ибтидоий жамият тузумининг емирилиши

9.1. Ибтидоий жамият тузуми емирилишининг умумий тафсилоти ва омиллари.....	67
9.2. Ишлаб чиқаришда металлдан фойдаланиш ва унинг оқибатлари.....	68
9.3. Металлнинг ер юзи бўйлаб тарқалиш тарихидан.....	73
9. 4. Ибтидоий жамият тузумининг емирилиш шакллари.....	76
9. 5. Патриархат.....	78
9. 6. Хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг вужудга келиши.....	81
9. 7. Талончилик урушларининг ривожланиши ва оқибати.....	84
9. 8. Ижтимоий синфлар ва эксплуатациянинг вужудга келиши.....	86
9. 9. Ҳокимиятнинг институтлашуви ва давлатнинг шаклланиши.....	89

X боб. Ибтидоий жамиятнинг емирилиши арафасида маънавий маданият

10. 1. Маънавий маданиятнинг айрим хусусиятлари ҳақида.....	91
10. 2. Диннинг ривожланиши.....	94
10. 3. Ёзувнинг вужудга келиши ҳақида.....	96
10. 4. Илк шаҳар ҳақида тушунча.....	98
10. 5. Ибтидоий жамиятнинг емирилиши даврида этник ва тил жараёнлари.....	102

Хотима ўрнида.....	105
--------------------	-----

Фойдаланилган адабиётлар.....	113
-------------------------------	-----

Иллюстрация-расмлар.....	115
--------------------------	-----